

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

# МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ ДАСТЛАБКИ САҲИФАЛАРИ

(Даврий тўплам)

№ 3

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2000.

Таҳрир ҳайъати:

*Д. А. АЛИМОВА, А. ГОЛОВАНОВ, М. ЖЎРАЕВ,  
Ш. С. ЗИЁМОВ, М. М. ИСҲОҚОВ.*

Масъул муҳаррир:

тарих фанлари доктори *Д. А. АЛИМОВА*

Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари: (Даврий гўплам) № 3// Масъул муҳаррир: Д. А. Алимова; Таҳрир ҳайъати: Д. А. Алимова, А. Голованов, М. Жўраев ва бошқ. / . — Т.: «Шарқ», 2000. — 224 б.

Сарлавҳада: ЎзР ФА тарих институти.

ББК 66.3(5У)

© «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти, 2000

## С Ў З Б О Ш И

Ҳозирги дунё қиёфасини ўзгартирувчи чуқур ўзгаришларнинг ҳаракатлантирувчи кучларидан бири халқларнинг мустақилликка азалдан интилиб келганлиги, ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган азму қарори ҳисобланади. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинди ва давлатимиз раҳбари Ислом Каримов сўзлари билан айтганда: «Муқаддас орзу ушалди. Ўзбекистон тинч, парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий давлатчилигига эришди. Бу халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеадир»<sup>1</sup>.

Ҳозирги Ўзбекистонда юз бераётган жараёнлар ҳам ўзининг қудратлилиги ва шиддаткорлиги билан ажралиб туради. Мустақиллик эълон қилинган, ўзбек халқи ўз тақдирини ўзи мустақил равишда белгилашдан иборат бўлган ҳуқуқни муваффақиятли амалга оширмоқда. Босиб ўтилган дастлабки истиқлол йиллари Ўзбекистонда фаол миллий давлат қурилиши, халқнинг миллий ўзлигини англашнинг ортиши, кўп асрлик маънавий-ахлоқий қадриятларининг қайта тикланиш даври бўлди.

Фидокорона кураш якуни бўлган мустақиллик асрлар мобайнида унинг учун курашиб келган халққа кенг тарихий имкониятлар очиб берди. Мустақиллик Ўзбекистон халқига қаддини баланд тутиш, ўз ерининг ҳақиқий хўжайини деб ҳис қилиш, ўзбек халқига чинакам кадр-қиммат туйғусини, тил ва маънавиятини қайтариш имконини берди.

Мустақил Ўзбекистон аввал бошданоқ миллий давлат қурилишининг асосий устивор йўналиши сифатида демократия қадриятларини, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эркин бозор иқтисодиётини яратиш йўлини таъналади. Бироқ миллий давлатчиликнинг тикланиши, маънавиятли тараққиётнинг умуминсоният йўлига солиниши ниҳоятда мураккаб вазиятларда кечди. Амалда кўп нарсаларни янгидан бошлашга тўғри келди. Чунки ижтимоий-сиёсий, иқтисодий қурилиш-

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., «Ўзбекистон», 1998, 5-бет.

нинг аввалги тизими бошлаб юборилган қайта қуришнинг мақсад ва вазифаларига, тарихий анъаналар ва халқ турмуш тарзига, шунингдек замонавий давлат қурилишининг халқаро эътироф этилган тамойиллари ва нормаларига тўғридан-тўғри зид эди. Мустабид тузумдан қолган оғир мерос, ўтиш даврининг мураккабликлари, «қизил империя» таназулга учрагандан кейин собиқ иттифоқдош республикалар билан ҳўжалик алоқаларининг узилиши туфайли миллий иқтисодиётнинг танглик ҳолати янада чуқурлашди.

Бундай шароитда мустақил ривожланишнинг илмий асосларини, жамиятни замонавий бошқариш мафкура-сини ишлаб чиқиш вазифаси кескин бўлиб турарди. Ҳаётнинг кўрсатишича, Президент Ислом Каримов бошлиқ ёш ўзбек давлатининг сиёсий раҳбарияти замон чақиригига «лаббай» деб жавоб бериб, миллий тикланишнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш, республиканинг жаҳон цивилизациясига қўшишга доир амалий йўллари топишга муваффақ бўлди. Жаҳон тажрибасини, ўзбек халқи миллий давлатчилиги тарихий амалиётини диққат билан ўрганиб, янги жамият қуришнинг шакл ва усулларига оид мавжуд қарашларни синчиклаб таҳлил этган, шу билан бирга ўтмиш ва бугунги кунга теран баҳо берган мустақил Ўзбекистон раҳбарияти жаҳонда «ўзбек модели» деб эътироф этилган ҳаракат дастурини ишлаб чиқди ва шу дастур асосида жамиятни тубдан ўзгартиришга киришди. Бу дастур ўзида Ўзбекистон халқларининг миллий турмуш тарзини, унинг ижтимоий тараққиётга ва муносиб турмуш шароитларига интилишини, мустабид мустамлака тузумида ижтимоий бозор ва демократик жамият сари ҳаракатнинг объектив тамойилларини чуқур акс эттирган.

Миллий давлат тузилиши ва тараққиётининг стратегик йўлини моҳият жиҳатидан асослаб бериш ва назарий жиҳатдан ишлаб чиқишда суверен Ўзбекистоннинг сиёсий раҳбари Ислом Каримов ҳал қилувчи роль ўйнади. Бугунги кунда хорижлик жамоат арбоблари ва олимларнинг берган баҳосига кўра, «ўзбек йўли» — Ислом Каримовнинг кашфиётидир<sup>1</sup>.

Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаган Ўзбекистон эркин тараққий этишнинг дастлабки тажрибалари озод халқ чинакам битмас-туганмас бунёдкорлик қудратига эга

<sup>1</sup> Қаранг: *Левитин Л., Карлайн Д.* Ислам Каримов — Президент нового Узбекистана, Т., 1996, — С.44.



эканлигини кўрсатди. Республикада қисқа муддат ичида жамият тараққиётининг барча соҳаларида ҳал қилувчи ўзгаришлар рўй берди, уларнинг асосий ифодаси аввалги мафқуралашган маъмурий-буйруқбозлик тизимининг тугатилиши; эркин бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик давлатнинг конституциявий ва ҳуқуқий пойдеворини яратилиши; давлат ва жамиятни бошқаришнинг янги тизимига асосланиши; янги ахлоқий ва маънавий қадриятларнинг устуворлигини таъминланиши; ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг мамлакатимиз манфаатларига, жаҳон ҳам-жамиятида унинг обрў-эътибори ва мавқеи ошишига мос келадиган мустақил йўлни шакллантириш ва фаол амалга ошириш; тарихий, миллий ва маънавий қадриятларнинг, анъаналарнинг, халқнинг муқаддас дини бўлган ислом динининг жамият маънавий ривожланишидаги роли ва ўрнининг тикланиши; кишилар тафаккури ва ҳаётга муносабатининг тубдан ўзгариши бўлди.

Ислохотлар биринчи босқичининг вазифалари муваффақиятли амалга оширилганлиги мамлакатимизнинг иқтисодий ўсишида, сиёсий барқарорликнинг мустаҳкамланишида, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигининг таъминланишида, давлатимиз халқаро обрў-эътиборининг ошганлигида яққол ифодаланди.

Бироқ Ўзбекистондаги чуқур ўзгаришлар ҳаммага ҳам маъқул келмоқда, деб бўлмайди. Ҳали шундай қора кучлар ҳам борки, улар мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни барбод қилишга, Республикамизни демократик, дунёвий тараққиёт йўлидан оғдиришга, халққа яна ўзгалар иродаси ва сиёсатини сингдиришга интилмоқдалар. Бироқ Ислом Каримовнинг ибораси билан айтганда, «тарихни ҳеч қачон ортга қайтариб бўлмайди».<sup>1</sup> Мустақиллик йиллари, ўзгаришлар жараёнлари, иқтисодиётнинг, жамиятнинг янгиланиши ва ислох қилиниши орқага қайтариб бўлмайдиган хусусиятга эгадир. Шунга қарамасдан хавфсизликка таҳдид солишлар мавжуд бўлиб турибди. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз раҳбарияти уларга барҳам беришга катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистонда давлат чегаралари ва суверенитетни ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армия ташкил этилди. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминловчи самарали тизимни яратиш чоралари кўрил-

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999. 12-бет.

моқда. Айни вақда хавфсизликка қилинаётган таҳдидлар мустақилликни мустақамлаш, озодликни қатъий туриб ҳимоя қилиш учун жамиятимиз ҳар бир аъзосига жуда катта масъулият юклашни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида жамиятни тартиб билан янгилаш, барқарор мустақил ривожланишни таъминлаш соҳасидаги тўпланган ноёб тажриба бутун дунёда зўр қизиқиш уйғотмоқда. Бугунги кунда мазкур тажриба ўзбек халқининг миллий бойлигидир. Буларнинг ҳаммаси ватанимиз тарих фани олдида бу тажрибани чуқур ўрганиш ва кенг миқёсда оммалаштириш вазифасини биринчи галдаги вазифа сифатида қўймоқда.

Мустақил тараққиётнинг кўп қиррали тажрибасини умумлаштиришга бўлган катта ижтимоий эҳтиёж Ўзбекистон Республикасининг XXI асрга, бошланажак янги тарихий жараён босқичга кириб бораётгани муносабати билан ҳам боғлиқдир. Мазкур омилни кўрсатиб ўтар экан, Ислом Каримов Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги дастурий маърузасида бундай деган эди: «Бугун, янги минг йиллик арафасида, бутун маърифатли дунё ўз тараққиёт истиқболлари, стратегиясини белгилаб олмақда. Собиқ Иттифоқ ҳудудида ташкил топган янги мустақил давлатлар учун бу вазифа алоҳида маъно-мазмун касб этади».<sup>1</sup> Шу жиҳатдан эришилган муваффақиятларга ҳам, шунингдек ҳали ҳал этилмаган муаммоларга ҳам объектив баҳо бериш, таркибий ижтимоий ўзгаришларнинг бундан кейинги боришига доир устивор йўналишларни белгилаб олиш ниҳоятда муҳимдир.

Шу билан бирга Ўзбекистоннинг энг янги тарихини қўламли манзарасини яратиш зарурати, озод бўлган халқнинг мустабид империяча ўтмишнинг боши берк кўчаларидан чиқиш, ўзининг бугунги куни ва келажакни фидокорлик билан барпо этиш борасидаги новаторлик тажрибасини илмий асосда бир тизимга солиш ва таҳлил қилиш ҳозирги даврнинг долзарб талабларидан бири сифатида кун тартибига қўйилмоқда.

Кенг китобхонлар эътиборига тақдим этилаётган ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти олимлари томонидан тайёрланган ва нашр қилинган аввалги икки тўпламнинг мантиқий давоми бўлиб, унда Мустақил Ўзбекистон тарихининг айрим масалалари таҳлил қилинади ва ёритилади.

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999, 14-бет.*

## СИЁСІЙ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ҚЎЛГА КИРИТИЛИШИ ВА ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

1991 йил 20 июнда «Мустақиллик декларацияси», 1991 йил 31 августда «Давлат мустақиллиги асослари ҳақида» Конституциявий қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинди. 1 сентябрь Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни деб эълон қилинди. Халқимизнинг асрлар оша орзуси амалга ошди.

Истиқлол туфайли ўзбек халқининг ажралмас ҳуқуқи — ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқди. Ўзбекистон тинч парламент йўли билан ўзининг ҳақиқий миллий давлатчилигига эришди. Бу, юртбошимиз таъкидлагандек, халқимизнинг кўп минг йиллик тарихида буюк воқеадир.

Совет социалистик давлати халқимиз ҳаётига четдан зўравонлик билан мустамлакачилик мақсадида жорий этилганди. Бу давлатнинг на шакли, на моҳияти халқимизнинг бой ва теран ахлоқий, маънавий, руҳий ва ҳуқуқий қадриятларига тўғри келмайдиган тизимга асосланганди. Совет давлат тузуми ўз халқимизнинг тарихини, ўзининг руҳи ва урф-одатларини, ўз авлод-аждодларини билмайдиган манкуртларга таянар эди. Шу боис бу давлатнинг ижтимоий-сиёсий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасида жарлик бор эди. Бошқача сўз билан айтганда, инсон, унинг моддий, маънавий, миллий қадриятлари бу тузумда сўнгги ўринда турар эди. Бинобарин, бундай давлатнинг истиқболи йўқ эди ва 70 йиллик вақт бунинг яққол исботидир.

Истиқлол туфайли, бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий боғлаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой давлат — ҳуқуқий аънаналарни янги мустақил адолатли фуқаролик жамияти қуришга татбиқ этиш бахтига муяссар бўлдик.

Мустақиллик халқимизга ўз Ватанида ўзини эркин ҳис қилиш, чинакам миллий қадриятларини тиклаш, ўз миллий давлатчилигини шакллантириш имконини берди.

Шу сабабли, тарихан жуда қисқа вақт ичида асрлар мобайнида давлат қурилиши соҳасида амалга оширилмаган кўп нарсаларга эришилди. Бу нималарда намоён бўлмоқда?

Биринчидан, мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос давлат — ҳуқуқий йўли танлаб олинди. Давлат қурилиши соҳасида танқидий нуқтаи назарсиз қабул қилинадиган тайёр қолип ва андозалар йўқ. Дунёда бир-бирига айнан ўхшаган иккита давлат йўқ. «Ҳар бир давлат — бетакрор ижтимоий ҳодисадир. У ҳар қайси халқ тарихий ва маънавий тараққиётининг ҳосилдир, унинг ўзига хос ўзига мос маданияти ривожининг натижасидир»<sup>1</sup>, — деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида демократия қадриятларини, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашни, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган эркин бозор иқтисодиётини барпо этишни, халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланишни ўзи учун энг устувор қадриятлар сифатида танлади.

Иккинчидан, янги ўзбек давлатчилигининг қарор топиш жараёнида эски маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унга хос бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари тугатилди. Сиёсий ва иқтисодий бошқариш ва тартибга солишнинг кўпгина тузилмалари барҳам топтирилди. Улар тоталитар тузумнинг, ўта марказлаштирилган режалаш тақсимлашга асосланган иқтисодиётнинг устунлари эди. Бу жараён мураккаб шароитларда рўй берди. Чунки амалий иш юрита олмайдиган, кўпинча масъулиятсиз ва экстремистик кайфиятдаги, калондимоғ мухолифат демократия ғояларини байроқ қилиб, ўзининг хатти-ҳаракатлари билан жамиятда беқарорликни келтириб чиқаришга уринди. Бундан ташқари, ҳамдўстлик доирасида интеграцияни чуқурлаштириш шиори остида миллий суверенитетнинг қарор топишига ҳалақит беришлар ҳам янги давлатчиликнинг вужудга келиш жараёнига ўзининг салбий таъсирини кўрсатди.

Учинчидан, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли

<sup>1</sup> *Ислоҳ Каримов*. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 6-бет.

фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий ва конституциявий асослари яратилди. Истиқлол йиллари ўзбек парламенти қонун яратувчилик фаолияти билан фаол шуғулланиб, ёш мустақил давлатнинг шаклланишини ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама таъминлашга қаратилган 400 га яқин қонунлар қабул қилди.

Янги ўзбек қонунчилиги тизими ўзагини Истиқлолимиз Қомуси — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этди. Асосий Қонунимиз мустақил ўзбек давлатчилигини қарор топтириш йўлида муҳим тарихий қадам бўлди. Юртбошимиз таъбирлари билан айтганда: «Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик — ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди»<sup>1</sup>.

Тўртинчидан, Конституция талаблари асосида давлат ҳокимияти органларининг совет тоталитар тузумидан тубдан фарқ қиладиган тизими барпо этилди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш конституциявий тамойили изчиллик билан жорий этилди. Уларнинг ҳар бири ўз фаолиятида ҳуқуқий асосда тоталитаризм иллатларини истисно қиладиган умуминсоний демократик меъёрларни қарор топтирмақда.

Ўзбек парламенти Ўзбекистон истиқлолини эълон қилиб, давлат мустақиллигининг ҳуқуқий асосларини яратди. Вакиллик ҳокимиятини вужудга келтиришнинг жаҳондаги энг демократик тизимларидан бири ташкил этилди. Олий Мажлис илк марта кўппартиявийлик асосида сайланди.

Ижроия ҳокимиятнинг янги, замонавий ва самарали тизими шаклланди. Ижро этувчи ҳокимият органлари режалаш, тасдиқлаш вазифаларидан ҳоли бўлиб, иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш ва тартибга солиш ролини бажармоқда. Марказий иқтисодий идораларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари тубдан ўзгартирилди. Кўплаб вазирликлар ўрнига бозор шароитларига мос бўлган хўжалик бирлашмалари, уюшмалари, концернлар, корпорациялар, холдинг компаниялар ташкил қилинди.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг янги тизими вужудга келтирилди. Унинг асосини ҳокимлар инс-

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1998, 138-бет.

титуги ташкил этади. Унда жойларда ижро этувчи ҳокимият билан вакиллик ҳокимияти раҳбарининг вазифалари бирлаштирилган. Халқимизнинг тарихий анъаналари ва руҳиятини ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тузилди. Уларнинг асосини фуқаролар йиғинлари — маҳаллалар ташкил қилади.

Мутлақо янги суд тизими мустақил ва бошқа давлат органларига боғлиқ бўлмаган ҳокимият сифатида қарор топтирилди. Суд ҳокимиятининг Конституциявий Суд ва Олий ҳўжалик суди каби янги тузилмалари вужудга келди. Вилоят, шаҳар ва туман судлари судьялари давлат бошлиғи томонидан тайинланиши, каби ижобий тарихий-ҳуқуқий анъана тикланди. Судьяларнинг ваколатлари ва ҳуқуқ доираси кенгайтирилди.

Бешинчидан, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини амалда намоён қиладиган ва рўёбга чиқарадиган ташкилий тузилмалар тизими шакллантирилди. Мудофаа ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона ва солиқ кўмиталари тузилди. Миллий армия — Ўзбекистон Қуролли Кучларининг ташкил этилиши миллий давлатчиликни қарор топтириш йўлидаги гоят муҳим қадам бўлди. Давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш, қимматбаҳо металлар, Фан ва техника кўмиталари, Олий Аттестация комиссияси биринчи марта ташкил этилди. Банк тизими тубдан қайта шакллантирилди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки очилди. Мустақил миллий авиакомпания, Ахборот агентлиги, кинокомпания ва бошқа умумдавлат хизматлари фаолият кўрсатмоқда.

Олтинчидан, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди. Ҳозир Ўзбекистонни 165 давлат тан олган. Дунёдаги 120 дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Мамлакатимизда 88 чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган, 24 ҳукуматлараро ташкилот ва 13 ноҳукумат ташкилот ишлаб турибди. Ўзбекистоннинг 40 дан ортиқ чет эл дипломатик ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон суверен давлат сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлди.

Юртбошимиз ҳақли равишда ёзганларидек: «Биз учун мустақиллик, ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки аввало ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир»<sup>1</sup>.

1992 йилнинг 8 декабрида Республика Олий Кенгаши мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди. Конституцияда Республикада Олий қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Мажлис, давлат ва ҳукумат бошлиғи — Президент, олий ижро ва фармон берувчи ҳокимият — Президент бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамаси, жойларда давлат ҳокимиятини ва бошқарувини амалга оширувчилар — вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари ва кенгашлари, суд ҳокимиятини амалга оширувчилар Конституциявий суди, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, вилоят, шаҳар, туманларнинг судлари ва вилоят ҳўжалик судлари эканлиги ўз аксини топди.

Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди, уларни амалга ошириш кафолатларини, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мақомини, давлат билан шахс ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий принципларини, оила ва унинг давлат билан алоқаси ва бошқа муҳим сиёсий-ҳуқуқий муносабатларни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлади.

Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси янги ўзбек миллий давлатчилигининг ҳуқуқий кафолатларини ўзида мустаҳкамлайди. Конституция инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган демократия, ҳуқуқий ва адолатли давлатни қуриш йўлларининг истиқболларини белгилаб берди.

«Ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, конституция, давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттирди. Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир»<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> *Ислоҳ Қаримов*. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1996, 93-бет.

<sup>2</sup> *Ислоҳ Қаримов*. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати Т., «Ўзбекистон», 1993, 21-бет.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясини АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти каби нуфузли давлат ва халқаро ташкилотларнинг олимлари юқори баҳоладилар. Чунки Асосий қонунни яратишда ҳам бой миллий тарихий-ҳуқуқий меросимизга таяниб ҳамда халқаро ҳуқуқнинг барча эътироф этган қоидаларига ва илгор демократик давлатларнинг Конституциявий тажрибасига асосланилган. Ўзбекистон Конституцияси жаҳон сиёсий харитасида янги суверен давлат — Ўзбекистон давлати дунёга келиб, фаол яшаётганини кўрсатувчи муҳим ҳуқуқий ва халқаро аҳамиятга молик ҳужжатдир.

Ўзбекистон Конституциясининг миллий давлатчилигимизнинг ҳуқуқий асоси сифатидаги хусусиятлари куйидагилардан иборат.

Биринчидан, Конституция истиқлолга эришган янги мустақил давлатнинг асосий Қомусидир. У ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, мафкураси, ғоясига кўра янги ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда комунистик мафкура, синфийлик, яккапартиявийликнинг ҳукмронлиги каби иллатлар йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи ва муқаддаси инсон деган ғоя мустаҳкамланган. Шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечими берилган.

Иккинчидан, Конституцияда фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган. Инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ, ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясидадир. «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида маъсулдилар», — дейилган Конституциянинг 2-моддасида.

Учинчидан, Ўзбекистон фуқаролари, ўзларининг насл насаби, ирқи, миллати, диний эътиқодидан ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар тенг ҳуқуққа эгадир. Конституция Ўзбекистон фуқароси деб ҳисобланган барча шахсларни, уларнинг миллати, тили, урф-одатлари ва миллий анъаналаридан қатъи назар хурмат қилинишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди.

Тўртинчидан, фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдир. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари дахлсиз бўлиб, ҳеч ким суднинг қарорисиз улардан маҳрум этилиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқа-



роларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим.

Бешинчидан, Асосий Қонунда ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси бўлмиш Конституция ва қонуннинг устиворлигини таъминлаш мустақамланган. Бу биринчидан, барча жорий қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида ва унга мувофиқ бўлишини, иккинчидан, қонун олдида ҳамманинг баробарлигини англади. Бирор-бир фуқаро, давлат идораси, жамоат ташкилоти, мансабдор шахснинг қонунга бўйсунмиш мажбуриятдан ҳоли бўлиши мумкин эмас.

Олтинчидан, Конституцияда ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётида мулкчиликнинг хилма-хил шакллари тенглиги таъминлаган. Бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган тадбирлар қаторида хусусий мулкни ҳимоя қилиш алоҳида ўрин тутди. Чунки, мақсад ўз мулкига ўзи хўжайин бўлган тадбиркорлар ва шахслар учун иқтисодий фаолият эркинлиги бериш ишбилармонлик ташаббусига ва эркин бозор муносабатларига кенг йўл очди.

Еттинчидан, Конституцияга мувофиқ, давлат сиёсий партияларининг, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этади, уларга сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий шароитлар яратиб беради. Кўппартиявийлик ва фикрлар турли-туманлигини қонуний асосларини яратади.

Саккизинчидан, ҳур фикрлик, виждон ва диний эътиқоднинг ҳуқуқий мезонлари берилган. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динига амал қилиш ёки бирон бир динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ҳолда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларининг фаолиятига аралашмайди.

Тўққизинчидан, Конституцияда давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби, ваколатларнинг тақсимланиш тамойили асосида амалга оширилиши мустақамланган. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўзбек давлатининг учта асосий таянчидир. Асосий қонунда шу учта ҳокимият идораларининг ўзаро уйғун фаолияти воситалари, шунингдек мазкур идораларнинг бир-бирини тийиб ва мувозанатни сақлаб туриш тизимини вужудга келтирувчи қоидалар мустақамланган.

Ўнинчидан, Ўзбекистоннинг таркибига кирувчи Қорақалпоғистон Республикасига алоҳида боб бағиш-

ланган. Ўзбекистон Қорақалпоғистон Республикасининг суверенитетлигини тан олади ва уни муҳофаза қилади. Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари Қорақалпоғистон ҳудудида ҳам мажбурийдир. Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг Конституциясини 1993 йилда қабул қилди.

Ун биринчидан, Ўзбекистоннинг ўз миллий манфаатларига мос келадиган фаол ташқи сиёсат юритиши, унинг халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ҳаракат қилиши Конституцияда мустақамлаб қўйилган. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглигига, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч сиёсий воситалари билан ҳал этиш, ички ишларга аралашмаслик тамойилларига, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоидалари ва меъёрларига амал қилиш заминиде қўрилган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституцияси миллий давлатчилигимизнинг мустақам пойдевори ва буюк келажегимизнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Чиндан ҳам мустақил ўзбек давлати халқимизнинг тарихий ютуғидир<sup>1</sup>, уни ҳуқуқий давлат сифатида барпо этиш собитқадамлик билан давом этмоқда. Мустақил Ўзбекистон давлатининг қарор топиши давлатчилик назарияси ва амалиёти соҳасида:

биринчидан, тарихий илдизлари мозийнинг узоқ минг йилликларига бориб тақалувчи ўзбек миллий давлатчилигини қайта тиклайди;

иккинчидан, 70 йилдан ортиқ вақт ичида якка ҳукрон бўлиб келган марксча-ленинча давлат назариясини инкор қилиб, унинг моддий-иқтисодий, маънавий асосларига барҳам берди;

учинчидан, ўзининг келгусида мақсад ва вазифаларини аниқлаб, ривожланиш қонуниятларини кўрсатиб берадиган янгича ўзбек миллий давлатчилиги назариясининг вужудга келиши ва ривожланиши учун шартшароит яратди. Чунки, давлатчиликни қарор топтиришдаги «жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, ўз давлатчилигини қўлга киритиш, миллий ва ижтимоий озодликка эришиш ҳеч қаерда енгил ва осонликча

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996, 47-бет.

бўлмаган. Мустақилликка эришган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излайди, янги жамият барпо этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга интилади»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқдаги республикалардан биринчи бўлиб Президентлик бошқарувини жорий этган ҳамда кенг миқёсдаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий-маънавий ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига ўтган суверен давлатдир.

Дарҳақиқат, юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Ўзбекистон тарихида илк дафъа жорий этилган Республика Президенти лавозими янги Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллади. У сиёсий тизимнинг ўзаги бўлиб қолди»<sup>2</sup>.

Президентлик бошқарувида Президентнинг давлат бошлиғи ва ижроия ҳокимияти бошлиғи сифатидаги ваколатлари мужассамлашган. Президентлик ҳокимияти жамиятдаги сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг ва Ўзбекистон демократик ислоҳотлар йўлидан муваффақиятли боришининг кафолати бўлгани ҳолда, мустақил ўзбек давлатчилиги биносининг асосий таянчига айланди.

**Ўзбекистон — Президентлик республикаси**дир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган бошқарув усулидир.

Президентлик ҳокимиятининг манбаи — халқдир. Халқнинг хоҳиш-иродаси Президентлик ҳокимияти сиёсатини белгилаб беради. Президентлик бошқаруви инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистонда яшовчи барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилгандир. Президентлик ҳокимияти инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини эркин танлаб олишни кафолатлайди.

Президентлик ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари фаолиятини мамлакат олий мақсадлари йўлида мувофиқлаштиради.

Бизнинг давлатимизни катта бир оила деб тушуниш мумкин. Айнан шу маънода Президент миллат тимсо-

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодиёт, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996, 40-бет.

<sup>2</sup> *Ислом Каримов*. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1998, 140-бет.

ли, давлат рамзи сифатида намоён бўлди. Оилада, давлатда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари, давлатининг фуқаролари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса муносиб ҳаёт қуриш мумкин эмас.

Кучли ижроия ҳокимияти бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қонунлар ҳам бажарилмаслиги мумкин. Бу эса қонунларнинг сўзсиз бажарилишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар турмушга татбиқ этилишини таъминлайдиган Президентлик ҳокимиятини тақозо этди.

Шундай қилиб, Президентлик бошқаруви барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни қарор топтириш, ҳамда конституциявий тузум барпо этиш асосидир. Президентлик бошқаруви давлат тушунчаси, унинг маъно-моҳиятини тубдан ўзгартирди.

Президент ислоҳотларнинг бош ташаббускори ҳамда уларни мувофиқлаштирувчи асосий кучга айланди. Ўзбек давлати бозор иқтисодиёти муносабатларига вазминлик билан, пухта ўйланган ҳолда, босқичма-босқич ўтишни амалга оширмоқда.

Мустақил Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ва давлат тизимининг чегарасини «изм»лар билан чеклаб қўювчи ғояларга боғлаб бўлмайди. Ўта мафкуравий ақидалардан ҳоли бўлган эркин ҳуқуқий тафаккурни шакллантириш давр тақозоси бўлиб қолди.

Мустақил Ўзбекистонни адолатли фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат сифатида ажратиб турувчи жиҳатлари қуйидагилардан иборат.

Биринчидан. «Бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас»<sup>1</sup>. Оила, турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади, бунда ҳамма нарсага амалий ишларга қараб баҳо берилади. Айни пайтда ҳуқуқий давлат — Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳам

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т., «Ўзбекистон», 1992, 22-бет.

халқ эҳтиёжлари ва манфаатларини ифодалаши керак. Шундай экан қонун оиладаги алоҳида шахсларга эмас, барчага мақбул бўлиши зарур.

Конституциянинг устуворлиги ҳуқуқий давлатнинг узвий ва зарурий белгисидир. Умуман жамият ва унинг айрим жабҳаларининг ривожланишига тааллуқли асосий масалаларни Конституциянинг ўзи ҳал этади. Ўзбекистон Республикасининг биринчи конституцияси чинакамига мамлакатнинг Асосий Қонуни, гоёт етук ҳуқуқий ҳужжатдир. У ўзининг моддаларида демократик ва адолатли жамиятга хос хусусиятларни акс эттирган. Конституциядан фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлик ҳужжати сифатида фойдаланиш даркор. Худди мана шу мустақил Ўзбекистон чинакамига қайта туғила бошланишининг ҳисоб нуқтасидир.

Иккинчидан. Бизнинг оилаларимизга хос ўзаро тотувлик ва хайрихоҳликдан иборат доно хислатли давлат раҳбари ва жамоат арбоби ҳар бир фуқарони кўп нарсага ўргатиши мумкин. Умумий, қадрдон уйимиз тўғрисида чинакамига ғамхўрлик бўлса бас. Бу хонадоннинг тўкин дастурхони атрофида, биз ўзбеклар ёнида халқимиз тақдирига шерик бўлган, биз билан қувончларда ҳам, синов пайтларида ҳам бирга бўлганлар учун жой бор.

Масалан, инсонпарварлик ва ватанпарварлик қоида-сини олайлик. Ўзбекистонда туғилган, унинг заминида яшаётган ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий мансублиги ва эътиқодидан қатъи назар республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир. Авлод-ажлодлари XX асрнинг фожиали воқеалари туфайли хорижга кетиб қолишга мажбур бўлган ўзбеклар ҳам бемалол республиканинг фуқаролари бўлиши мумкин.

Учинчидан. Халқимиз ижтимоий адолатли жамиятни ўзининг турмуш тажрибасига, фуқаролар кўпчилигининг миллий ва маданий асосларига мос келадиган демократияга таяниб қуради. Халқ ҳам бевосита, ўз вакиллари, яъни давлат арбоблари ва сиёсатчилар орқали давлат ҳокимиятини амалга ошириш учун тўлиқ имкониятга эга бўлиши лозим.

Аҳолининг барча қатламлари ва гуруҳлари энг муҳим ҳаётий эҳтиёжларни тушуниш ва амалга оширишга мунтазам интилиши ва Ўзбекистон тараққиётининг қудратли воситаси бўлишига кўмаклашиши катта аҳамиятга эга.

Аввалдан сиёсий шартлар қўйилмасдан бирлашишга кўмаклашадиган умуммиллий, умумфуқаровий мулоқот ғояси жамиятда тобора катта ишонч қозонмоқда.

Бизнинг демократия тўғрисида тушунчаларимиз Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимол мамлакатлари эришган энг яхши нарсаларни ўзида мужассамлаштиради. Лекин демократиянинг бу қоидалари, меъёрлари жонажон халқимизнинг ғоят бой тарихий ва маданий тажрибасига, унинг турмуш ҳақидаги тасаввурларига мос келиши керак. Халқимизни ҳаётни нимадан ва қандай бошлашга куну-тун ўрғатиш зарур деб тасаввур этиш керак эмас.

Тўртинчидан. Биз кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эгамиз. Ўзбекистоннинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлигини эмас, балки оиласи, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, кўни-кўшнilarнинг омон-эсонликларини биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир.

Халқимиз бозор муносабатларини ўзлаштираётган ҳозирги оғир пайтда қариндош-уруғчилик, меҳр-оқибат ва ўзаро ёрдам руҳини сақлаб қолиш жуда муҳимдир. Ватанпарвар бўлган тadbиркор кишиларга бундай ёндошув ҳеч ҳам зиён келтирмайди.

Бешинчидан. Биз хориж демократиясидан, шахсининг виждон эркинлиги соҳасидаги тажрибасидан ўзимиз учун фойдали нарсаларни олишимиз мумкин. Тараққиётнинг дунёвий йўли тўғрисида кўп айтилган.

Бу ерда тараққиётнинг кўпгина йўл-йўриқлари синая кўрилган ва энг самарали натижалар берадигани топилди. Давлат томонидан диндорларнинг қонуний ҳуқуқлари тўғрисида ғамхўрлик қилиниши масаласига келсак, ҳукуматимиз бу ишда тобора изчиллик кўрсатяпти. Давлат ҳар бир мусулмон учун муқалдас бўлган Маккаи Мадинага ҳаж қилишда зарур ёрдам беради.

Олтинчидан, тadbиркорлик, фидойилик, ўз ишига эътиқод ўзбекларга хос хусусиятдир. Боқимандалик кайфиятидан қутулиш ўтиш давридаги миллат дунёқараши ва тафаккурини ўзгартиришнинг муҳим шартидир.

Халқимиз давлатдан тиланчилик қиладиган ночор ва беморлардан иборат эмас. Бундай кун кечирмоқчи бўлсак биз ҳеч қачон қишлоқ хўжалигимиз, саноатимиз, фан ва ночорлашиб қолган таълим тизимларимизни янгилаш учун маблағ тўплай олмаймиз. Қонун ва давлат нуфузи билан мустаҳкамланган ишбилармонлик

ҳалол пул топиш учун кенг имкониятлар очади. Маҳалланинг катта тарбиявий имкониятларидан фойдаланган ҳолда унинг косибчилик, ҳунармандчилик, шахсий хўжаликлар ташкил этишга таъсирини кучайтириш муҳимдир. Шу ҳолда ўз-ўзини таъминлашнинг талайгина имкониятлари топилади.

Еттинчидан. Халқимиз ва давлатимиз учун маданият олий ҳислатдир. Усиз жамиятимиз ижтимоий адолатга яқинлаша олмайди ва кўп нарсани йўқотиши мумкин. Ўзбекистонликлар умумбашарий кўриниш бўлган маданиятни қўллаб-қувватлаш чоралари ҳақидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Унда ақлий маданият — таълимни, меҳнат маданияти — юқори малакалилик ва ўз иши учун масъулиятни, ишбилармонлик маданияти — иқтисодий тadbиркорлик, ҳалоллик ва самарадорликни, турмуш маданияти — инсонийлик, халқ анъаналарига содиқлик, тарихга чуқур ҳурмат ва ахлоқан покликни, миллатлараро муносабатлар маданияти — барча фуқароларнинг миллати, диний эътиқодидан қатъи назар бир-бирини ўзаро чуқур ҳурмат қилиши, бир-биридан ўрганиш ва бир-бирига ёрдам беришга тайёрлигини, ҳуқуқий маданият — етук қонунлар ва барча фуқаролар, партиялар, жамоат ва диний ташкилотларнинг қонунга сўзсиз ҳурматини кўзда тутмоғи лозим.

Саккизинчидан. Фуқаролик жамияти учун сиёсий маданият жуда зарур. Лекин у бўш жойда эмас, балки маданиятнинг соҳалари пойдевори устидан қад ростлай олади. Умумий манфаат йўлида маърифатли дунёдагидек унумли ишлашни, танқид асосли бўлиб, меҳнатга илмий ёндашувни қўллаб-қувватлаш керак. Халқимизнинг ўзига хос жиҳатлари айрим сиёсатдонларнинг «инқилобий вазият», «кўп қон тўкиш» каби сафсаталарини чиппакка чиқаради. Президентимиз мана шу барча масъулиятсизликларга нисбатан ҳар бир киши ва давлат бахт-саодати учун умумхалқ меҳнати йўлини қарши қўяди.

Тўққизинчидан. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов муҳолифат нормал сиёсий институт сифатида зарурлигини алоҳида таъкидлайдилар<sup>1</sup>. Муаммо сиёсий жиҳатдан фаол ва ўзгача фикрлайдиган фу-

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Т., «Ўзбекистон», 1996, 27—30-бет.

қароларнинг амалда маданиятли мухолифат бўла олишга тайёрлиги билан боғлиқ.

Ўзбекистон шароитида мухолифатнинг ташкилий жиҳатдан расмий йўл билан шаклланиши, Конституция ва қонунчилик нормаларини ҳурмат қилиши, давлат ва жамият тузумининг барқарорлиги учун ўз ҳаракатларига жавобгар бўлиши ўта муҳимдир. Мухолифат таклиф этадиган давлат тузилишига оид муқобил лойиҳалар асосланган бўлиши лозим. Маданиятли мухолифат «пишиб етилиши»нинг ана шу оғир жараёнидаги нуқсонлар Ўзбекистонда, тоталитар тузумдан эркин жамиятга ўтиш босқичини бошдан кечираётган бошқа давлатларда ҳам демократик институтлар шаклланишидаги мавжуд камчиликларни акс эттиради.

Социологлар томонидан жамиятнинг сиёсий мухолифат бўлишига тайёрлигини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, сўралган фуқароларнинг қарийб ярми унинг фаолияти ижтимоий барқарорликка путур етказишидан ва мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатишидан хавфсиради.

Ўзбекистонда демократик мухолифатнинг шаклланиш жараёни муайян вақтни талаб қилади. Бунда, афтидан, мавжуд сиёсий партиялар фаолиятида кимўзарлик, сиёсий рақобат ва оқилона танқид қилишлик кучайиши керак.

Ўнинчидан. Халқимизнинг ҳозирги давридаги тарихий ютуғи мустақил ўзбек давлатининг шаклланганлигидир. Ўз давлатидан ғурурланиш ва ватанпарварлик ҳар қандай мамлакат фуқароларига тараққиётнинг олдинги марраларида бўлишга кўмаклашади. Биз мусулмонларнинг маданий яхлитлигини сўзсиз қўллаб-қувватлаймиз. Лекин фақат бугунги кун учун мўлжалланган ҳавоий лойиҳаларга эмас, келажакка, узоқларга мўлжалланган лойиҳага суяниб иш тутмоқ зарур. Мамлакатимиз заминида яшаб турган ва ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир фуқаро унинг яхлитлиги ва жипслигини асраб авайлаши шарт.

Ҳуқуқий давлат тушунчаси қуруқ сафсата бўлмасдан, кишиларнинг ижтимоий муносабатларини ижтимоий-тарихий боғлиқлик ҳолида ифода этиш, ташкил қилиш, тартибга солиш ва эркинликни ҳимоя қилишнинг умумий ифодасидир. Ҳуқуқий давлат бу халқ суверенитети гоҳисини ифода этувчи қоидалар, идоралар ва меъёрларнинг муайян тизимидир.

Халқ суверенитети давлат суверенитетининг асоси



ва манбаидир. Халқ, суверенитетининг ифодаси шакли бўлган ўзбек давлатининг суверенитети мамлакат барча аҳолиси ва бутун ҳудудига тааллуқли бўлган ваколат ва ҳуқуқларнинг мужассами бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг қонунлари ва оммавий-сиёсий тартибни белгилаб беради.

Давлат ҳокимияти суверенитетини мустақкамлаш ҳамда ҳуқуқ устиворлигини қарор топтириш иккита ўзаро чамбарчас боғлиқ жараёндир. Жамият янги андозасини ва ҳуқуқий давлат назариясини ишлаб чиқиш бир-бирига узвий боғлиқдир. Бу маърифатпарвар дунё тараққиётида давлатимиз ўрнини белгилаш, жамият эришган, қабул қилиниши ва фойдаланиши керак бўлган умуминсоний қадриятларни тан олишни талаб этади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамият қуйидаги умумий хусусиятларга эга бўлиши керак:

1. Бу жамият негизи, унинг манфаатлари, турмуш кечиришга қурилган жамиятдир. Жамиятни ривожлантиришнинг барча омиллари инсонга хизмат қилиши керак.

2. Бу ҳуқуқ ва ижтимоий адолат қоидалари негизига қурилган жамиятдир. Ҳуқуқ адолат идеалларини ифода этади. Адолат инсоният тарихида инсоний ва энг илғор ғоялардан биридир. У кишиларнинг кўп асрлик орзуларини рўёбга чиқаришга даъват этилган бизнинг жамият эҳтиёжларига тўла тўкис мос тушади.

3. Бу ҳуқуқий давлатда мужассам топган юксак, демократик жамиятдир. Ҳуқуқий давлатни шакллантириш жамият томонидан демократия қоидаларини эгаллашни талаб этади. Бу қонуннинг устуворлиги, давлат органларининг қонунга бўйсунishi, шахс эркинлигини таъминлаш, давлат ва шахснинг бир-бири олдидаги ўзаро масъулияти, мустақил давлат ҳокимиятини ички бошқарув қоидалари асосида ташкил этиш ва юритишдир.

Мамлакатимиз ҳозирги шароитда демократия ва адолатга асосланган янги жамият қуриш ҳаракатининг бошланғич босқичида турибди.

Демократиянинг энг муҳим тамойили — одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалашини, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳуқуқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш лозим. Ҳақиқатан ҳам демократиянинг бош талаби — бу эркин ва адолатли сайловлардир. Демократик сайловлар кўппартиявийлик асосидагина бўлади. Кўппартиявийлик бўлган-

дагина ҳар бир фуқаро том маънодаги танлаш ҳуқуқига эга бўлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларига ҳамда илғор чет эл тажрибасига мос сайлов қонунчилиги яратилди. Асосий мақсад амалдаги қонунларни ҳаётга татбиқ қилиш механизмларини яратишдир.

Янги сайлов қонунчилигимизнинг асосий мақсади самарали, ишчан, профессионал вакиллик органларини сайлаш ва юқори фуқаролик ва ҳуқуқий маданиятли сайловчиларни шакллантиришдир.

Янги сайлов қонунчилиги ва амалиёти Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг таркибий қисмидир. Ўзбекистон — ёш мустақил демократик давлат. Мустақиллик йиллари — бу маъмурий-буйруқбозлик тизимидан демократик-ҳуқуқий давлат сари қўйилган дадил қадамлар йилларидир. Совет империясида сайлов тизими тоталитар тузумнинг таркибий қисми эди. Сайловчи психологиясида демократик сайловларга ишонч руҳи йўқ эди. Бу психологияни ўзгартириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган сайлов борасидаги ислохотларнинг пировард мақсадидир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгартишларнинг мантиғи, тамойиллари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, аста-секинлик билан босқичма-босқич ҳаракат қилиш ва ислохотларни амалга ошириш;

иккинчидан, демократик ўзгаришлар даражасининг халқ руҳиятига, менталитетига мослиги;

учинчидан, тарихий-миллий тажрибага таяниш;

тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларини эътиборга олиш.

Шунинг учун янги сайлов қонунчилиги ва амалиёти тараққиётини мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик-сиёсий ва ҳуқуқий ислохотларнинг узвий таркибий қисми деб қараш керак.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги сайлов қонунчилиги тизими яратилди. Ҳа, айнан тизими яратилди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг янги сайлов қонунчилиги тизими нафақат бевоқиф сайлов тўғрисидаги қонунларни, балки сайловларга билвосита тааллуқли яна бир қатор қонунларни ўз ичига олади.

Янги ўзбек сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусиятлари.

Биринчи хусусияти. Ўзбекистонда сайлов қонунчилигининг ривожланиши, авваломбор, фуқароларнинг актив ва пассив сайлов ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятларини яратишга қаратилгандир.

Иккинчи хусусияти. Сайлов ҳуқуқидан фойдаланишнинг ҳуқуқий процедуралари ва техникаси такомиллаштирилди. Бу фуқароларнинг сайлов ҳуқуқидан фойдаланиш маданияти даражасига боғлиқдир. Сайлов ҳуқуқи ҳар бир фуқаро учундир. Ундан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини яратиш сайлов қонунчилигининг асосий мақсадидир.

Учинчи хусусияти. Ўзбекистонда нафақат сайлов қонунчилиги янгиланди, балки сайловларга ёндашув фалсафаси ҳам ўзгарди. Яъни сайлов қонунчилигида халқаро стандартлар тўла ўз аксини топди.

Тўртинчи хусусияти, сайловлар демократиянинг юраги, узвий бўлагидир. XX асрнинг сўнги ўн йиллигини Ги Эрмэ айтганидек: «демократияга бурилиш» даври деб баҳоласа бўлади. Ўзбекистон ҳам демократияга юз тутди. Шу ерда ЮНЕСКО собиқ Бош директори Федерико Майорнинг қуйидаги сўзлари ўринлидир: «Демократия бошдан кечирилган тажрибага, тўлиқ ўзаро келишувга, масъулиятга асослангандагина яшайди. Бунда демократия олинадиган фойда ёки кўриладиган зарарга боғлиқ бўлмайди. Демократия — фақатгина сайловлар процедураси ёки бошқариш шакли эмас, балки турмуш тарзи ҳамдир».

Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов маданияти миллий турмушимиз тарзига айланмоғи зарур.

Аристотель айтганидек, ҳуқуқ фуқароларнинг етуклигидан олдинда боради, лекин фуқароларнинг етуклиги ҳуқуқни татбиқ қилишни таъминлайди.

Ўзбекистонда 1999 йилги парламент сайловларининг ўзига хос янгиликлари.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Вилоят, шаҳар ва туман халқ депутатлари кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги қонунлардаги жаҳон ҳамжамияти ўрнатган олса арзийдиган энг оламшумул янгиликлардан бири — бу сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари томонидан Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи берилганлигидир. Бу сайлов амалиётимиздаги муҳим ижобий ҳол бўлиб, фикримизча, жаҳон ҳамжамиятининг эътиборига сазовор бўлди.

Маълумки, «бевосита демократия» ва «билвосита

демократия» деган тушунчалар мавжуд бўлиб, билвосита демократияда фуқаролар вакиллари орқали сиёсатда қатнашса, бевосита демократияда фуқаро шахсан ўзи қатнашади. Ташаббускор гуруҳларни тузиш билан фуқаролар сиёсатда бевосита — тўғридан-тўғри иштирок этадилар, яъни бевосита демократия тамойили яққол намоён бўлади.

Ҳозирги кунги сайловчи истиқлолга қадар бўлган, ҳатто тўрт-беш йил бурунги сайловчидан фарқ қилади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ислохотлар натижасида сайловчининг сиёсий фаоллиги ошиб, у чинакамига танлаш ҳуқуқини амалга оширишга киришди. Эндиликда сайловчилар нафақат сиёсий партиялар ёки маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўрсатилган номзодларга, айни вақтда бевосита фуқаролар томонидан танланиб, саралаб кўрсатилган номзодларга ҳам овоз берадилар.

Хўш, ушбу янгиликнинг юзага чиқиш сабаблари нимада?

Биринчидан, бу истиқлол шарофати билан мамлакатимизда сайловларнинг эркин, демократик усуллар билан олиб борилаётганлиги мевасидир. Шу билан бирга вакиллик органларига номзодлар кўрсатишнинг сайловчилар учун биз билган партия номзодлари ва ҳокимият органлари номзодларига муқобил номзодлар кўрсатиш ҳамда сайлаш имкониятининг берилганидир. Бу —чинакам демократиянинг амалда намоён бўлишидир.

Иккинчидан, ушбу янгилик халқаро сайлов ҳуқуқи стандартларига ва умуминсоний демократик қадриятларга тўла мос келади.

Учинчидан, бу усул Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти томонидан қўйиладиган халқаро талабларга тўла жавоб беради.

Тўртинчидан, бу Шарқона демократик миллий институт бўлмиш маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш анъаналарига ҳамоҳангдир.

Бешинчидан, бу республикамызда чин демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги муҳим амалий қадамлардан деб ҳисоблаш мумкин. Жаҳон сайлов тажрибасида ибратли, халқ оммаси вакиллари парламентга кўпроқ жалб этишни, давлатни бевосита бошқаришда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш Ўзбекистонда ўзига хос халқчил

демократиянинг чуқурлашиб бораётганини кўрсатувчи кўзгудир.

Олтинчидан, ўтган сайловларимизнинг яна бир янгилиги — бу мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш Марказининг тузилишидир. У жаҳон сайлов амалиётида биринчи марта тузилди. Янги марказ йигирмадан ортиқ таъсисчилар, жумладан, ташаббускор гуруҳлар вакиллари, мустақил номзодлар, маҳалла оқсоқоллари кенгашларининг раислари ва бир қатор нуфузли ноҳукумат ташкилотлари ташаббуси натижасида юзага келди. 1999 йил 23 сентябр куни Марказнинг Таъсис мажлиси бўлиб ўтди. Унда ушбу Марказнинг Низоми қабул қилинди, шунингдек раҳбар органлари тузилди. Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди ва Низомга кўра нодавлат, ноҳукумат ташкилоти ҳисобланади. Марказга унинг мақсадларини қўллаб-қувватловчи барча ташкилотлар, мустақил номзодлар ва ташаббускор гуруҳ вакиллари жамoa шаклида ва шахсан аъзо бўлишлари мумкин. Марказнинг бўлимлари барча вилоятларда фаолият кўрсатмоқда.

Сайловларда 16 та мустақил номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати этиб сайланди.

Мустақил депутатларнинг кучли, адолатли, халқчил, фуқаролик жамиятини барпо этишдаги аҳамияти каттадир.

Биринчидан, бу ҳолат мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларга халқимизда ишончининг ортиб бораётганлигини кўрсатди. Мустақил номзодлар кўрсатиш тажрибаси ва уларнинг сайланиши — демократик тамойиллар халқимиз миллий турмуш тарзига сингиб бораётганлигининг ҳам яққол мисолидир.

Иккинчидан, сайловолди жараёнлари аҳолининг сиёсий фаолигининг ошиб боришига, уларнинг собиқ шўролар давридагидек сайловларнинг четдан кузатувчиси бўлиб қолмай, аксинча унинг фаол иштирокчиси бўлишга сабаб бўлди. Қисқача қилиб айтганда — халқ сиёсий боқибегамликдан қутилди, чуқур сиёсий уйқудан уйғонди дейиш мумкин. Бошқача айтганда, биз Ўзбекистонда рўй бераётган сиёсий Уйғонишнинг гувоҳлари ва иштирокчилари бўлмоқдамиз.

Учинчидан, ушбу жараён сайловчилар сиёсий онги ва руҳиятида ижобий ўзгаришларни пайдо қилди. Олдин сайловчилар ким номзод бўлишлигига деярли бе-

фарқ бўлганлар. Чунки номзод юқоридан аниқланиб, фақатгина тасдиқлаш учун сайловчиларга тавсия этилар эди. Қолаверса, у сайланганидан сўнг ҳам халқ олдида ҳисоб бермас, унинг дарду ташвишини айта олмасди, мажлисларда номига ўтириб қайтарди. Бундай тартибнинг ўзиёқ сайловчининг бефарқ бўлишига олиб келар эди.

Тўртинчидан, бугун Уйғониш Ўзбекистонда анъанавий миллий демократик институт — маҳалланинг обрў-эътибори, жамиятдаги ўрнини яна бир бор аниқлаб олишга имкон берди. Маҳаллалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳамияти ўсиши эса уларнинг умуминсоний ва миллий қадрият бўлмиш сайловлар билан янада уйғунлашаётганидан, сайловлар эса миллий турмуш тарзимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганидан далолат беради.

Мустақил депутатларни бирлаштирувчи бир қанча омиллар мавжуд.

Авваламбор, улар ташаббускор гуруҳлар томонидан номзод қилиб кўрсатилади.

Иккинчидан, улар сайловларда ва ўз депутатлик фаолиятида сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органларидан мустақилдирлар.

Учинчидан, улар бошқа номзодларга нисбатан бевосита халққа яқиндирлар. Яна бир бор таъкидлаш зарур, мустақил депутатлар — халқ вакиллари дир. Халқ ишончи эса, ўз навбатида, Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганларидек — олий масъулият дир.

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик фуқаролик жамиятини шакллантиришга астойдил бел боғлаган эркин юрт дир. Бундай адолатли жамият яратилишининг тақдири охир оқибатда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий онги ва сайлов маданияти даражасига, қонунга муносабатига боғлиқ бўлади. Замон чинакам халққа боққан, Ватаннинг тақдири халқ ихтиёрига топширилган қимматли дамларни бошимиздан кечирмоқдамиз. Ўзбекистон парламенти биз сайлаган, ҳар бир уй, кўча, маҳалланинг вакили — ҳар биримизнинг вакилимиз бўлмиш депутатлар билан тўлди. Улар депутат сифатида ўз кучлари, билимлари ва барча имкониятларини Ватанимиз равнақи учун хизмат қилишга бағишлайдилар.

## МАМЛАКАТДА ЯНГИ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ҲУҚУҚИЙ АСОСИНING ШАКЛЛАНИШИ

Тарихдан маълумки, ҳар бир жамиятда мавжуд ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий-маънавий муносабатлар ўзига хос шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларига эга бўлиб, бу қонуниятлар давр талабларини ўзида акс эттирган, миллат, халқ манфаатларини имкон қадар ўзида ифода қилган қонун-қоидалар асосида ҳаракат қилгандагина тараққиёт жараёнига ижобий таъсир кўрсатган. Демак, иқтисодий муносабатлар ҳам ўз ривожланиш жараёнида қонун-қоидалар кўринишидаги ҳуқуқнинг бевосита таъсир доирасида бўлади. Айтиш жоизки, бозор иқтисодий муносабатлари шаклланаётган жамиятда ҳуқуқнинг бундай таъсир доираси янада яққолроқ намоён бўлади.

Мустақиллик Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгиланишнинг истиқболларини очиб берди. Озодликни қўлга киритган ҳар бир давлат сингари Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз тараққиёт йўлини белгилаб олди, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш, давлат ҳуқуқий тизимини ишлаб чиқиш сари йўл тутди. Бу йўлдан оғишмай жадал бориш мақсадида мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини, халқ анъаналари ва миллий урф-одатларини, кишиларнинг турмуш тарзини инobatга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтишнинг «Ўзбек модели» ишлаб чиқилди.

Президентимиз Ислоом Каримов таъкидлаганидек: «Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодиётни бир ёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг мудҳиш меросига барҳам беришга асосланади»<sup>1</sup>.

Мустақилликка эришилган дастлабки кунданоқ Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлига кирган кўпгина илғор мамлакатларнинг тажрибасига таянган ҳолда барча жабҳада кенг миқёсда туб ўзгаришларни, зарурий ислоҳот-

<sup>1</sup> *Ислоом Каримов*. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 188-бет.

ларни амалга оширишга киришди. Мамлакатимизда ривожланаётган ислохотларнинг таркибий қисми бўлган ҳуқуқий ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири янги шаклланиб келаётган иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратишдан иборат бўлди. «Иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнлари мустақкам ҳуқуқий негизга асослангандагина, улар барқарор ва собитқадам бўлади»<sup>1</sup>, деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов.

Ўзбекистон Республикаси суверенитетининг асосий ҳужжати, унинг асосий қонуни — Конституция мамлакатда кенг қамровли ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда, янги қонунчилик тизимини вужудга келтиришда асос бўлиб хизмат қилди. Конституция ҳуқуқий ислохотларнинг ва қонунчилик фаолиятининг сиёсий ҳуқуқларига тегишли давлат қурилиши, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий соҳалар бўйича асосий йўналишларни белгилаб берди.

Янги иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, уларнинг шаклланиши ва ривожланиши хусусида тўхталадиган бўлсак, энг аввало, асосий қонун — Конституцияда жамиятимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига асосланганлигини белгиловчи турли мулк шакллариининг мавжудлигига, уларнинг тенг ҳуқуқчилиги, жумладан хусусий мулк дахлсизлиги ва унинг давлат томонидан қўриқланиши (53-модда) ҳамда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини (36-модда) мустақкамланганлигига эътиборни қаратишимиз лозим. Зеро, жамиятнинг иқтисодий негизини мулк ташкил қилади. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизимини ҳам, унда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ҳам айнан мулк билан бевосита боғлиқ бўлади.

Бу ўринда айтиш лозимки, янги иқтисодий муносабатларнинг, яъни бозор муносабатларининг, қолаверса бозор иқтисодиётининг асосий кўриниши ҳисобланган талбиркорликнинг ҳам ҳаракат манбаи бўлган хусусий мулкнинг бирламчи ҳуқуқий асосини яратилиши, мазкур йўналишда амалга оширилган алоҳида аҳамиятга молик иш, десак хато бўлмайди. Чунки Республикамиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Бизлар воз кечган эски тизимнинг энг катта қусури шу эдики, унда хусусий мулк ман қилинган эди. Ҳаётини тажрибамиз шуни кўрсатадики, мулкдан жудо бўлган

---

<sup>1</sup> Ўша асар, 200-бет.



одамда изланиш, интилиш ва ташаббус йўқолар экан. Бу — объектив ҳақиқат ва буни асло инкор этиб бўлмайди»<sup>1</sup>.

Биз қадам кўйган жамиятда юзага келаётган ва ривожланаётган иқтисодий муносабатларни, уларнинг манбаи ва моҳиятини, мулкнинг хилма-хил шакллари ва айниқса хусусий мулк белгилашни ҳисобга олиб, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ, уларнинг ҳуқуқий асосини вужудга келтириш асосий вазифалардан бири сифатида қаралди.

Конституцияда мулкнинг мавжуд шакллари аниқ кўрсатилмаган бўлсада, хусусий мулкнинг жорий қилиниши ва унинг бошқа мулк шакллари қаторида бирдай муҳофаза қилиниши эътироф этилди. Бу ўринда Конституциядан олдин, яъни 1991 йил 31 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонун ҳам муҳим ўрин эгаллаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Чунки унинг воситасида мулкчиликнинг турли шакллари қаторида хусусий мулкка қонуний йўл очилди. Бундан ташқари хусусий мулкнинг вужудга келиши ва ривожланишида 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги, 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги, 1993 йил 7 майда қабул қилинган юқорида зикр этилган қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Қонун муҳим аҳамият касб этди. «Ўзбекистон Республикаси мулкчилик тўғрисида»ги Қонуннинг 4 моддасида мулк куйидаги шаклларга ажратилди: шахсий, хусусий, коллектив (ширкат), маъмурий территориал тузилмалар, аралаш, қўшма корхоналар, ажнабий фуқаролар, юридик шахслар мулки. Ушбу моддада мулкнинг субъектлари унинг шакллари сифатида кўрсатиб ўтилди, лекин уларни аниқ бир критерий асосида таснифлашга эътибор берилмади. 1993 йил 7 майда қабул қилинган ва 1990 йил 31 октябрдаги Қонунга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган Қонунда ҳам мулкнинг бу шакллари деярли ўзгаришсиз қолдирилди. Лекин унга кўра, фуқароларга тегишли бўлган барча мулкларга хусусий мулк ҳуқуқи мақоми берилди. Мазкур Қонунда ҳам мулкнинг таснифи тўлатўкис тўғри ҳал этилмади. Чунки хусусий мулк фақат фуқароларгагина тааллуқли дейиш ҳам тўғри эмас. Ле-

<sup>1</sup> «Халқ сўзи», 1994 йил, 22 март.

кин ушбу қонунларга асосан ўтмишдаги иқтисодиётнинг негизи бўлган давлат мулкнинг ҳукмронлик мавқеига барҳам берилди, бозор муносабатларининг ташкил топиши учун иқтисодий манба ҳисобланувчи хусусий мулкчиликка ҳуқуқий асос яратилди. 1995 йилнинг 21 декабрида биринчи қисми, 1996 йилнинг 29 августидан иккинчи қисми қабул қилинган ва 1997 йилнинг 1 мартидан амалга киритилган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси»га биноан хилма-хил шаклдаги мулкчилик ҳуқуқидан фойдаланиш ва шу асосида янги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш учун янада кенг имконият юзага келди.

Фуқаролик кодексининг 16 бобида хусусий мулкнинг моҳияти, мазмуни ва унинг субъектлари, шунингдек бошқа тушунчалари очиқ берилди. Хусусий мулк фақатгина фуқароларгагина эмас, балки хўжалик, жамоа ва ширкатлар, ижтимоий бирлашмалар, диний ташкилотлар ва давлат қарамоғида бўлмаган бошқа юридик шахсларга ҳам тегишли бўлиши белгилаб қўйилди. Демак, бозор муносабатларини иқтисодий пойдеворини яратишга ҳуқуқий асос солинди. Ўзбекистон Конституцияси, Фуқаролик Кодекси ва мулкчилик тўғрисидаги қатор қонунлар бунга йўл очиқ берди.

Навбатдаги асосий вазифа мулкчиликнинг турли шакллари, хусусан хусусий мулк билан бевосита боғлиқ бўлган тадбиркорликни жорий қилиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини яратиш ва татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Чунки ушбу вазифани амалга оширмасдан туриб, бозор муносабатларини ташкил топиши тўғрисида сўз бўлиши мумкин эмасди. Тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси сифатида 1991 йил 15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни<sup>1</sup> алоҳида ўрин тутди. Шунинг назарда тутиш керакки, ушбу Қонун тадбиркорлик билан боғлиқ барча муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга оид қоидаларни батафсил қамраб олмасда, унда тадбиркорликни ташкил этиш, унинг амал қилиши ва ривожланишининг ҳуқуқий асослари, тадбиркорлик тўғрисидаги умумий ҳамда асосий қоидалар кўзда тутилди. Шу маънода ушбу Қонун мазкур соҳада келгусида бошқа янги қонуний ҳужжатларни қабул қилиш ва мавжуд қонунларга ўзгар-

---

<sup>1</sup> Ҳозирда янги таҳрирдаги қонун қабул қилиниши муносабати билан ўз кучини йўқотган.

тиришлар ҳамда қўшимчалар киритиш учун юридик манба сифатида муҳим вазифани бажарди. Тадбиркорлик муносабатлари ушбу махсус Қонун билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, Ўзбекистон Президенти Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатор Қарорлари билан ҳам тартибга солина бошланди. Булар қаторига мулкчилик, корхоналар, ташқи иқтисодий фаолият, солиқлар, банklar тўғрисидаги қонунлардан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик тўғрисидаги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунини<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрида қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатга олганлик учун ундириладиган йиғим ва бундай шахсларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Қонунини<sup>2</sup>, Ўзбекистон Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонини, Ўзбекистон Президентининг 1995 йил 5 январдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралда қабул қилган «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 25 декабрида қабул қилинган «Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш тўғрисида»ги Қонунини, Ўзбекистон Президентининг 1995 йил 26 июлда қабул қилган «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Фонди (Бизнес Фонд)ни ташкил этиш ҳақида»ги, «Хусусий ва кичик бизнесни суғурта йўли билан ҳимоя қилувчи агентликни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонларини, Ўзбекистон Республикасининг «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Қонунини киритиш мумкин.

Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан босқичма-босқич тараққий этиб бориши ва бунда тадбиркорликни ҳам ўзига хос суръатда ривожланиши унинг ҳуқуқий

<sup>1</sup> Ҳозирда ўз кучини йўқотган.

<sup>2</sup> Ҳозирда ўз кучини йўқотган

асосини ҳам шунга мос равишда такомиллаштириб боришни тақозо этди. Ҳозирги даврда юзага келаётган талабларни инобатга олиб, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш, шунингдек тадбиркорларга зарур ҳуқуқий кафолатларни бериш мақсадида 1999 йил 29 апрелдан кучга киритилган Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу қонуннинг асосий вазифаси фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун шарт-шароит яратиш, уларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир (Қонуннинг 1-моддаси). «Ислоҳотнинг асосий маъноси ва керак бўлса негизи мулкни ҳақиқий эгасига топшириш, тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир», деган эди Президентимиз.

Бу ўринда шуни айтиб ўтиш жоизки, бозор муносабатларининг моҳиятини ташкил этувчи хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти ўзига хос йўл билан шаклланди, унинг ҳуқуқий асоси яратилди. 1994 йил 21 январда қабул қилинган «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ана шу зарур ишнинг муҳим маҳсули бўлди, десак ҳато бўлмайди. Зеро ушбу Фармон хусусий мулкни ва унинг негизда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва ривожлантириш ҳуқуқий жиҳатдан асосан таъминланганлигини эътироф этди ва шу билан бу йўналишдаги дастлабки босқичга яқун ясади. Бу босқичнинг моҳияти шундаки, хусусий мулк бошқа мулк шакллари сингари Конституцион мақомга эга бўлди, тадбиркорлик бозор муносабатларининг асоси сифатида қонуний мустаҳкамлаб қўйилди. Эндиликда хусусий мулк асосида турли шаклдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Кейинги босқичда қабул қилинган қонунлар ва мавжуд Қонунларга киритилган қўшимчалар ва ўзгартиришлар дастлабки босқичда бозор муносабатларининг шаклланган ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга қаратилганлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларни босқичма-босқич олиб борилаётганидан далолат беради.

Жамиятимизда қарор топаётган янги иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асосини шакллантириш учун фақатгина турли мулк шакллари, жумладан хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш билан чекланиб қолмай, балки мазкур муносабатларни ривожланишини таъминловчи қатор омилларнинг ҳам ҳуқуқий базасини яратиш алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Шунинг учун мамлакатимиз иқтисодиётини бозор муносабатлари асосида қуришнинг банк тизими, молия, солиқ, инвестициялаш, шартнома муносабатлари ва бошқа шу каби зарурий омилларини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш лозим бўлади. Бу ўринда айтиб ўтиш керакки, қонун ҳужжатлари туркумларига ажратилганидан қатъий назар, биронтаси ҳам қабул қилинган бошқа қонун туркумларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, алоҳида амал қила олмайди. Президентимиз И. А. Каримов таъбири билан айтганда, «Улар ўзаро таъсирда, бир-бирини тўлдирган ва бойитган ҳолда жамиятни ўзгартириш ва ислоҳ қилиш учун етарли даражада мустақкам замин яратади. Масалан бозор ислоҳотлари кафолатларини ва ортга қайтмаслигини таъминлайдиган қонун асослари ҳақида гапирар эканмиз, иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий негизини ташкил этувчи қонун туркумлари билангина чекланиб қола олмаймиз»<sup>1</sup>.

Президентимиз сўзларининг моҳиятини мушоҳада қиладиган бўлсак, нафақат иқтисодиёт соҳасидаги ёки иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар, балки сиёсий тизимни эркинлаштириш ва демократиялашга, давлат бошқарувини такомиллаштиришга, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солишга мўлжалланган қонун-қоидалар ҳам ўзаро боғлиқликда амал қилади. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинган даврдан бошлаб 400 дан ортиқ қонун қабул қилинган бўлса, шулардан аксарият кўпчилиги иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан шакллантириш учун бевосита ёки билвосита хизмат қилишга қаратилган. Айниқса сўнгги йилларда қабул қилинган Меҳнат Кодекси, Солиқ Кодекси, Фуқаролик Кодекси, Фуқаролик Процессуал Кодекси, хўжалик Процессуал Кодекси, Банклар фаолияти тўғрисидаги Қонун, Божхона Кодекси, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга

<sup>1</sup> Ўша асар, 281-бет.

қаратилган Ер кодекси, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги, шунингдек «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунлар ва бошқа қатор қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Ушбу қонунлар янги иқтисодий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш зарурий иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлар яратди. Ана шу кафолатларни амалда қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида иқтисодий ислохотлар, тадбиркорлик ва хорижий инвестициялар бўйича Идоралараро Кенгаш ташкил этиш масаласи шу куннинг вазифаси қилиб қўйилди.

Мазкур Қонунлар ва улар асосида қабул қилинган Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни юқори поғонага кўтаришга, янги иқтисодий муносабатларни ривожланишига зарур шароит туғдириб беришга, бунинг учун инвестициялардан, хусусан чет эл инвестицияларидан самарали ва унумли фойдаланишга ҳамда хўжаликнинг барча соҳаларига мутаносиб жалб этишга, аграр соҳада тадбиркорлик-фермерлик ҳаракатини авж олдиришга, хўжалик юритишнинг оила ва жамоа ташкилий-ҳуқуқий шакллари ривожлантиришга, хизмат кўрсатиш ва савдо-сотик корхоналари ва ташкилотлари сонини кўпайтиришга, чет эл илғор технологияси ва техникасини келтиришни жадаллаштиришга, илғор мамлакатлар билан ўзаро иқтисодий алоқаларни ўрнатишга қаратилган бўлиб, бу вазифаларни изчил бажариш ва иқтисодий ислохотларни навбатдаги босқичида салмоқли натижаларга эришиш учун имконият яратди.

Бозор муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва ҳукумат қарорларининг умумий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мазкур қонунларда нафақат эҳтиёж, манфаат ва мақсад тамойиллари, балки янги эҳтиёж, янги манфаат ва мақсадларнинг йиғиндиси ўз ифодасини топган, бу дегани бозор иқтисодиётининг энг муҳим кафолати — қонунчилик асосимизнинг барқарорлиги таъминланганидир. Чунки мустақил Респуб-

ликамиз ҳуқуқий тизимини яратишда умумэътироф этилган қонунчилик принципига қатъий амал қилинди ва қилинмоқда.

Қисқача қилиб айтганда ҳозирга келиб иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий негизини ташкил этувчи қонунлар мажмуаси яратилди. Эндиликда мамлакатимиз қонунчилик фаолиятининг асосий мақсади ҳозирги давр учун зарур бўлган янги қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда яратилган мавжуд қонунларни амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли жамиятимизда рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириб боришга қаратилган. Шубҳасиз бу фаолият жуда мураккаб бўлиб, давомийлик характерига эгадир. Шу боис иқтисодий соҳа бўйича қонунчилик фаолиятининг йўналишлари аввало мавжуд қонунларни кодификация ва қабул қилинадиган янги қонунларни қатъий ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни амалга оширишга йўналтирилди. Утган йиллар давомида қабул қилинган қонунларнинг айримлари амалиётдаги иқтисодий ўзгаришлардан ортда қолганлиги сабабли, янги хусусиятларни ўзида акс эттира бошлаган иқтисодий муносабатларни тартибга солишда ожизлик қилмоқда. Хусусан, мулкчилик, корхоналар, кооперация, ижара, сув ва сувдан фойдаланиш каби қонунлар шундай қонунлар жумласидандир. Биргина ташқи иқтисодий фаолият ва инвестициялар тўғрисидаги дастлабки қонунларни олиб қарайдиган бўлсак, улар ҳозирги давр талабларига жавоб бермай қўйган эди. Шунинг учун, ташқи сиеъатга доир тамойилларимизни белгилаб берувчи Конституциявий қондаларга асосланган ҳолда «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги қонунлар қайта ишланиб янги таҳрирда қабул қилинди. Улар Республикаимизнинг ушбу йўналиш доирасида фаолиятини кучайтириш, чет эл инвестицияларини олиб кириш ва чет эл инвесторлари учун қулай шарт-шароит яратиш ҳамда чет эллик тадбиркорлар билан иқтисодий алоқаларни кенгайтириш имконини берди.

Шунингдек солиқ тизимини ва ундан келиб чиқадиган муносабатлар хусусида шу фикрни билдириш мумкин. Солиқлар, давлат бюджетининг даромад қисмини вужудга келтирадиган асосий манбаи ҳисобланиб, янги иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши кўп жиҳатдан солиқ тушумларига боғлиқдир. Демак,

бозор иқтисодиёти қонунларига қатъий амал қилган ҳолда солиқ тизимини такомиллаштириш ва унинг ҳуқуқий асосларини барқарорлаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Президентимиз Ислом Каримов Конституция қабул қилиниши муносабати билан сўзлаган нутқида: «Республикада эндигина шаклланаётган солиқ тизимига ғоят катта эътибор бериб, уни такомиллаштириш лозим, биламизки, солиқлар давлат бюджети билан маҳаллий бюджетларни тўлдирishнинг асосий манбаидир. Солиқлар кенг қамровли, айни пайтда ҳар бир соҳа, тармоқ ва корхонага алоҳида қуйишқоқ ва шароитга мосланувчан бўлиши зарур», деган эди. Шу боис, давлатимиз олиб борган солиқ сиёсати, яъни аввалдан мўлжалланган солиқ борасидаги тамойиллари, қонуни, фармони ва қарорларини тайёрлаш ва уларнинг ижросини ташкил этишдаги чоратадбирлар ва фаолиятлар иқтисодий сиёсатнинг ажралмас ва бозор иқтисодиётининг муҳим қисми бўлиб ҳисобланади. Мазкур йўналишда қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари ўзининг мазмун-моҳияти билан мустақиллигимизнинг биринчи йилларидаги мавжуд иқтисодий ҳолатдан келиб чиқиб тайёрланганлиги сабабли, уларнинг аксарият кўпчилиги бекор қилиниб, 1998 йил 1 январдан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси амалга киритилди. Солиқ кодекси мамлакатимизнинг ягона умумлаштирилган солиқ қонуни ҳисобланиб, ҳудудимизда солиқ масалаларини тартибга солиб турувчи муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. У кўп сонли йўриқномалар ва тушунтиришлардан халос бўлишга имкон берди.

Айтмоқчимизки, бозор муносабатларининг аста-секинлик билан шаклланиб бориши, ўз навбатида уларни тартибга солиб турувчи қонун ҳужжатларини ҳам юзага келган иқтисодий ҳолат, мавжуд хусусиятларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириб боришни тақозо этади. Ҳозирги кунга қадар шаклланган қонунчилигимизга назар ташлаб баҳо берадиган бўлсак, барча соҳада иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар янги босқичда давр талаблари асосида такомиллаштириб борилиши лозим.

Бозор муносабатларини ривожланишига кенг йўл очиб берувчи қарз-кредит муносабатларини амалга оширишга, пул ва қимматбаҳо қоғозларни муомалага чиқаришга, давлат, ташкилот, муассаса, корхона ва тадбиркорлар ўртасида ўзаро тўлов муносабатларини таъ-



минлашга қаратилган янги банк тизимини вужудга келтириш ва унинг ҳуқуқий асосини яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда банк фаолиятини тартибга солиш мақсадида қабул қилинган мавжуд қонун ҳужжатлари бу йўналишнинг ҳуқуқий манбаини ташкил этди. Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул кредит тизимига эга эканлигини белгилаб берган Конституциямиз негизда Республикамиз банк тизимини тартибга солувчи қатор қонунлар, жумладан, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси каби асосий қонунлар қабул қилинди.

Мазкур йўналишга доир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа норматив актлар, Ўзбекистон Республикаси Банки инструкциялари ҳам банк қонунчилиги тизимининг такомиллашиб бораётган ҳозирги даврда ушбу тизимини ривожланишида алоҳида ўрин тутмоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиёти, унинг қоидалари тақозо этган шартномавий муносабатларга риоя қилинишини заруратга айлантиради.

Мадомики, шундай экан, мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар шароитида бозор муносабатларини шартнома асосида ривожланиши ва шу сабабдан шартномалар тўғрисидаги қонунчиликнинг роли доимо ўсиб бориши табиийдир.

Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик, корхоналар, кооперативлар, жамоа хўжаликлари, уюшмалар ва ширкатлар, биржалар, банклар, тадбиркорлик, инвестиция, банкротлик, солиқлар, ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги ва бошқа муҳим қонунлари фуқароларга ва юридик шахсларга жамиятнинг барча жабҳаларида тенг ҳуқуқийлик тамойили асосида шартномалар тузиш йўли билан қонунда таъқиқланмаган тадбиркорлик фаолиятини юритиш, турли мулк шакллари негизда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун кенг имконият яратиб берди. Бозор иқтисодиёти шароитида қўлланилиши зарур бўлган шартномалар моҳияти ва мазмуни жиҳатидан собиқ иттифоқ даврида қўлланиб келинган шартномалардан тубдан фарқ қилади. Биламизки, давлат мулкчилик танҳо ҳуқуқи ҳукмронлик қилган йилларда шартномалар давлат режаси ва топшириқларини бажариш учун қўлланиладиган бир восита ҳисобланган, холос. Қолаверса, шартномага уни туз-

ган томонларнинг манфаатларини ифода этувчи юридик ҳужжат сифатида қаралмасди. Уларнинг қўлланилиши чекланган бўлиб, ҳаттоки фуқароларнинг ўзаро битим тузиши қонун йўли билан жазоланадиган айб сифатида қаралар эди. Ҳозирга келиб бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари ўрнини эгаллаган бозор иқтисодиёти шароитида шартнома барча мулк шаклидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек тadbиркорлар ўртасида иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳуқуқий ҳужжатларга айланди.

Эндиликда шартнома режали ишлаб чиқариш ва тақсимлаш омилларига асосланмайди. Аксинча, бозор қонуниятлари талабига биноан, шартномавий муносабатлар, товар-пул, яъни тенг тўловлар тарзида амалга оширилиб, шартнома уларга ҳуқуқий шакл ўрнида хизмат қила бошлади.

Шартнома муносабатларининг ҳуқуқий асосини яратишда жаҳон шартномачилик амалиётида қарор топган муайян анъаналар билан бир қаторда халқимизнинг узоқ йиллик тарихи давомида шаклланган миллий омилларини ҳам эътиборга олинди. Бинобарин, муайян ҳуқуқий тизимдаги давлатнинг халқаро ҳуқуқий майдонда ўз шартномавий-ҳуқуқий тизимини шакллантириши ва ривожлантириши ҳамда ўз ҳуқуқий мероси асосида тажриба орттириши, у ёки бу давлат қонунчилигининг катта ютуғи бўлиб ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш тажрибаси нафақат қонунларни яратишда, қолаверса шулар асосида шартномаларнинг миллий ҳуқуқий андозасини ишлаб чиқишни ва шакллантиришни зарурат қилиб қўйди.

Бугунги кунда Конституция, Фуқаролик Кодекси, ҳўжалик ишларини юритиш қонунлари мажмуаси, мулкчилик, тadbиркорлик тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар шартнома муносабатларини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий манбалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Президентининг тегишли фармонлари ва ҳукумат қарорлари шартнома муносабатларига юксак қонуний мақоми бериш баробарида, бу тизимнинг босқичма-босқич такомиллашиб боришига хизмат қилмоқда.

Шартнома муносабатларини ривожлантиришда ва умуман шартномалар ролини оширишда 1998 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XII сессиясида қабул қилинган «Ҳўжалик юритувчи субъект-

лар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Қонунда шартномалар тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш жараёнидан келиб чиқадиган муносабатлар тартибга солинди, шартнома тушунчаси, шартнома муносабатларининг асосий принциплари, шартнома субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уни бузганлик учун жавобгарлик ва бошқа қатор масалалар аниқ белгилаб берилди.

Қисқа қилиб айтганда, шартнома бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг бирламчи ҳуқуқий асосларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Шартнома тузиш маданиятини, шартномалар маданиятини бутунлай янги поғонага кўтаришимиз керак»<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, республика-миз бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтар экан, бугунга келиб иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асоси яратилиб, янги ҳуқуқий тизимнинг негизини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил қилди. Эндиликда, шаклланган қонунчилигимизни янада такомиллаштириш, қонун устиворлигини таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этиш ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий мақсадига айланди. Бу узоқ вақт давом этадиган жараён бўлиб, уни изчил амалга оширилиши бозор муносабатларини босқичма-босқич ривожланиб боришини таъминлайди, уларнинг ҳуқуқий асосини назарий ва амалий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

*А. ЎЛМАСОВ,  
А. ВАҲОБОВ*

## **ИҚТИСОДИЙ ТУЗУМНИ ҚАЙТА ҚУРИШ. БОЗОР ИҚТИСОДИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ**

### **1. Иқтисодий янгиланиш ва ислоҳотлар дастурларини яратилиши.**

Собиқ СССР ҳаётининг сўнгги йилларида (1985—1990 й.) иқтисодни ислоҳ қилиш ҳаракатлари бошланди, чунки халқ хўжалигидаги инқироз чуқурлашиб кат-

<sup>1</sup> *Ислам Каримов*. Мустақил Ўзбекистон: иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд, Т., «Ўзбекистон», 1997, 16-бет.

та хавф туғдира бошлади. Бу иш 1990 йилга келиб фаоллашди, бозор иқтисодига ўтиш концепцияси ишлаб чиқилди, тартибланадиган бозор иқтисодига ўтиш дастурини яратишга ҳаракат қилинди, махсус комиссиялар ҳам тузилди. Бозор иқтисодига ўтишга қаратилган 2 та йирик дастур яратилди. Бири ҳукумат дастури, иккинчиси олимлар яратган ва «500 кун» деб номланган дастур бўлди. Ҳукумат дастури давлатлашган иқтисодни сақлаб қолган ҳолда, уни қисман эркинлаштиришни, хусусан айрим нархларни эркинлаштиришни, нарх ошган шароитда аҳоли даромадларини индексациялашни, ишсизликни олдини олишни, хориждан эҳтиётлик билан қарз олишни назарда тутди. Олимлар тузган «500 кун» дастури изчилроқ бўлиб, иқтисоддаги давлат монополиясига барҳам бериш, мулк эркинлиги, иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлашни, нархларни зудлик билан эркин қўйиб юборишни, фақат зарур истемол товарларига доимий нархларни сақлашни, фермер хўжалигига устиворлик беришни, давлат мулкани ёппасига хусусийлаштиришни олға сурди. Ҳукумат дастури социалистик иқтисодни сақлаб қолган ҳолда уни енгил-елпи таъмирлашга, аммо социал масалага эътиборни кучайтиришга қаратилган эди. Бундан фарқлироқ «500 кун» дастури бозор тамойилларини изчил ва кенг қўлам юзага чиқаришни кўзда тутиб, социал муаммоларга урғу бермади. Аммо ҳар иккала дастур ҳам бозор иқтисодига ўтишдек мураккаб муаммони шошма-шошарлик билан ва тез ҳал этишни мўлжаллади. Бу эса хом хаёл режадан бошқа нарса эмас эди. Дастурларда СССРни сақлаб қолиш кўзда тутилди, аммо иттифоқчи республикалар ҳуқуқларини бироз кенгайтириш зарурати инобатга олинган эди.

Ўзбекистон собиқ СССР таркибида бўлсада, айтилган дастурларни бу ерда қўллаш маъқул эмас эди, чунки «500 кун» «шокотерапия» қоидасига асосланган бўлиб, республикадаги шаклланган режали иқтисодий механизмни бирданига йўқотиб унинг ўрнига зудлик билан бозор механизмини киритиш, тайёрланиб улгурмаган аҳолини бирданига бозор муносабатига киритиб, уни қийинчиликларга йўлиқтириши мумкин эди. Бу дастур бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган бўлсада Ўзбекистоннинг хусусиятларини ҳисобга олмаган эди, чунки ҳаммани бир қолипга солиб ўлчаш қоидасидан келиб чиққан эди. Шу боис уни Ўзбекистон қабул қилмади, чунки у бозор иқтисоди

томон ўз йўлидан бориши зарур эди. Аммо мустабил шўролар замонасида бу мумкин эмас эди. Ўз йўлини танлаш имкони мустақилликдан сўнг пайдо бўлди. Аммо мустақиллик арафасида Ўзбекистон марказнинг дастурларига кўр-кўрона эргашмади, аксинча ўз шароити ва манфаатини ҳисобга олиб дастурлар қабул қилинди. Биринчи дастур 1990 йил октябрь ойида Ўзбекистон Олий Советининг учинчи сессиясида қабул этилиб, у «Ўзбекистон халқ хўжалигини барқарорлаштиришнинг асосий йўналишлари ва бозор иқтисодига кириб боришнинг тамойиллари» деб номланди. Бу ҳужжатда иқтисодни инқироздан чиқариб уни барқарорлаштириш бозор тамойилларини жорий этиш асосида бўлиши мумкинлиги ҳисобга олинди. Унда бозор муносабатига ўтиш ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаши, эришилган турмуш даражасини сақлаб қолиши, аҳоли ночор қатламларини ҳимоялаш, республика иқтисодий суверенитетини мустаҳкамлашни назарда тутди. Биринчи дастурда қуйидаги чора-тадбирлар мўлжалланган эди:

— аҳолини социал ҳимоялашнинг давлат тизимини барпо этиш;

— Республика фуқароларини ҳамжиҳатлигини таъминлаш, миллатлараро дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш;

— Ўзбекистоннинг бошқа республикалар билан бўладиган иқтисодий муносабатларини тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда қайта қуриш;

— бошқаришдаги буйруқбозлик усулидан воз кечиб, унинг иқтисодий усуллариغا, яъни манфаатни ҳисобга оладиган бошқариш усуллариغا ўтиш;

— молия-кредит ва солиқ тизимини қайта кўриб, иқтисодий тараққиётни таъминловчи янги молиявий воситаларни ишга солиш;

— турли-туман мулкчилик ва ҳар хил хўжалик юритишга ўтиш;

— суверен ва бевосита ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатиш;

— ўз табиий ва моддий ресурсларига таянган ҳолда ишлаб чиқаришни бир ёқлама ривожланишига чек қўйиб уни комплекс боришини таъминлаш.

Дастурда мўлжалланган ислоҳ тадбирларини 3 босқичда амалга ошириш мўлжалланган эди:

Биринчи босқич — иқтисодиётни барқарорлаштириш юзасидан фавқулодда тадбирларни 1990—1992 йилларда амалга ошириш ва ислоҳатларга илк қадам қўйиш.

Иккинчи босқич — 1992—1993 йилларда бозор иқтисодининг асосий белгиларини шакллантириш, унга асос солиш.

Учинчи босқич — 1994—1996 йилларда бозор механизмини, яъни янги хўжалик юритиш усулларини кенг қўлоқ ёздириш.

Биринчи дастур Ўзбекистоннинг собиқ Иттифоқ таркибида бўлгани учун умумиттифоқ дастурларини унга таъсири сезилиб турар эди. Хусусан бу қисқа даврда, яъни 7 йил мобайнида бозор иқтисодини Республикада ҳам барпо этиш мумкинлигидан келиб чиқар ва бозорга ўтишни секин-аста, шошилмасдан бўлишини ҳали ҳисобга олмаган эди.

Ўзбекистон мустақил бўлгач иқтисодиётда ҳам ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди. Ўзбекистон бозор иқтисодига ўтишнинг ўзига хос миллий йўлини танлаб олдики, бу кейинчалик «Ўзбек модели» деб атала бошлади. Мустақилликдан сўнг Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар концепцияси ишлаб чиқилдики, бу Президент Ислом Каримов илмий асослаган ва олға сурган машҳур беш тамойилдан иборат бўлди. Бу тамойиллар умумлашган ҳолда Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида эълон қилинди.

«Беш тамойил»нинг асосий қоидалари: 1) иқтисодиётнинг сиёсатга нисбатан устиворлигини таъминлаш; 2) давлатнинг бош ислохотчи бўлиши; 3) қонунларнинг ва уларга риоя этишнинг устиворлиги; 4) фаол ижтимоий (социал) сиёсат ўтказиш; 5) бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтилишиши. Бу қоидалар бозор иқтисодиётига ўтишдаги Ўзбекистон моделининг ажралмас қисми бўлиб, биринчидан, бозор иқтисодиётига ўтишдаги умумий қонуниятларни, иккинчидан эса Ўзбекистоннинг шароитлари ва миллий хусусиятларини ўзида мужассам этди.

**Б и р и н ч и т а м о й и л** — иқтисодиётнинг сиёсатга нисбатан устиворлигини таъминлаш. Бу қоида иқтисодий фаолият ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари учун пойдевор вазифасини ўташидан, бинобарин, Ўзбекистонда иқтисодиёт ижтимоий тараққиётнинг асоси бўлишидан келиб чиқади. Тамойилда иқтисодиётнинг ўзига хос объектив қонунлари мавжудлиги, уларни эътиборга олмай, ўз билганича иш юритиш мумкин эмаслиги ҳисобга олинади. Иқтисодий қонунларнинг объективлигини тан олиб, хўжалик фаолиятини улар

талабига мос ҳолда юритиш ўтиш даври учун ҳам зарур. Иқтисодиёт ўз қонунларига эга бўлгани сабабли уни сиёсий курашлар, турли мафкуралар қурбонига айлан-тириш мумкин эмас. Иқтисодиёт мафкуравий тазйиқ-ларсиз ўзига хос ички қонунларга мувофиқ ривожлани-ши лозим.

Аммо бу иқтисодиётни сиёсат таъсиридан тамомила ҳоли деб қарашни билдирмайди. Ўзбекистондаги тарақ-қиёт заруратидан келиб чиққан сиёсат иқтисодиётга фаол таъсир этиши керак бўлади.

**И к к и н ч и т а м о й и л** — давлат бош ислоҳатчи бўлиши лозим. Давлат ислоҳатларнинг устивор йўна-лишларини белгилаб бериши, уларни амалга ошириш йўлини ишлаб чиқиши ва унга изчиллик билан риоя этиш, жаҳолатпарастлар (ретрòгадлар) ва консерватор-лар қаршилигини бартараф этиши шарт. Бу қоида маъ-рифатли *бозор иқтисодиёти* концепциясига таянади. Ўзбекистон тоталитар-режали, маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиётидан эркин демократик иқтисодиёт томон борар экан, Фарб мамлакатлари асрлар давомида боши-дан кечирган тарихий даврларни ўташи шарт эмас. Фарбда асов ва тартибсиз бозор иқтисодиёти ёввойи капита-лизм номини олган ва узоқ давр ҳукм сурган. Ўзбекис-тонда эса маданий бозор иқтисодиётига тартибланиб туриш, маданий рақобатнинг бўлиши, шериклик ало-қалари, иқтисодий барқарорликнинг устун бўлиши, оммавий фаровонлик каби белгилар хос бўлиши керак-ки, уларни давлатнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Иккинчи тамойил давлат иқтисодиётга ми-нимал даражада аралашиб, уни ўз ҳолига қўйиши зарур деган ғоялари инкор этади, давлатнинг фаоллигини билдиради. Жаҳонда давлатнинг иқтисодий функцияси-га оид тўпланган тажриба демократик жамиятда давлат-дан ўзга умуммиллий манфаатни ифодаловчи сиёсий институт бўлмаслигини кўрсатди. Ўзбекистонда давлат иқтисодий воситалар ёрдамида индивидуал ва гуруҳий манфаатларни умуммиллий манфаатлар билан уйғун-лаштирадиган кучга айланиши керак бўлади. Мустақил-ликдан олдинги Ўзбекистон иқтисодиётининг давлат-лашган тизимидан эволюцион йўл билан бозор хўжа-лигига ўтиш иқтисодиётдаги давлат монополиясини ту-гатилишини талаб қилади ва бунга бевосита давлат иштирокида эришиш мумкин. Давлатнинг бош исло-ҳотчи бўлиши — бу ислоҳотлар дастурларини давлат томонидан кенг жамоатчилик иштирокида ишлаб чи-

қиш ва бевосита давлат томонидан амалга оширилишини билдиради.

**У ч и н ч и т а м о й и л** — қонунларнинг ва уларга риоя этишнинг устиворлигини таъминлаш. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган Ўзбекистоннинг янги Конституцияси ва қонунларини ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим. Бу тамойилга кўра қонунлар сиёсий ҳокимиятни таъминловчи куч, улар жамият аъзоларини юридик қонунларга буйсундирувчи механизм деб қаралади. Қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар барчанинг фаолиятига тегишли, аммо улар ҳам эскиради, уларни ҳаёт тақозосига кўра янги қонунлар билан алмаштириш зарур, яъни қонунчиликка ижодий ёндашув талаб қилинади. Иқтисодий ҳаётга хос бўлган ўзгарувчанлик юридик қонунларни ҳам ўзгартириб боришни талаб қилади. Лекин Ўзбекистон қонунлари амал қилиши учун юксак ҳуқуқий маданият ва қонунлар ижросини таъминловчи механизм керак бўлади. Учинчи тамойил ҳуқуқий давлат талабидан келиб чиқади. Ҳуқуқий давлатда, ижтимоий ҳаётни бошқаришда қонунчилик асосий восита ҳисобланади. Учинчи тамойил талаблари янгича қонунчиликни яратишни тақозо этадики, бу биринчидан, Ўзбекистоннинг мидлий мустақиллиги, иккинчидан, бозор ислоҳотларини амалга ошириш учун ҳуқуқий база яратади. Учинчи тамойил сиёсий тизимнинг бозор иқтисодиёти талабларига монанд тарзда демократиялашувини билдиради. Бу тизим шароитида инсон ҳуқуқлари, инсон эркинлиги, фаровонлигини таъминлаш бош вазифага айланади.

**Т ў р т и н ч и т а м о й и л** — фаол ижтимоий сиёсатни ўтказиш. Ўзбекистонда бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим. Бу тамойил иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларнинг диалектик алоқадорлигига таянган ҳолда социал сиёсат зарурлигини асослайди. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёти социал соҳанинг моддий базасини мустаҳкамлаши, социал соҳанинг ривожланиши эса инсон омилни фаоллаштириб, иқтисодиётга кучли далда бериши зарур. Икки соҳанинг диалектик алоқадорлиги ишлаб чиқаришнинг моддий ва инсоний омилларини яхлитлигидан келиб чиқади. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш модели бозор иқтисодиётидаги



ижтимоий йўналтирилган, халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган бозор ҳўжалиги бўлишини англади. Шу мақсад йўлида юритиладиган ижтимоий сиёсатнинг кучлиги ижтимоий адолатни таъминлаш, кишиларда боқимандалик кайфиятини бартараф этиб, уларда фаолликни юзага келтириш билан жамиятдаги социал иноқликни, социал гуруҳлар ўртасидаги мувоzanатни таъминлашни билдиради. Бу сиёсат инсон омилини кучайтириб шу орқали иқтисодий тараққиётга кучли таъсир эта олади.

**Бешинчи тамойил** — бозор иқтисодиётига аста-секин, босқичма-босқич ўтиш. Бу тамойил Ўзбекистон моделининг тамал тоши, унинг бош белгиси бўлиб хизмат қилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш — бу мавжуд иқтисодий тузумни таъмирлаб такомиллаштириш эмас, балки тамоман янги бозор тизимини яратишни билдиради. Бу революцион эмас, балки эволюцион йўл. Бу ўтиш даври бир қанча босқичларни ўз ичига олувчи узоқ давр эканини билдиради ва одамлар учун мутлақо янги ҳаёт фалсафаси ҳисобланади.

Мазкур тамойилга биноан ислоҳотлар тадрижий бўлади, улар тоталитар-режали иқтисоддан секин-аста бозор тузумига ўтишни, аммо бу талофатсиз, ларзаларсиз бўлишини билдиради. Шошма-шошарлик билан бозор қоидаларини киритиб бўлмайди. Бунинг учун тайёргарлик ва вақт талаб қилинади. Бозор алоқалари шаклланиб улгурмаган шароитда мавжуд алоқаларни бузиб юбориш иқтисодни издан чиқариши, аҳоли турмушини кескин пасайтириб, социал тўқнашувга олиб келиши мумкин эди. Шу боис ислоҳотларни эволюцион тарзда ва шароит ҳозирланишига қараб кетма-кет ўтказилишини билдирар эди. Секин-асталик қоидаси машъум «шокотерапия» тамойилини инкор этди. Бу Ўзбекистоннинг янги тузумга ўтишининг муҳим хусусияти бўлиши керак эди.

Беш тамойил қоидалари И. Каримовнинг 1993—1999 йилларда чоп этилган асарларида, нутқларида ва фармонларида ислоҳотлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда янада ривожлантирилди.

## **2. Ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ва босқичлари.**

Мустақил Ўзбекистон ҳал этиши зарур вазифалар ислоҳотларнинг асосий йўналишларини белгилашга асос бўлди. Булар биринчидан, тоталитар-режали иқтисоддан бозор муносабатларига ўтишни собитқадамлик би-

лан таъминлаш; иккинчидан эса, миллий иқтисодиётни барпо этиш, унинг мустақиллиги ва хавфсизлигини изчиллик билан таъминлаш. Шу муносабат билан ислохотларга тарихий баҳо берганда уларни мустақиллик ислохотлари ва бозор ислохотларига ажратиш ўринли бўлади. Аммо улар мустақиллик йиллари бир-бирини тўлдириб борди.

Ҳамма ерда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ислохотлар қуйидаги асосий йўналишларда борди:

1. Мулкий ислохотлар; 2. Институционал ислохотлар; 3. Аграр ислохотлар; 4. Ташқи иқтисодий фаолият ислохотлари; 5. Социал ислохотлар.

Бу йўналишларга ислохотларнинг ҳамма босқичларида амал қилинди, лекин улар ҳар бир босқичда турли даражада амалга оширилди. Ислохотларни даврлаштириш уларни устивор йўналишлари, уларда ҳал этилган вазифалар миқёсига, улар киритган янгиликларга қараб бўлиши мумкин. Шу мезонларга таянган ҳолда ислохотларни уч босқичли бўлди деб айтиш мумкин:

биринчи босқич — 1991 йил 1 сентябрдан 1994 йил ўртасига қадар;

иккинчи босқич — 1994 йил ўрталаридан бошлаб 1997 йил ўрталарига қадар;

учинчи босқич — 1997 йил ўрталаридан сўнгги давр.

Ислохотларнинг биринчи босқичи бозор муносабатларига ўтишнинг илк қадамлари билан характерланди. Бу босқичда 2 та муҳим масалани бирданига ҳал этишга тўғри келди:

«— маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;

— республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш...»<sup>1</sup>

Мазкур босқичда айтилган муаммоларни ечиш мақсадида ислохотларнинг қуйидаги устивор йўналишлари белгилаб олинди:

1) Ислохотлар қонуний базасини яратиб уни мустақамлаш;

2) Янги мулкчиликка ўтишни дадил бошлаш;

3) Иқтисодий-молиявий барқарорликка эришиш.

Бу босқичда институционал, мулкий ва аграр исло-

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995 йил, 19-бет.

хотлар бошланди, қонунлар устиворлигини таъминлашга эътибор қаратилди. Шу сабабли энг аввал ислохотлар учун ҳуқуқий негиз яратилди. Янги қонунчилик, қабул қилинадиган қонунлар бозор муносабатларига ўтиш асосида иқтисодий янгиланишга хизмат қилиши, Ўзбекистоннинг миллий шароити, ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, қонунчилик соҳасидаги жаҳон тажрибасини Ўзбекистон шароитига ижодий сингдиришини тақозо этар эди. «Ислох қилишнинг биринчи босқичида биз ҳуқуқий асосларни яратишда ўзимизга хос ёндашувларни, қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ўз механизмимизни вужудга келтирдик».<sup>1</sup>

Бу механизм ўз ичига 5 нарсани олар эди: биринчиси, аввал қонунлар концепциясини пухта ишлаб чиқиш; иккинчиси, қонунларни мутахассислар, олимлар, давлат хизматчилари, халқ депутатлари иштирокида ишлаб чиқиш ва мамлакат ичида кўп босқичли экспертизадан ўтказиш; учинчиси, қонунларни обрўли халқаро юридик ташкилотлари ва ҳуқуқшуносларнинг экспертизасидан ўтказиш; тўртинчиси, қабул қилинган қонунларни давлат ва кенг жамоатчилик иштирокида изчиллик билан амалга ошириш; бешинчиси, қонунларга керак бўлганда уларни тадбиқ этиш амалиётидан келиб чиқадиган тузатишларни киритиб бориш.

Биринчи босқичда жаъми 26 та қонунлар қабул қилинди. Булар орасида мулкчилик, тадбиркорлик, хорижий инвестициялар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, банklar тўғрисидаги қонунлар асосий ўрин тутди. Булар бозор тизимига асос солишга хизмат қилди, унга ўтишнинг чора-тадбирларини белгилади. Бу босқичда қонунлардан ташқари Ўзбекистон республикаси Президентининг ислохотларни таъминловчи 82 та фармони қабул қилинди. Қонунлар ва фармонлар ислохотларни ҳуқуқий жиҳатидан таъминлади. Институтционал ўзгаришлар қонунчиликдан ташқари бошқариш тизимига ҳам тааллуқли бўлди. Мамурий-буйруқбозлик бошқаруви ўрнига демократик бозор бошқарув тизими қарор топа бошлади. Илгариги давлат план қўмитаси ўрнига Давлат Прогнозлаш ва статистика қўмитаси ташкил этилди. Давлат нарх қўмитаси тугатилиб нархларни тартиблаш функцияси Молия вазирлигига юклатилди. Уни қошида Антимонопол, нарх-наво бошқармаси ташкил этилди. Собиқ давлат

<sup>1</sup> Ўша асар, 32-бет.

таъминот қўмитаси ўрнига «Узконтрактторг» ташкил этилиб, сўнгра у Республика улгуржи ва биржа савдоси акционер уюшмасига айлантирилди. Бу биринчи биржа эди.

Мулкый ислоҳотларни бошқариб туриш ва тadbиркорликни ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикасининг мол-мулк ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси тузилди. Ташқи иқтисодий фаолиятни қайта қуриш ва мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўлида Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Божхона қўмитаси тузилди. Солиқ идоралари молия вазирлиги таркибидан чиқарилиб Давлат солиқ қўмитаси тузилди. Собиқ Давлат банки ўрнига Марказий банк тузилди. Хуллас институтчионал ўзгаришлар давомида макроиқтисодий даражада янгича бошқаришни таъминловчи тизим барпо этилди. Икки поғонали банк тизими вужудга келди. Биринчи поғона — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Иккинчи поғона — давлат-акционер, акционер-тижорат, хусусий ва қўшма банклар. 1994 йил бошига келиб, Ўзбекистонда 23 та тижорат банки бўлиб, улар ихтиёридаги устав фонди амалда 425 млн. сўм бўлиб, улар берган кредит деярли 3 млрд. сўмни ташкил этди. Бозор инфратузилмасини шакллантиришда биржалар алоҳида ўрин тутди. Ислоҳотлар биринчи босқичида «Республика кўчмас мулк биржаси», «Товар хомашё биржаси», «Тошкент фонд биржаси», Республика «Меҳнат биржаси» юзага келди. Булар товарлар, мол-мулк, иш кучи ва қимматли қоғозлар савдосини ташкил этдилар. Тadbиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида «Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси» ташкил этилди. Шу мақсадда «Бизнес фонди» уюштирилди: у тadbиркорларни арзон кредит билан таъминлай бошлади.

Институтчионал ислоҳотлар домига корхоналар ҳам тортилди, улар мустақиллик олди. Улар илгариги вазирликлар ўрнига тармоқ концернлари, корпорациялари ва уюшмаларига бирлашдилар, уларга ўз-ўзини бошқаришда устиворлик берилди. Мустақиллик корхоналарни давлат тазйиқидан озод қилди. Аммо бошқариш тизгинини бирданига давлатдан бошқаларга бериш мумкин эмас эди, чунки шундай бўлса иқтисод қийин аҳволга тушар эди. Гап шундаки, янги бошқарув тизими, яъни унинг иқтисодий, бозор усуллари шаклланмай туриб, маъмурий усуллари бугундай тугатиш бошқарувни из-

дан чиқариб юбориши мумкин эди. Бу ишда ҳам «Янги уйни қурмай туриб, эскисини бузма, бошпанасиз қола-сан», деган халқ ўғитига амал қилинди.

Биринчи босқичдаги ислоҳотларнинг бош бўғини мулкий ислоҳот бўлди ва бу мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунларга биноан амалга оширилди.

Шўролар давридан ҳукмрон бўлиб келган ва монополлашган давлат мулкidan хилма-хил мулкчиликка, жумладан хусусий мулкка ўтиш бозор иқтисодининг асосий шарти бўлган. Шу боис «Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади».<sup>1</sup> Мулкий ислоҳотлар бозор тизимига хос кўп укладли иқтисодиётни юзага келтиришнинг асосий шарти деб ҳисобланади. Уларни амалга оширишда 2 қоидага амал қилинди: 1) Давлат мулкни бошқаларга текинга эмас, балки уни сотиш йўли билан бериш; 2) Мулкни хусусийлаштиришга дастурий ёндашиш, яъни уни амалга ошириш дастурини пухта ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич амалга ошириш. Хусусийлаштириш объектлари ва усуллари ҳам аниқ танлаб олинди. Объект сифатида маҳаллий саноат, савдо сотиқ ва маиший хизмат соҳалари олинди. Давлат мулкни ким ошди савдоси орқали сотиш, корхоналарни кейинчалик сотиб олиш шарти билан унинг жамоасига ижарага бериш ва ниҳоят, уларни ёпиқ типдаги акционер жамиятларга айлантириш орқали бошқа мулк шаклларига ўтилди. Давлатга тегишли уй-жой фондини хусусийлаштириб, уни фуқароларга мулк қилиб бериш ҳам бошланди. Хусусийлаштириш чоғида давлат мулки хусусий ва жамоа мулкига айлан-тирилди, иқтисодиётнинг нодавлат сектори бунёд этилди.

Ислоҳотлар жараёнида бозор иқтисоди томон қўйилган жиддий қадам нархларни эркинлаштириш бўлди, чунки бозор нархларининг амал қилиши иқтисоднинг муҳим шарти эди. Бу тадбир ҳам «Ўзбек модели»даги ислоҳотларни аста-секин, босқичма-босқич ўтказиш қоидасига таянди. Нархлар бирданига эркин қўйиб юборилмади. Нарх устидан давлат назоратини сақлаб қолган ҳолда уни босқичма-босқич эркинлаштирилди, чунки нархларни дарҳол қўйиб юбориш, бирданига

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т., «Ўзбекистон», 1995, 43-бет.

қимматчиликни юзага келтириб аҳолини қийин аҳволга солиши, ислохотларни халқ олдида обрўсизлантириши мумкин эди. Режали давлат нархларидан бирданига эркин нархларга ўтиш «шокотерапия» яъни «эсанкиратиш» усули бўлиб Ўзбекистон учун мақбул эмас эди. Ўзбекистон аввал-бошданоқ бу усулдан воз кечди, чунки уни қўллаш гиперинфляциянинг ҳалокатли ўпқонига тушиш хавфини туғдирар эди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун дастлаб муҳим истеъмол товарларига дотацияли нархлар қўлланди, яъни амалда қиммат турган товарлар аҳолига арзонлаштирилган нархда сотилиб кўрилган зарарни бюджет берган пул ҳисобидан қопланди. 1992 йилдан эътиборан техникавий товарлар ва айрим истеъмол товарларининг келишилган (эркин) нархларига ўтилди, аммо энг зарур истеъмол молларига дотацияланган нархлар сақлансада, уларда сотиладиган товарлар рўйхати қисқартирилиб борилди. 1994 йилнинг кузида истеъмол товарларининг нархи эркин қўйиб юборилди, аммо дотацияланган нархлар нон ва унга, шунингдек уй-жой коммунал хизмати ва шаҳар умумий транспорт хизматига қисман сақланиб қолди. Шундай қилиб ислохотларнинг биринчи босқичи режали давлат нархларидан эркин бозор нархларига ўтиш билан яқунланди.

Ислохотларнинг иккинчи босқичи Ўзбек миллий пули сўмни 1 июль 1994 йилдан эътиборан муомалага киритилишидан бошланди. Уларнинг биринчи босқичида муомалада дастлаб СССР пули — рубль сақланиб қолди, аммо у билан параллел равишда Ўзбек купонлари 1992 йил январь ойидан бошлаб муомалага карточкалар сифатида киритилган эди, уларга товар олиш ҳуқуқи берилиб, тўловлар рубль воситасида бажарилар эди. 1993 йил ноябрь ойида купон-карточкалар бекор қилиниб улар ўрнига пул вазифасини ўтовчи сўм купонлар киритилиб, 1 январь 1994 йилдан бошлаб рубль муомаладан чиқариб юборилди. Сўм-купонлар 1994 йил 1 июлига қадар муомалада бўлиб шундан сўнг улар 1000:1 нисбатида янги сўмларга айирбошланди. Муомалага чиқарилган ўзбек сўми тўлақонли миллий пул вазифасини ўтай бошлади, у шаклланаётган бозор алоқаларига хизмат қила бошлади. Ислохотлар иккинчи босқичининг асосий вазифалари аниқлаб олинди ва улар қуйидагилардан иборат бўлади:

1) Давлат мулкани хусусийлаштиришни давом этказиш;

2) Ишлаб чиқаришни пасайишини тўхтатиб унинг барқарорлигини, умуман иқтисодий — молиявий барқарорликни таъминлаш;

3) Миллий пул — сўмни қадр-қийматини мустаҳкамлаш;

4) Иқтисодиёт структурасини ўзгартириб уни тубдан қайта қуришга эришиш.

Иккинчи босқичда хусусийлаштириш миқёси кенгайди, у ўрта ва йирик корхоналарда ҳам ўтказилди, халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларини қамраб олди. Хусусийлаштириш юзасидан тармоқ ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди. Давлат мулкни сотиш давом этди, ammo уни акционерлашда янги жиҳатлар пайдо бўлди. Агар биринчи босқичда кўпинча давлат корхоналари ёпиқ акционер жамиятга айлантириб, акциялар корхона ишчи-хизматчиларига мулк қилиб берилган бўлса, иккинчи босқичда улар очиқ акционер жамиятларига айлантириб уларнинг акцияси очиқ бозорда ҳаммага сотила бошланди. Бу аҳоли орасидаги мулкдорлар сафини кенгайтди. Бу ишда инвестиция компаниялари (ХИФ) ва фонд бозорига алоҳида эътибор берилди, кўчмас мулк биржаси орқали мулк сотила бошланди. 1995—1997 йиллар мобайнида жами 15 та ХИФлар ташкил этилиб, улар хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини аҳолига сотиш билан шуғулландилар. 1997 йилга келиб ХИФлар 153 та корхона акциясини олиб 75 минг кишига 884 млн. сўмлик акцияларни сотди. Натижада бир акциядор қўлида 11,7 минг сўмлик акция жамланди. 1992—1997 йилда акция олганлар сони 450 минг кишини ташкил этди. «Вақт» деб номланган депозитарий ўз ишини бошлаб, акцияларни сақлашни ташкил этди. Иккинчи босқичда кичик корхоналар сотилиб хусусий мулкка айланса, ўртача ва йирик корхоналар очиқ акционер жамиятига айлантириб, улар акциясининг 25% меҳнат жамоасига, 25% давлатга, 10% ҳамкор корхоналарга тегди, 40% эса очиқ сотувга қўйилди. Бу босқичда 7 мингта кичик ва ўрта корхоналар хусусийлаштирилди, босқич охирига келиб 1915 та йирик корхоналар акционерлаштирилди. Давлат корхоналарини хусусийлаштиришдан тушган пул уларни ривожлантириш учун юборилди. Унинг 50% «Бизнес фонд»га берилиб тадбиркорларга кредит орқали мадад беришга сарфланди.

Иккинчи босқичда иқтисодни барқарорлаштиришдан унинг ўсишига ўтилди. 1995 йил ялпи ички маҳсу-

лот 1,5% га, 1997 йили 5,6% га ўсди. Бу босқичда аҳоли жон бошига ҳисобланган маҳсулотнинг ўсиши ҳам кўзатилади. Бу ўсишни таъминлашда хусусийлаштириш туфайли пайдо бўлган нодавлат секторининг ҳиссаси катта бўлди. Ислоҳотлар иқтисодий эркинлик бериб манфаат ва масъулият, ташаббус ва ижодкорликка йўл очди. Ҳар бир кишининг, у деҳқон, ишчи, тadbиркор ёки фермер бўладими бундан қатъи назар ишлаб топгани ўзиники бўлиб қолди. Бу иқтисодни ўсишига стимул берди. Давлат тadbиркорликни қўллаб-қувватлади, базовий тармоқларни ўз қўлида сақлаб, уларни барқарор ривожланишини таъминлади. Бу эса бутун иқтисодга ижобий таъсир этди.

Халқ ҳўжалигида инвестицион фаоллик бошланди, унинг ривожини учун катта пул қўйила бошланди. Ўзбекистон халқ ҳўжалигида жойлаштирилган капитал маблағлар (жорий нархларда, бунга инфляция таъсири ҳам бор) 1994 йил — 14,1 млрд. сўм, 1995 йил — 88,9 млрд. сўм, 1996 йил — 176,7 млрд. сўм, 1997 йил — 271,6 млрд. сўм бўлди.

Катта миқдордаги пул ишлаб чиқаришнинг ўсишига қаратилди. Шу соҳанинг капитал маблағлардаги ҳиссаси ҳам катта бўлди. Бу маблағлар янги корхоналарни қуриб ишга тушириш, эскиларини техника билан қайта қуролантиришга юборилди. Бу айниқса қўшма корхоналар ва акционер жамиятларида яққол кўзга ташланди. Бу ерда уларнинг жами капитал маблағлардаги ҳиссаси 60—75% ташкил этиб келди.

Иккинчи босқичда иқтисодда чуқур таркибий силжишлар ҳам юз берди. Илгариги ярим мустамлака характеридаги иқтисод миллий манфаатларни кўзлаб қайтадан қурила бошланди. Ишлаб чиқаришдаги таркибий ўзгаришлар давлатнинг фаол иштирокида юз берди. Уни амалга оширишда давлатнинг инвестиция сиёсати катта аҳамиятга эга бўлди. Керакли тармоқларга давлатнинг капитал маблағлари юборилди, бу ерга хорижий маблағларнинг катта қисми ётқизилди. Айтилган соҳаларга устиворлик берилиши таркибий ўзгаришларни таъминлади.

Иккинчи босқичдаги ўзгаришлар мамлакат иқтисодий қувватини, энг аввало саноат қудратини оширишга, аҳолини иш билан таъминлашга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, мамлакат ички бозорини товарлар билан тўлдиришга, пировард натижада мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилди.



Ислоҳотлар икки босқичининг натижаларига таяниб унинг учинчи босқичига ўтилди. Аммо янги босқичда олдин кун тартибига қўйилган, лекин ҳал этиб улгурилмаган муаммолар борлиги инobatга олинди ва улар қайтадан вазибалар қаторига киритилди. Учинчи босқични шартли равишда 1997 йил иккинчи ярмидан бошланди деб айтиш мумкин. Бу босқичнинг устивор йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши кўзда тутилди:

1. Янги мулкдор синфини шакллантириш;
2. Иқтисодда рақобат муҳитини яратиш;
3. Барқарор иқтисодий ўсишни ҳамма чоралар билан сақлаб қолиш;
4. Структура ўзгаришларини давом эттириб, мамлакат экспорт салоҳиятини ошириб бориш, ташқи иқтисодий фаолиятни қайта қуриш;
5. Хориж капиталини мамлакатга кенг кўламда жалб этишни рағбатлантириш;
6. Бозор инфратузилмасини янада ривожлантириш ва энг аввал молиявий инфратузилмани такомиллаштириш.

Ислоҳотларнинг учинчи босқичига Ислом Каримовнинг ғоялари, фикр-мулоҳазалари ва таклифлари асос қилиб олинди. Шу ўринда унинг биринчи чақириқ Ўзбекистон Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги (1999 йил 14 апрель) «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» деб номланган маърузаси алоҳида аҳамият касб этади. Унда ислоҳотларнинг бош масаласи иқтисодиётни эркинлаштириш деб топилди ва унинг асосий жиҳатлари сифатида мулкдорлар синфини шакллантириш, рақобат муҳитини яратиш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолиятини қайта қуриш кўрсатилди.

Иқтисодни эркинлаштириш учинчи босқичнинг стратегия йўналиши бўлсада, у илгари бошланган, лекин ниҳоясига етмаган эди. Шу сабабдан у давом эттирилди, унинг асосий жабҳаси мулкдорлар синфини шакллантириш бўлиб қолди. Бу бежиз эмас эди, чунки мулксиз киши иқтисодий мустақил эмас, унда мулккий манфаат йўқ, шу боис у иқтисодий фаол бўла олмайди. Аксинча мулк соҳиби қўл учига ишламайди, ўз мулкни, бойлигини ошириш учун астойдил ҳаракат қилади. Мулк эгалари алоҳида ижтимоий гуруҳни — мулкдорлар синфини ташкил этади. Мана шундай синфни шакллантириш вазиба сифатида ўртага қўйилди. Президент

Ислом Каримовнинг айтишича, «Биринчи галдаги асосий вазифа — мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал этиш лозим. Бошқача айтадиган бўлсак, биз ўз олдимизга қўйган мақсадни — хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш мақсадини амалга оширишимиз керак».<sup>1</sup> Мулкдорда мулккий манфаат ва мулккий масъулият мужассамлашади, шу боис бу синф жамиятнинг энг иқтисодий фаол қатламини ташкил этадики, бозор иқтисодиёти мана шуларга таянади. Бу ўринда, энг аввал, хусусий мулк эгалари назарда тутилди. Аммо бу мулк бир хил эмас. У, биринчидан, индивидуал, яъни якка соҳибларга тегишли мулк бўлса, иккинчидан, корпоратив хусусий мулкдан иборатдирки, бу акциядорлар-ҳиссадорлар мулкни билдиради.

1998 йил аҳоли таркибидаги акциядорлар унинг ишлайдиган қатламининг атиги 3,8 фоизини, ёпиқ жамиятлар акция эгалари эса 3 фоизини ташкил этади. Шубҳасиз, акция мулкдорларини кўпайтириш зарурати бор, аммо акция бозорининг яхши ишламаслиги бунга йўл бермади. Натижада аҳолининг сарфланмай қолаётган пул даромади ҳисобидан акциялар сотиб олинмади, улар аҳоли қўлида ўлик капитал вазифасини ўтаб, ўз соҳибаларига даромад келтирмайди. Бундай нуқсонларни бартараф этиб бориш муҳим ишга айланди.

Учинчи босқичда мулкдорлар синфи ҳақида гап кетганда пайчилар мулкига ургу берилади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки пайчилик муносабати бетакрор мулкчиликни билдиради, у «Ўзбек модели»нинг муҳим белгиси, деҳқонларни мулк соҳибига айлантиришнинг асосий воситасидир. Деҳқонларга бериладиган пай уларнинг мулккий улуши сифатида уларга даромад-дивидент олиш ҳуқуқини беради. Пайчилик мулки Ўзбекистондаги корпоратив хусусий мулкнинг ривожлантириш йўли ҳисобланади.

Даромад келтирмаган мулк иқтисодий жиҳатдан мулк эмас, чунки унда мулкдорнинг манфаати амалга ошмайди. Акция ва пай шаклидаги мулк соҳибларида эгаллик туйғуларини вужудга келтириш учун мулккий даромад сезиларли ошириш кўзда тутилди.

Мулкдорлар синфи деганда, умуман ҳар қандай мулк эгаларини тушунилмади, чунки истъомолга ва ишлаб

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999, 32-бет.

чиқаришга хизмат қилувчи мулклар бўлиб, уларни фарқлай билиш керак эди. Иш кучи ва барча истеъмол буюмлари аҳолининг мулки, лекин бу мулк унинг эҳтиёжига қаратилган. 1998 йил мамлакатимизда 12 миллион нафар катта ёшдаги аҳоли бўлса, унинг қандайдир миқдорда ўз мулки бор эди, у миллий бойликни 20 фоизга тенг, лекин бу истеъмолга хизмат қилди, аммо даромад келтирмади. Гап бошқа мулк ҳақида. Бу бизнесга хизмат қилувчи мулкдир. Ҳисоб-китобларга қараганда, бу мулк соҳибларининг сони мустақиллик йиллари деярли 5 миллион нафарга етиб қолди, аммо улар тасарруфидаги мулк катта эмас. Уни кўпайтириш нуқул хусусийлаштириш ҳисобидан бўлмади, чунки у ўзини-ўзи ҳосил этиб туриши зарур. Бунга хусусий даромадларни инвестициялаш орқали эришиш мўлжалланди. Аммо инвестицияларнинг ишлаб чиқаришга сарфланишини кўпроқ рағбатлантириш керак бўлди, акс ҳолда истеъмолни мўлжаллаган мулк жадал ўсиб, бизнес мулк секин кўпайиши юз беради.

Учинчи босқичда кичик ва ўрта бизнес равнақи иқтисодий эркинликнинг асосий мезони ҳисобланади. Негаки, у эркин ва демократик бозорни яратади. Шу боис жиддий ўзгариш ясаб, уни иқтисодиётда ҳал қилувчи ўрин эгаллашни таъминлаш вазифаси қўйилган.

Учинчи босқичда Президентимиз таъкидлаганидек, «Хусусий корхоналар сонини икки баравар кўпайтириб, ялпи миллий маҳсулотда уларнинг улушини камида 25 фоизга етказишга эришмоғимиз лозим».<sup>1</sup> Бунга эришсак, иқтисодиётни эркинлаштириш томон жиддий қадам қўйган бўламиз, чунки илгари унинг ҳиссаси умуман 10—12% дан ошмас эди. Ислохотларнинг икки босқичи давомида ўрта ва кичик бизнес хусусийлаштириш замирида ривожланди, яъни давлат мулкани хусусий мулкка айлантиришига қараб кенгайиб борган.

Учинчи босқичда биринчидан, у ўз-ўзини молиялаштириш қоидасига биноан ривожланиши, иккинчидан, унинг истиқболи ишлаб чиқаришга жадал кириб бориши билан таъминланиши мумкин. Шундай вазиятда кичик ва ўрта бизнес ривожига кредитни, айниқса, хорижий инвестицияларни жалб этишга эътибор берилла бошлади. Бу босқичда иқтисодиётни эркинлаштириш ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириш билан

<sup>1</sup> *Ислоҳ Каримов*. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999, 33-бет.

узвий боғлиқ бўлди, чунки «Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат бозорнинг асосий шартини, айтиш мумкинки, унинг қонунидир».<sup>1</sup>

Рақобат бор ерда ҳамма ҳаракатга тушади, интилиш, изланиш ва ташаббус рақобат муҳитида жонланади. Бу муҳитни яратиш учун эркин товар ишлаб чиқарувчилар, яъни майда ва ўрта корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари кўпайтирилди. Тадбиркорлик йўлидаги маъмурий тўсиқлар олиб ташлаш ҳам керак бўлди.

Ислохотлар рақобат монополия билан чиқиша олмаслигини инobatга олди ва антимонопол сиёсати олиб борилди. Монопол корхоналар ҳисобидан кўплаб янги корхоналар вужудга келди. Улар сақланган ҳолда параллел, яъни уларга рақобатчи корхоналар яратилди, улар белгилайдиган нархлар чекланди. Антимонопол сиёсат иқтисоддаги демократизмни кучайтирди, фаолликни рағбатлантирди.

Ислохотлар натижасида бозор инфратузилмаси, яъни бозор алоқаларига хизмат қилувчи муассасалар бўлмиш биржалар, банклар, брокер идоралари, аудитор фирмалар, консалтинг фирмалари, молия компаниялари кабилар юзага келди. Аммо уларнинг ишлаш самараси эркинлаштириш талабидан орқада қолди. Шу сабабли инфратузилманинг етилган муаммолари орасида икки жиҳатга эътибор қаратилди. Биринчиси, банк тизимини ислох этиш бўлса, иккинчиси, фонд бозорини мустаҳкамлашдир.

Илгари яратилган банк тизими монополлашган бўлиб, бу ерда давлат капитали катта қисмни ташкил этар эди. Кўпчилик банклар тижорат банклари бўлсада, давлатнинг назорати остида қолган, банклар орасида ҳақиқий рақобат, мижоз учун кураш ривожланмаган, ихтисослашган банклар салмоғи катта, универсал банклар озчиликни ташкил этди. Банкларда маъмурий бошқариш унсурлари мавжуд эди. Шу сабабли банк ислохотларини чуқурлаштириш зарур эди. Банк тизимини эркинлаштириш учун уларни универсаллаштириш йўлидан бориш керак бўлди, чунки банк ҳаммага хизмат қилувчи, бозор талабига биноан ишловчи молиявий муассасага айланиши зарурати бор эди. Банклар кредит ресурсларини ҳосил этишда, уларни жойлашти-

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. Т.:* «Ўзбекистон», 1999, 34-бет.

ришда, фоиз даражасини белгилашда мустақил бўлишлари назарда тутилди.

Банк тизими ривожининг муҳим йўналиши банкларнинг ўзини инвесторларга айланиши бўлди. Банклар корхоналар акциясини сотиб олиб уларнинг ҳамкорига айлана бошладилар.

Ушбу йўналишда илк қадамлар ташланди. Масалан, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1,5 миллиард сўмлик 351,8 минг акциясини сотиб олди. Республика ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат «Пахта банк»нинг қимматли қоғозлар портфелига «Ўзпаррандасаноат» ва «Ўзқишлоқ хўжалик таъминот тузатиш»га қарашли жамиятларининг акциялари келиб қўшилди.

Учинчи босқичда фонд бозорини ишлашини такомиллаштириб, уни кенгайтириш чоралари кўрилди. ХИФлар томонидан аҳолига акциялар сотиш кўпая бошлади, чунки акцияларга «ХИФ банк» орқали девидент тўлаш мунтазам бўла бошлади.

Фонд бозорини эркинлаштириш бу бозорга хориж инвесторларининг кўплаб кириб келишини, аҳолининг бўш пулларига акциялар олиниши ва, энг муҳими, бизнинг акцияларимиз халқаро бозорига чиқишини таъминлаши зарур бўлиб қолди. Шу сабабли аҳолига акция сотиш кўпайтирилди, аҳолидан чиққан инвесторлар сони ортди. 1997 йил жами инвесторлар 450 минг нафар бўлса, 1999 йил ўрталарида улар 750 минг кишидан ошиб кетди.

Учинчи босқичдаги эркинлаштириш ички иқтисодий муносабатлар билан чекланмасидан, мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятига ҳам тааллуқли бўлди. Шуни назарда тутиб юртбошимиз «Ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этишнинг бутун тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим»,<sup>1</sup> дея қайд этдилар. Мустақил Ўзбекистон аввал бошданоқ очиқ иқтисодиёт қуриш йўлига ўтди ва бу миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ҳар тарафлама ташқи иқтисодий алоқалар таъсирида кечилини билдиради. Бу алоқалар экспорт ва импорт, четдан капитал киритиш, четга капитал чиқариш, иш кучи экспортини уюштириш, халқаро миқёсда эмитент ва инвестор вазифасини ўташ, халқаро иқтисодий ташкилотларида қатнашиш кабиларни англатади. Улар жа-

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999, 35-бет.

ҳон бозорида фаол қатнашиш, бошқа мамлакатлар билан иккиёқлама ва кўпёқлама алоқалар ўрнатишни талаб қилади. Буларни кучайтириш 3 босқичнинг ҳам вазифаси бўлди.

XXI аср нафақат янги техника-технология асри, балки юксак даражада глобаллашган, байналмилал тус олган иқтисодиёт асри бўлиши кутилади. Ўзбекистон ҳам ана шу жараёнда иштирок этиши кўзда тутилди ва буни иқтисодий усуллари жорий этилди. Ташқи фаолиятни бошқаришда маъмуриятчиликни чеклаш, уни иқтисодий усуллар билан, яъни тарифлар ва квоталар воситасида бошқарилишига ўтилди.

Белгиланган тартиб доирасида ташқи фаолият эркинлиги фирмаларга ҳам берилиши керак бўлди.

Учинчи босқичда хориж капиталини мамлакатга кираиб келишини рағбатлантириш кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги, «Кафолатлар ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар 1998 йил қабул қилиниб, уларга кўра хориж капиталининг мулкӣ дахлсизлиги қонунлар йўли билан давлат томонидан таъминланди, хориж инвесторларининг Ўзбекистондаги фаолияти учун шарт-шароит ҳозирланди. Эндиликда хориж капитални моддий ва номоддий шаклда қўйилиши мумкин, бу капиталга турли шаклда даромад олиниши ҳам мумкин бўлиб қолди. Қонунларда хориждаги давлатлар, халқаро ташкилотлар, турли фирмалар ва айрим фуқаролар инвестор бўлиши мумкинлиги белгилаб қўйилди, хориж капитални иштирокидаги корхоналарда чет эл капитални жами капиталнинг 30% дан кам бўлмаслиги талаб қилинади, мазкур корхоналарни турли усулда ташкил этишга рухсат берилди. Муҳими шуки, хориж инвесторларнинг ҳақиқуқӣ кучли кафолатланади.

«Хориж инвестициялари тўғрисида»ги қонунга кўра «Ўзбекистон ҳудудида инвестицион фаолият юргизилганда хориж инвесторларининг барча ҳуқуқларини давлат кафолатлайди ва ҳимоя қилади», деб қайд этилди. Ўзбекистонда хориж инвесторлари ва инвестициялари учун адолатли ва тенг ҳуқуқӣ режим яратилди, уларнинг хавфсизлиги таъминланди. Улар учун қулай ҳуқуқӣ режим яратилишига урғу берилади. Улар учун яратилган шарт-шароит Ўзбекистонлик инвесторларникига нисбатан ёмон бўлмаслигига зарур эди, албатта.

Ўзбекистондаги хорижий тадбиркорлар фаолияти турли шаклда, чунончи кўшма корхоналарини очиш, ўз компания ва фирмаларнинг бўлинмалари ва шаҳобчаларини очиш, шубба (дочерный) корхоналарни ташкил этиш каби шаклларда бўлиши мумкин. Ўзбекистонда биринчи мартаба хориж инвесторларига концессия олишига рухсат этилади. Концессия табиий ресурсларни қидирув ишларини олиб бориш, шу ресурсларни топиб ишлатиш учун берилди. Бу ўта муҳим аҳамиятга молик тадбир ҳисобланади.

Хориж инвесторлари фаолияти турли шаклларда бўлиши мумкин. Уларга солиқ ва божхона тўловлари юзасидан енгилликлар берилди. Хуллас, Ўзбекистонда хориж инвесторлари яхши фойда олишлари учун қонуний йўл билан қулай вазият яратилди. Албатта бу мамлакатга хориж капитали кириб келишини рағбатлантирди.

Агар 1997 йил Ўзбекистонга келган хориж капитали миқдори 7 млрд. АҚШ доллари атрофида бўлса, 1999 йил ўрталарида бу деярли 9 млрд. долларни ташкил этди. Бу билан нафақат кўшма, балки хорижликларнинг ўзига қарашли корхоналарни ишга тушуриш имкони берилди. Илгарилари хориж капитали асосан давлатга қарашли ёки давлат иштирокидаги корхоналарга ётқизилган эди. Масалан, 1997 йил охирига келиб Ўзбекистонга жойлаштирилган хориж капиталининг 36% фақат 5 та компания (ДЭУ, Проктер Гембел, Нью Монд, Нью-Мининг, БАТ Индастрис) ҳиссасига тўғри келди ва у давлат секторига ётқизилди.

Учинчи босқичда хориж инвестициялари оқимида ўзгариш яшаш кўзда тутилди: биринчидан, уни кичик ва ўрта бизнесга, хусусий секторга буриш кўзда тутилди.

Иккинчидан, унинг фаолиятини инфратузилма соҳасида, ва энг аввал банкларда кучайтириш, уни кўпроқ коммерция банкларига жалб этиш мўлжалланди.

Ислохотлар учинчи босқичидаги барча чора-тадбирлар иқтисодий эркинликни таъминлаб, бозор механизмини кенг кўламда амал қилиши асосида иқтисодий ўсишни барқарорлаштириш ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилди.

### **3. Иқтисодий янгиланиш натижалари.**

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўз иқтисодий тараққиёт йўлини ўзи белгилаш, иқтисодни миллий манфаат йўлида ривожлантириш имконига эга бўлди. Мам-

лакат миллий бойлиги унинг ўз мулкига айланди. Бунга миллий мустақилликни таъминловчи ислохотлар орқали эришилди.

Мустақилликни бош иқтисодий якуни бу она юрт бойлигини миллий мулкка айлантирилиши, уни бутун халқ манфаати йўлида тасарруф этилиб истиқлолга пойдевор бўлиб хизмат қилиши, иқтисодий салоҳиятга катта ҳисса қўшишидир. Хориж мутахассислари Ўзбекистоннинг ер ости бойликларини 4 триллион АҚШ долларига тенг деб баҳоламоқдалар, улар юртимиздаги жами олтин захиралари 5000 тоннага етади деган фикр билдирмоқдалар.

Ўзбекистон ўз бойлигини ҳақиқий эгасига айланганидан, ўз экспорт товарларини четга сотиш орқали барқарор валюта тушумига эга бўлди. 1994—1998 йилларда Ўзбекистон экспорти 17,5 млрд. доллардан зиёд валюта келтирди. Шўролар даврида Ўзбекистонда шундай валюта тушуми бўлишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган. Ўзбекистон ўзининг олтин-валюта захирасига эга бўлдики, бу унинг миллий мустақиллигига хизмат қилади.

Муҳими Ўзбекистон халқининг топгани ўзиники бўлди, шу сабабли аҳоли турмушининг ўзгариши иқтисодий аҳволга қараб юз берди. Шўролар давридагидек Ўзбекистонда яратилган бойликни қайта тақсимлаб унинг бир қисмини бошқаларга бериб маҳаллий аҳолини ризқини қийишга ўрин қолмади.

Амалга оширилган таркибий ўзгаришлар мамлакатнинг мустақиллигига хизмат қилади. Улар қуйидагилардан иборат бўлди:

1. Иқтисоддаги пахта яккаҳоқимлиги чекланди.
2. Хом-ашёни миллий sanoatнинг ўзида қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот олишга ўтилди.
3. Ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришилди.
4. Дон мустақиллиги қўлга киритилди.
5. Миллий ишлаб чиқаришни ўстириш ҳисобидан мамлакат экспорт салоҳияти кўпайтирилди. 1998 йилга келиб мамлакат ўз ишлаб чиқариши ҳисобидан ўзини ёқилғи ва электроэнергия билан тўла таъминлай бошлади. 1999 йил Ўзбекистонда дон етиштириш унинг истеъмолини 90% қоплашга етди. Ўзини-ўзи таъминлашга ўтиш мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашга қаратилди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида кўп укладли иқтисод юзага кел-



ди. Индивидуал хусусий мулк, корпоратив хусусий мулк, акциядорлар мулки, пайчилар мулки, жамоа мулки, аралаш мулк кабилар пайдо бўлдики, бу иқтисодда нодавлат секторини англатади. Агар 1993 йил иқтисодни нодавлат сектори ҳиссасига Ўзбекистон миллий даромадининг 38,1% тўғри келса, 1997 йили бу кўрсаткич 71,8%, 1998 йили эса 73,2% етди.

Кўп укладли иқтисод мазмунан демократик бўлиб, бозор муносабатлари табиатига мос тушди. Бундай иқтисодга турли мулк шакллари ва ҳўжалик юритиш усулларининг мавжудлиги, монополизмга йўл бермаслик, бозорда рақобатчиликни бўлиши хосдир. Бу иқтисод иқтисодий либерализм (эркинлик) тамойилига асослана бошлади. Корхоналар, ҳўжаликлар ва ташкилотлар ўртасидаги режали алоқалар ўрнига бозор алоқалари қарор топди, бозордаги талаб таклифга қараб ишлаб чиқариш юзага келди. Бошқарув тизими маъмурий буйруқбозликдан халос бўла бошлади.

Бозор иқтисодини таянчи бўлмиш тадбиркорлик ривожини учун қулай шароит ҳозирланди, уни давлат ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаб келди. Мамлакатнинг иқтисодий тақдирини ўз қўлига олишга қодир бўлган ва миллий манфаатлар йўлида хизмат қилувчи ватанпарвар мулкдорлар синфини шаклланиши иқтисод қиёфасини ўзгартирди. Тадбиркорлар сафи ишчи-хизматчилар ва деҳқонлар ҳисобидан кенгайиб борди.

Кичик ва ўрта корхоналар, фермер ва деҳқон (томорқа) ҳўжалиklarини қўшиб ҳисобласак 1998 йил мамлакатимизда 3 млн. 80 мингга товар ишлаб чиқарувчилар бўлиб, улар турли шаклдаги бизнес билан шуғулланиб келишади. Кишилар иқтисодий мавқесининг ўзгариши уларда бозор тизимига хос фикрлашни ва ҳатти-ҳаракатни юзага келтирди. Кишилардаги боқимандалик кайфияти чекиниб, унинг ўрнига ишбилармонлик, ҳаракат қилиб пул топишга интилиш кела бошлади.

Ислоҳотлар иқтисодий полиформизмни, яъни хилма-хилликни юзага келтирди. Иқтисодни турли-туман корхоналар ташкил эта бошлади. Булар хусусий, жамоа, давлат, ижарачи акционер, қўшма корхоналар, деҳқон, фермер ва ширкат ҳўжалиklари бўлиб улар иқтисоднинг икки секторида — давлат ва нодавлат секторида бирлашдилар. Нодавлат секторида моддий ресурсларни асосий қисми, ишловчиларни қўпчилигида жойлашиб (1998 йил — 74,2%) унинг мамлакат

иқтисодига ҳиссаси 1999 йил ўрталарига келиб 70% ортиб кетди. Бу сектор бозор қонунларига биноан ривожлана борди.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштира бориб мамлакат иқтисодий тангликдан чиқиб ривожланиш босқичига ўтди. 1991—1994 йиллар иқтисод пасайган бўлса, 1995 йили у барқарорлашди, 1996 йилдан эътиборан у ўса бошлади. Иқтисодни янгиланиши давлат бюджети камомадини муттасил камайтириб, уни нормал ҳолга келтирдик, буни халқаро молия ташкилотлари ҳам маъқуллади. 1999 йил камомад ялпи ички маҳсулотнинг 1,8% ни ташкил этди. Инфляция дами кесилди. Агар 1992 йил инфляция 9,5 марта бўлса, 1998 йили у атиги 26% ни ташкил этди. Ўзбекистон иқтисодининг ўнглашиб боришини қуйидаги маълумотлардан кўрсак бўлади (1-жадвал).

1-жадвал

#### Ўзбекистонда иқтисодий динамика кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	1992	1993	1994	1995	1996	1997
1.	Ялпи ички маҳсулот ҳажми (1990 й. нисбатан %)	88,1	86,0	83,0	82,0	83,4	86,0
2.	Бир ишловчига яратилган маҳсулот	100,0	98,0	94,0	89,1	90,3	94,6
3.	Аҳоли жон бошига яратилган маҳсулот	100,0	96,9	89,9	88,4	88,4	91,9

Ўзбекистон иқтисодидаги ижобий силжишларни халқаро ташкилотлар ва хорижий мутахассислар ҳам тан олишади. Ўзбекистон иқтисоди қандай ҳолатда бўлишини англаш учун иқтисодий кўрсаткичларни халқаро ҳисоб-китоб воситаси бўлган АҚШ долларарида ҳам чамалаб кўрсак, қуйидаги натижаларга эга бўламиз (2-жадвал).

Ҳар иккала ҳисоб-китоб шуни кўрсатадики 1997 йилдан эътиборан Ўзбекистон иқтисодида бурулиш даври бошланиб, аҳоли жон бошига ишлаб чиқаришни ўсиши юз берган.

Агар 1997 йилда бу кўрсаткич +3,2% ташкил этса,

## Валюта ҳисобида Ўзбекистон иқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	1992	1993	1994	1995	1996	1997
1.	Ялпи ички маҳсулот олдинги йилга нисбатан % ҳисобида	88,9	97,7	94,8	99,1	101,6	105,2
2.	Жорий нархда ҳисобланган ички маҳсулот, минг доллар ҳисобида	25192	24613	23333	23123	23443	24715
3.	Аҳоли сони, минг нафар	21454,7	21947,5	22377,5	22784,8	23260,0	23666,8
4.	Аҳоли жон бошига яратилган маҳсулот, доллар ҳисобида	1174	1121	1043	1015	1010	1044

1998 йилда +2,7% бўлди. МДХ мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистонда саноат маҳсулоти 1990 йил даражасидан юқори бўлди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми жиҳатидан Ўзбекистон 1990 йил даражасига энг яқин турган мамлакатдир (3-жадвал).

## МДХ мамлакатларининг 1997 йилдаги умумлашган иқтисодий кўрсаткичлари (1990 йилга нисбатан % ҳисобида)

№	Мамлакатлар	Ялпи ички маҳсулот	Саноат маҳсулоти	Қишлоқ хўжалик маҳсулоти
1.	Ўзбекистон	86	113	88
2.	Белорусь	73	72	63
3.	Қозоғистон	62	50	47
4.	Қирғизистон	60	51	78
5.	Россия	59	49	62
6.	Арманистон	58	47	118
7.	Озарбайжон	44	44	50
8.	Гуржистон	42	19	69
9.	Украина	42	50	47
10.	Молдова	37	41	63

Ҳисоб китоблар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон иқтисоднинг 1990 йилги даражасига бошқа мамлакатларга қараганда 5—10 йил олдинроқ етиб олади, бошқалардан илгарироқ доимий иқтисодий ўсиш даврига кириб боради.

Ўзбекистон иқтисодида юз берган бурулиш тасодифий эмас, балки давр талабига жавоб бера оладиган иқтисодий сиёсатни собитқадамлик билан амалга ошириш бўлди. Шу ўринда фаол инвестицион сиёсат алоҳида аҳамият касб этди.

Инвестиция учун маблағларни топиб, уларни энг зарур соҳаларга, биринчи навбатда ишлаб чиқаришнинг истиқболли соҳаларига ётқизилиши иқтисодий ўсиш учун замин тайёрлади. Иқтисодий қийинчиликка қарамасдан инвестицияни юқори даражада бўлишига эришилди, албатта буни давлатнинг инвестицион фаолиятсиз тасаввур этиб бўлмас эди. Иқтисодни устивор соҳаларига давлат инвестицияларини ётқизилиши иқтисодий ўсишга пухта шароит яратди. Бу ишга хориж капитали ҳам жалб этилди. Ўзбекистонда инвестициялаш меъёри (инвестициянинг маҳсулотдаги ҳиссаси) МДҲ мамлакатлари орасида энг юқори бўлди. Шу сабабли инвестиция миқдорини кескин пасайиб кетишига йўл берилмади (4-жадвал).

4-жадвал

**МДҲ мамлакатларида асосий капиталга қўйилган инвестицияларнинг қиёсий кўрсаткичлари.  
(1990 йилга нисбатан % ҳисобида)**

Мамлакатлар	1991	1992	1993	1994	1995	1996
Ўзбекистон	94	81	78	71	66	71
Белорусь	105	85	73	60	45	51
Туркменистон	95	73	73	49	40	43
Қозғистон	74	52	47	32	25	28
Россия	85	47	35	28	23	18
Украина	75	55	40	20	15	12
Гуржистон	68	44	21	11	12	14
Тожикистон	60	26	15	8	4	4

Ўзбекистонда инвестициялаш меъёрининг юқори бўлиши асосан миллий ресурслар ҳисобидан таъминланди. Ўзбекистонда бир қатор мамлакатларда бўлгани каби инвестициялашни миллий бойликни чет элга со-

тиб юбориш ёки хориждан катта қарз олиш ҳисобидан бўлмади. Бу ерда инвестициялар ички имкониятларни сафарбар этиш ҳисобидан юз берди. Масалан, 1997 йил жами инвестициялар 271,6 млрд. сўм бўлса, шундан 217,6 млрд. сўм (78%) миллий инвестиция, 54 млрд. сўм (22%) хорижий инвестиция эди.

Инвестицияларнинг 2/3 қисми ишлаб чиқаришга етказилди, бу маблағлар энг аввал янги технологияни жорий этишга, бозорбоп маҳсулот чиқаришга юборилди.

Ўзбекистон янгидан барпо этаётган бозор иқтисодиёти табиатан очиқ иқтисод, у миллий биқиқлик ва худбинликни инкор этади, мамлакатни халқаро иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этишни билдирди, бусиз барқарор иқтисодий ўсишга етишиб бўлмас эди, чунки халқаро ҳамкорлик иқтисодий тараққиёт омилдир. Ўзбекистон иқтисодий муносабатларни глобаллашувини инobatга олиб, уларда фаол иштирок этиш йўлига ўтди. У дунёнинг кўпгина мамлакатлари, биринчи навбатда ривожланган мамлакатлар билан бевосита алоқа ўрнатди. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалиги доирасидаги алоқалари қуйидаги асосий йўналишларда борди:

- халқаро савдо-сотиқда фаол иштирок этиш;
- халқаро капитал бозорида, хусусан кредит бозорида кенг қўламли қатнашиш;
- халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб, уларнинг ишида фаол қатнашиш.

Жаҳон бозорига чиққан Ўзбекистон ўз экспорт ва импортини кўпайтириб борди, уларни мувозанатлашувини таъминлади. Экспорт таркиби ўзгарди, энди у фақат анъанавий хомашё товарларидан иборат эмас. Унинг таркибида тайёр маҳсулотлар ҳажми ортиб боришга мойил. Импорт таркибида эса замонавий технология салмоқли ўрин эгаллайди, бу эса ишлаб чиқаришни янги хорижий техника базасига ўтказишга шароит ҳозирлади.

Ислоҳотлар халққа лойиқ турмуш шароити яратиш учун ўтказилди, аҳолининг даромади иқтисоднинг умумий аҳволига ва ҳар бир кишининг ишлаб топганига боғлиқ бўлиб қолди. 1997 йилдан эътиборан аҳоли жон бошига маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришни ўсиши унинг даромадларини ҳам ошириш имконини берди. Муҳими иқтисодий янгиланиш жараёнида янги даромад — бозор даромадлари пайдо бўлдики, улар тад-

биркорлик даромади, мулкдан келган даромад, дивидент, индивидуал фаолият берган даромадлардан иборат. Илгаридан мавжуд даромадлар ҳисобланган иш ҳақи ва томорқа даромади ҳам бозор даромади шаклини ола бошлади, чунки улар ҳам бозор қоидаларига кўра ишлаб топилган даромадларга айланди.

Юртбошимизнинг таъкидлашларича ҳозир «аҳолининг даромадлари ошибгина қолмай, уларнинг манбалари ҳам ўзгармоқда. Барча даромадларининг қарийиб чорак қисми тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромад улуши 2 мартадан ошиққа кўпайди. Деҳқон хўжаликлари фаолиятдан тушган даромад ҳам салмоқли манбага айланди»<sup>1</sup>.

Янгича даромадларни ўсиб бориши ислохотларнинг чуқурлашиб боришига боғлиқ бўлди. Шу сабабли улар салмоғини деярли 3 марта кўпайиши бозор ислохотларининг 3 босқичига тўғри келди (5-жадвал).

5-жадвал

Бозор даромадларини оиланинг ялпи даромадидаги ҳиссаси,  
% ҳисобида<sup>2</sup>

	1994	1996	1997	1998
Жами даромад	100,0	100,0	100,0	100,0
Бозор даромадлари	19,8	52,2	56,4	57,1
Шу жумладан:				
1. Тадбиркорлик даромади	2,4	18,4	29,5	25,1
2. Мулкдан келган даромад	1,4	0,6	0,7	0,4
3. Индивидуал меҳнат фаолиятдан келган даромад	2,0	1,1	5,2	6,4
4. Таморқа хўжалиги берган даромад	14,0	32,1	17,1	18,7

Аҳолининг пул даромади билан биргаликда унинг харид қурби ҳам ошиб борди. Буни кейинги йиллардаги қаттиқ валютада ҳисобланган пул даромадидан кўриш мумкин, чунки бу нархлар (паритети) нисбатини, яъни ташқи бозорда 1 долларга, ички бозорда 1 сўмга нима беришини инобатга олади. Бу кўрсаткич пулнинг харид қурбини ҳисобга олганидан у даромадлар миқдорини тўғри белгилайди (6-жадвал).

<sup>1</sup> Илом Каримов. Барқарор тараққиётга эришиш устивор вазифа. «Халқ сўзи», 1998 й., 28 февраль.

<sup>2</sup> Статистика депортаменти маълумотларига кўра тузилган.

Ўзбекистон хонадонининг жон бошига қўлга теккан даромади<sup>1</sup>

№	Даромад	1997	1998
1.	Миллий сўм ҳисобида	2032,7	2935,9
2.	Расмий курс билан доллар ҳисобида	30,6	31,0
3.	Қора бозор курси билан доллар ҳисобида	13,9	13,5
4.	Валюта харид қобиляти паритетига биноан доллар ҳисобида	64,3	65,1

Даромадларни умумий ўсиши билан индивидуал даромадлар фарқланиб турди, чунки бу бозор қоидаларидан келиб чиқди. Булардан бири шуки «Ҳар бир киши қўлидан келган ишни қилади ва ишлаб топганини ўзи олади». Ишлаб топиш ҳар хил бўлганидан даромадлар ҳам фарқланади. 1998 йил энг юқори даромад тадбиркор хонадо­нида, энг кам даромад ширкат аъзоси хонадо­нида бўлди. Бу бозор иқтисоди учун табиий ҳол эди.

Ислоҳотлар ишлаб даромад топишга йўл очиш билан бирга, аҳоли муҳтож қатламини социал ҳимоялаш механизмини ҳам яратди. Агар ислоҳотларнинг биринчи босқичига ҳаммани бараварига нархларни дотациялаш орқали ҳимоя қилиш хос бўлса, иккинчи босқичда адресли ҳимояга, яъни муҳтожларни хусусан болаларни, ногиронларни, ижтимоий ҳимоя қилишга урғу берилди ва бу иш 3 босқичда ҳам давом этди. Иқтисодий ўсишга ва давлатнинг қурбига қараб ижтимоий ҳимоя молиялаштирилди, аммо унга ажратилган пул ўсишга мойил бўлди. Агар 1998 йил ижтимоий ҳимоя учун давлат бюджетидан ажратилган пул Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 3,5% га тенг бўлса, 1999 йил унинг 3,1 % ташкил этди. Бу маблағ қисман бўлсада оммавий ижтимоий ҳимоя учун, яъни коммунал хизматларга дотация бериш учун сарфланди. Аммо унинг аксар қисми муҳтожларга ёрдам учун, яъни болаларга, кам таъминланган оилаларга нафақа бериш учун ишлатилди.

Ижтимоий ҳимояни уюштиришда корхона, хўжалик, турли ташкилот ва муассасалар иштироки ҳам рағбатлантирилди. Шу мақсад йўлида ўнлаб мақсадли

<sup>1</sup> Статистика депортаменти маълумотлари асосида тузилган.

социал (ижтимоий) фондлар уюштирилди, улар бюджетдан ташқари молиялаштирилди.

Буларнинг ҳаммаси ислохотлар туфайли юзага келаятган бозор иқтисоди ўзининг ижтимоий мўлжалга, йўналишига эга бўлишини билдирди.

*А. ГОЛОВАНОВ*

## **АГРАРНЫЕ ПРЕОБРАЗОВАНИЯ В НЕЗАВИСИМОМ УЗБЕКИСТАНЕ: ОПЫТ, ПРОБЛЕМЫ, УРОКИ**

Обретение независимости объективно открыло перед Узбекистаном широкие перспективы для экономического и социального прогресса, культурного и духовного обновления. Независимость придала народу уверенность в собственных силах. Однако потенциалы самых блестящих возможностей еще не означают их автоматическую реализацию. Важно выработать конкретную программу практических действий, четко сформулировать приоритетные цели ее претворения.

Среди приоритетных направлений программы национального возрождения, выхода Узбекистана на авангардные рубежи исторического прогресса особое место занимает задача системного реформирования аграрной сферы. Как неоднократно подчеркивал Ислам Каримов, от «...того, насколько глубоко процессы радикальных преобразований затронут аграрный сектор, как далеко пойдут реформы на селе, во многом зависит исход всех экономических преобразований, стабильность и благополучие народа»<sup>1</sup>.

Реформа на селе с первых дней независимости стала рассматриваться в качестве определяющего звена национальной стратегии формирования рыночной экономики, базисной основы социально-культурного подъема молодого узбекского государства. Это определяется той огромной ролью, какую играет сельское хозяйство в жизни страны.

В сельских районах современного Узбекистана проживает около 60% населения. Аграрный сектор произ-

<sup>1</sup> Каримов И. А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. — Т.: Узбекистан, 1997. — С. 194.



водит ныне четверть общего валового внутреннего продукта и более 40% национального дохода. Большая часть производственного и интеллектуального потенциала страны связана и непосредственно зависит от сельского хозяйства. Сельскохозяйственная продукция представляет один из важнейших источников экспорта, дающего Узбекистану более 55% валютных поступлений.

Будучи основой жизнеобеспечения республики, сельское хозяйство в то же время составляет действенный источник роста благосостояния народа. «От положения в сельском хозяйстве, темпов и эффективности его развития, — указывал в своем выступлении на X сессии Олий Мажлиса И. А. Каримов, — прямо зависит уровень жизни не только большей части нашего населения, проживающего в сельской местности, но и... достаток всего народа республики»<sup>1</sup>.

Ключевыми звеньями национальной модели аграрных преобразований стали: деидеологизация сельской экономики, адекватное решение вопроса о собственности на землю, содействие в развитии на селе подлинно рыночных отношений, обеспечение плюрализма форм собственности, формирование принципиально новой системы управления аграрной сферой, отказ от принципа всеобщего огосударствления сельскохозяйственного производства, решительная ликвидация хлопковой монокультуры и ее негативных последствий, широкое создание дехканских (фермерских) хозяйств, малых предприятий, подрядных и арендных семейных коллективов, наделение дехкан землей.

Как показывают документальные источники, ведущими приоритетами в практическом обеспечении аграрной реформы на первом этапе реформирования экономики было изменение отношения к земле как основному национальному богатству, обновление системы землепользования. Исходя из особенностей отечественного земледелия, специфики переходного состояния общества, конституционно было закреплено, что земля не подлежит продаже в частную собственность, а может лишь передаваться на условиях ее долгосрочной аренды.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. По пути безопасности и стабильного развития. Т. 6. — Т.: Узбекистан, 1998. — С. 387.

«Развитие рыночных отношений на селе, — отмечал в этой связи Ислам Каримов в своей книге «Узбекистан: свой путь обновления и прогресса», — должно происходить на путях предоставления земли в пожизненное пользование с правом наследования. Главное — создать такой механизм хозяйствования на селе, который дал бы возможность каждому дехканину самостоятельно распоряжаться результатами своего труда. Тогда дехканин по-настоящему ощутит себя и подлинным владельцем земли»<sup>1</sup>.

Для обеспечения соблюдения интересов дехканства, закладки правовой основы реформирования аграрных и экономических отношений на селе, создания многоукладной сельской экономики в короткий срок были приняты законы «О земле», «О кооперации», «Об аренде», «О дехканском хозяйстве» и ряд других законодательных актов, указов Президента Республики Узбекистан, правительственных постановлений.

Надо сказать, что на первом, самом трудном этапе аграрного реформирования рыночные механизмы в относительно больших размерах в первую очередь стали внедряться в системе личных подсобных хозяйств (ЛПХ) сельских жителей, где в определенной степени сохранились рыночные отношения, человек остался собственником производства и произведенной продукции.

При решении проблемы ЛПХ были удачно использованы традиционное стремление коренного населения быть поближе к земле, наличие чувства хозяина и интереса к увеличению сельхозпродукции.

Надо сказать, что практические шаги по активизации роли личных приусадебных участков предпринимались руководством Узбекистана еще в преддверии независимости. Но вследствие сохранения имперско-тоталитарного режима этот процесс не смог приобрести тогда масштабные формы. В среднем удельный вес ЛПХ в общей земельной площади составил к 1990 г. лишь 5%.

Независимость позволила смести административно-идеологические заслоны на пути возрождения индивидуальных сельских хозяйств. Только за 1991—1992 гг.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Узбекистан: национальная независимость, экономика, политика, идеология. Т. 1. Т.: Узбекистан, 1996. — С. 66.

впервые получили и расширили свои земельные наделы 2,5 млн семей. В 1994 г. приусадебными участками владели уже свыше 3653 тыс. семей. Средний надел ЛПХ возрос с 0,12 до 0,16 га<sup>1</sup>.

Наряду с расширением сельских подворий предпринимались энергичные усилия по предоставлению земель в индивидуальное и коллективное пользование горожан. Уже к 1994 г. действовало 990 садово-виноградских и 30 огороднических товариществ, объединяющих соответственно 127 и 8,8 тыс. семей. Им было передано свыше 12 тыс. гектаров<sup>2</sup>. А в целом за первые годы экономических преобразований в пользование людей было дополнительно выделено более 550 тыс. га орошаемых земель. В результате общая площадь земель, занятых под личными приусадебными и садово-дачными участками, достигла в 1995 г. около 700 тыс. га. Средний размер личных подворий превысил 0,2 га, что в условиях ограниченных земельных ресурсов явилось огромным достижением.

Осуществляемые меры по усилению роли ЛПХ включали не только реальное наделение населения землей, но и оказание действенной поддержки сельчанам со стороны государства в обзаведении скотом, кормами, семенами, удобрениями. В итоге этот сектор стал занимать заметное место в структуре аграрного производства. Так, удельный вес личных подсобных хозяйств в земельной площади республики возрос к 1996 г. до 20%. Свыше 9 млн человек пользовались плодами личных подворий. В личных приусадебных участках к этому времени было сосредоточено более 80% поголовья овец и коз. Доля ЛПХ в общем объеме сельскохозяйственного производства уже к началу 1995 г. возросла по отношению к 1990 г. с 30 до 44%. В 1995—1996 гг. в среднем в личных подсобных хозяйствах было произведено 86% общего объема молока, 80% мяса, 69% картофеля и овощей, более 55% фруктов<sup>3</sup>.

Отмечая социально-экономическую значимость принятых мер по активизации роли ЛПХ в стратегии начального этапа экономических реформ в Узбекистане, Ислам Каримов особо подчеркивал, что «...наделе-

<sup>1</sup> Сельское хозяйство Узбекистана. 1995. № 6. — С. 35—36.

<sup>2</sup> Там же.

<sup>3</sup> Экономика и статистика. 1997. № 10. — С. 15.

ние людей земель сыграло определяющую роль в решении засушливых, наиболее острых проблем в первые, самые трудные годы реформирования»<sup>1</sup>.

В частности, за счет осуществления масштабной программы по укреплению личных подсобных хозяйств удалось:

— во-первых, привлечь трудоизбыточную, незанятую часть населения, в основном женщин и молодежь, проживающих преимущественно в сельской местности, к общественно полезному труду и тем самым снять угрозу нарастания безработицы;

— во-вторых, увеличить реальные доходы населения, а также укрепить социальные гарантии для многих сельских жителей путем выдачи тем, кто занимался выращиванием сельскохозяйственной продукции по договорам, трудовых книжек и предоставления им права на получение пенсии по старости;

— в-третьих, снять остроту в обеспечении населения жизненно важными продуктами питания. Семьи, наделенные земельными участками, не только обеспечивали собственные потребности в картофеле, овощах, фруктах, продукции животноводства, но и значительно расширили их продажу на городских дехканских рынках, внося свою лепту в решение продовольственной проблемы.

В системе мер по реформированию сельского хозяйства, укреплению частного сектора на селе большое внимание на первом этапе аграрной реформы уделялось развитию новых форм организации сельскохозяйственного производства, максимально отвечающих принципу обретения подлинного хозяина земли, развертыванию индивидуально-семейного предпринимательства.

Одну из таких ведущих форм составили фермерские хозяйства. «Первыми ласточками аграрной реформы» образно назвал фермеров президент нашей республики. И это действительно так. Фермеры стали неумолимыми проводниками экономического реформирования аграрной сферы, основой закладки класса сельских собственников. Уже на 1 января 1994 г. в отечественном

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. — Т.: Узбекистан, 1995. — С. 61.

сельском хозяйстве действовали 14265 дехканских (фермерских) хозяйств, из которых более половины (7463) имели свои расчетные счета в банках<sup>1</sup>. С обретением независимости на селе реально начал формироваться дехканский фермерский сектор. Для стимулирования развития фермерских хозяйств были созданы как правовые, так и организационные предпосылки. За фермерами сразу же было закреплено право долгосрочной аренды выделенных земель с передачей их по наследству. Государство оказывало фермерам помощь в укреплении материально-технической базы хозяйств. Им выделялись орошаемые сельхозугодья, корма, молодняк скота, материальные ресурсы. Кроме того, на поддержку фермеров из бюджета республики стали направляться значительные средства.

Заметный толчок фермеризации сельского хозяйства придало постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 23 февраля 1994 г. «О дополнительных мерах по реализации экономической реформы в сельском хозяйстве»<sup>2</sup>. Оно предусматривало выделение каждому фермеру орошаемой пашни из расчета 0,3—0,45 га на одну условную голову крупного рогатого скота. Для фермерских (деханских) хозяйств предусматривалось выделение льготных кредитов через «Узтадбиркорбанк» на приобретение техники, минеральных удобрений, животных, семян и других материальных ресурсов.

Одновременно была образована система защиты фермерских и дехканских хозяйств путем создания для них гарантий со стороны государства в поддержании и повышении плодородия земель. Активные усилия стали предприниматься по формированию системы специализированного обслуживания дехкан техникой, удобрениями, семенами и саженцами. На новых принципах начали перестраиваться ветеринарная и селекционная службы. В кишлаках и районах открывались специализированные торговые точки по реализации населению семян сельскохозяйственных культур и посадочного материала, лечебных препаратов для животных и т.д. К примеру, широкую известность приобрело в Кувин-

<sup>1</sup> Правда Востока. 1994. 25 января.

<sup>2</sup> Тюриков В. Шагульмов Р. Независимая Республика Узбекистан. Памятные события и даты (1991—1996). Т.: Узбекистан, 1997. — С. 122.

ском районе Ферганской области малое предприятие «Зуррие» (Потомство), специализирующееся на обслуживании фермерских хозяйств. Во главе этого нового дела встал Косимжон Юлдашев, много лет занимавшийся лечением животных в районном центре ветеринарной службы. Почувствовав растущий спрос в лекарственных препаратах, он вначале открыл небольшой магазин. А затем, установив тесные коммерческие связи с фармацевтами стран СНГ и отечественными товаропроизводителями и открыв собственное производство ряда препаратов, К. Юлдашев решил превратить магазин в производственно-торговую фирму. Вскоре ее услугами пользовались не только кувинцы, но и фермеры соседних районов<sup>1</sup>.

Интенсивное претворение программы широкого развертывания фермерского движения способствовало тому, что только в 1994 г. количество дехканских (фермерских) хозяйств, как самостоятельных, так и входящих в состав коллективных агропредприятий, за год возросло в 1,9 раза и составило к концу года свыше 25 тыс., из которых более 10 тыс. специализировалось на производстве животноводческой продукции. За этот же период общая площадь посевов, произведенных фермерами, увеличилась по сравнению с 1993 г. в 2,7 раза. Производство зерна возросло в 3 раза, картофеля и овоще-бахчевой продукции — в 3,3 раза, мяса — в 3 раза, молока — в 2,1 раза и яиц — в 1,3 раза. И эта тенденция отчетливо проявилась в последующем. Так, на конец 1995 г. площадь закрепленных за дехканскими (фермерскими) хозяйствами, составила 264,4 тыс. га, что было на 71,5 тыс. га больше, чем в предшествующем году<sup>2</sup>.

Важным направлением аграрной реформы выступили институциональные преобразования, нацеленные на внедрение нового механизма хозяйствования, радикальную перестройку всей структуры экономических отношений на селе, утверждение новых принципов и системы организации управления сельскохозяйственным производством.

Прежде всего на начальном этапе структурного эко-

---

<sup>1</sup> Сельское хозяйство Узбекистана. 1996. № 6. — С. 25—26.

<sup>2</sup> Сельское хозяйство Узбекистана. 1996. № 4. — С. 46.

номического обновления критическому переосмыслению была подвергнута хозяйственная деятельность колхозов и совхозов. На основе глубокого концептуального анализа было решено, что для того, чтобы поставить село на крепкие экономические рельсы, актуальной потребностью выступает необходимость реорганизации всех государственных сельскохозяйственных предприятий — совхозов, в первую очередь убыточных, в коллективные и основанные на других формах собственности. По сути, эта акция, по словам И. А. Каримова, представляла «исправление тех ошибок, которые были допущены» в последние десятилетия советской власти «в сельском хозяйстве в вопросах организации управления отраслью, когда, исходя из иждивенческих настроений, коллективные хозяйства искусственно преобразовывались в государственные в надежде на государственное содержание»<sup>1</sup>.

В процессе реорганизации структур управления на селе четко определилось, что из себя должно представлять первичное сельскохозяйственное звено. Им, как отмечал Президент независимого Узбекистана, призван стать «...кооператив, объединяющий фермерские хозяйства и обслуживающий их, координирующий и помогающий в вопросах материально-технического обеспечения, технического, агрохимического обслуживания»<sup>2</sup>.

Принципиальным положением явилось то, что фермерские хозяйства должны служить основой для организации сельскохозяйственного производства, а для их эффективной деятельности должна существовать разветвленная инфраструктура — агрофермы, машинно-тракторные парки, ремонтные мастерские, заготовительные пункты, малые предприятия, перерабатывающие сельхозпродукцию, и т. д.

На основе выработанных принципов и методологических подходов была разработана специальная программа разгосударствления и приватизации государственных аграрных предприятий. В ходе ее осуществления за период 1992—1995 гг. из 1137 совхозов 1066 были преобразованы в хозяйства с акционерной, коллектив-

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Узбекистан по пути углубления экономических реформ. С. 59.

<sup>2</sup> Там же.

Рост экспорта сопровождается увеличением объема импорта из стран Европейского Союза. Например, в 1995 г. он составил 506,8 млн долл. Причем основным поставщиком продукции в Узбекистан стала Германия, которая импортировала товаров и услуг на сумму 374,7 млн долл. Значительных размеров достиг также импорт из Италии — 22,1 млн долл., Нидерландов — 35,5, Великобритании — 27,9, Австрии — 10,1, Франции — 15,4 млн долл. В то же время импорт из Испании, Греции, Португалии вместе взятых составил 1,5 млн долл.<sup>4</sup>

Наибольшую долю в импорте товаров из стран ЕС составили оборудование и технологии — более 42%, а также приборы и оптические аппараты — 15%, изделия из благородных металлов — 8%, электротехническое оборудование — 1,5%, мебель — 2%, нефтепродукты — 3,2%, пластмасса и изделия из нее — 1,6% и другая продукция производственно-технического назначения<sup>5</sup>.

В структуре импорта из стран ЕС значительный объем

<sup>1</sup> Там же.

<sup>2</sup> Узбекистан — Европейский Союз: важный шаг на пути к европейской интеграции. — Т., 1996. — С. 17.

<sup>3</sup> Узбекистан — Европейский Союз: важный шаг на пути к европейской интеграции. — С. 17.

<sup>4</sup> Там же С. 19.

<sup>5</sup> Там же. С. 20.



приходится на продукты, доля которых в общем импорте превышает 8%. В их числе сахар и кондитерские изделия — 6,5%, жиры и масла — 2%, кофе и чай — 0,2%, какао и продукты из него — 0,2%, табак — 1,2%<sup>1</sup>.

Как показывает экономический анализ, наибольший объем от общего товарооборота со странами Европейского Союза приходится на Германию (38,6%). Товарообмен с остальными членами ЕС выглядит следующим образом: Великобритания — 24%, Нидерланды — 18,1%, Италия — 9,7%, Австрия — 4,8% и т.д.

Успешное развитие торгово-экономических связей Узбекистана со странами Западной Европы является прямым следствием поступательного развития национальной экономики Узбекистана. В то же время развитие таких отношений нашей страны с государствами Европейского Союза само по себе говорит о значительных достижениях республики на пути к международной хозяйственной интеграции.

На данном этапе экономических реформ в Узбекистане в качестве приоритетных задач выдвинуты достижение независимости в важнейших отраслях народного хозяйства, расширение производства, выпуск изделий на уровне мировых стандартов, а также повышение их конкурентоспособности. Вполне понятно, что решение этих и других задач невозможно без коренной реорганизации и реструктуризации экономики и прежде всего производственных отраслей в соответствии с современными требованиями. При этом важнейшим вопросом является оснащение производства новейшими технологиями и оборудованием.

В процессе реализации данной задачи большое значение в республике уделяется опыту, накопленному развитыми странами мира. Значительную помощь Узбекистану оказывают страны Европейского Союза, чья передовая технология широко распространена в мире.

Широкие экономические связи между республикой и странами Европейского Союза осуществляются с помощью аккредитованных представительств крупнейших фирм и компаний, международных консорциумов и банков Германии, Великобритании, Франции, Ита-

---

<sup>1</sup> Там же.

лии, Бельгии и др., с которыми в Республике Узбекистан образовано более 100 совместных предприятий. В числе учредителей такие всемирно известные фирмы, как «Мерседес-Бенц», «Саламандр-АГ», «Тиссен», «Алкатель», «Хехст», «Лонро» и др. Хорошо известны в республике и за ее пределами продукция узбекско-итальянского предприятия «Узпластитал», узбекско-британского предприятия «УзБАТ», узбекско-французского «Технип» и др.<sup>1</sup>

Наличие в республике представительств европейских фирм, компаний и совместных предприятий в определенной мере позволяет успешно решать задачи развития приоритетных отраслей экономики. Одной из них является топливно-энергетическая промышленность с ее нефтегазовым сектором. В этой связи правительством республики была выдвинута стратегически важная цель — освободиться от импорта нефти, удовлетворить потребности внутреннего рынка в высококачественных нефтепродуктах и стать их экспортером. Между тем достижение указанной цели требует всемерного увеличения объемов добычи и переработки отечественной нефти и газа, создания новых и модернизации действующих предприятий. В решении этой важной для экономики Узбекистана проблемы большое значение придавалось сотрудничеству с крупнейшими фирмами и компаниями зарубежных стран. Вместе с тем первостепенное значение отводилось их инвестициям, способствующим в той или иной мере ускорению темпов освоения отрасли.

Анализ последних лет развития отечественной нефтегазовой промышленности свидетельствует, что из года в год происходило возрастание объемов вкладываемого капитала иностранных фирм и компаний. В частности, динамика зарубежных инвестиций (при их совокупном объеме) в нефтегазовую отрасль Узбекистана выглядит следующим образом: 1993 г. — 0; 1994 г. — 10; 1995 г. — 365; 1996 г. — 545; 1997 г. — 845 и 1998 г. — 1145 млн. долларов<sup>2</sup>.

Благодаря развитию тесного взаимовыгодного со-

---

<sup>1</sup> Текущий архив Министерства внешнеэкономических связей Республики Узбекистан (далее — ТА МВЭС РУз).

<sup>2</sup> См: Экономика и статистика. 1997. № 10. С. 23.

трудничества с зарубежными фирмами и компаниями, а также их инвестиционной поддержке на территории Узбекистана открыто свыше 150 нефтяных и газовых месторождений, 92 из которых находятся в стадии разработки. И что важно, в 1995 г. впервые в истории Узбекистана была достигнута нефтяная независимость. Со второй половины того же года республика полностью отказалась от импорта всех видов нефтепродуктов. Удовлетворив собственные потребности в них, Узбекистан вышел на мировой рынок в качестве надежного и перспективного экспортера. Особое значение для развития этой отрасли промышленности имели строительство и ввод в эксплуатацию в августе 1997 г. Бухарского нефтеперерабатывающего завода.

Становление в сравнительно небольшой срок Бухарского нефтяного гиганта, безусловно, является результатом активного участия зарубежных партнеров. В финансировании строительства завода наряду с известными японскими, американскими и турецкими банками, компаниями и фирмами принимали участие и французские. В частности, с французской фирмой «Технип» был заключен контракт на строительство технологической части завода. Финансовую поддержку в становлении завода оказали такие банки Франции, как «Креди Коммерциаль де Франс» и «Париба», гарантом его возведения выступило французское страховое общество «Кофас»<sup>1</sup>.

Благодаря сотрудничеству с зарубежными компаниями Узбекистан превратился в независимую нефтяную державу. «Пуск в эксплуатацию нового завода, — отметил И. А. Каримов при его открытии, — обеспечивает не только достижение нефтяной независимости республики, но и открывает широкие перспективы для налаживания и развития внешнеэкономических связей, активного участия Узбекистана на мировых рынках нефти и газа, продуктов их переработки»<sup>2</sup>.

При содействии стран Европейского Союза коренные преобразования происходят также и в легкой промышленности Узбекистана.

---

<sup>1</sup> ТА МВЭС РУз.

<sup>2</sup> Каримов И. А. По пути безопасности и стабильного развития. — Т. 6. — Т.: Узбекистон, 1998. — С. 290.

Современный легкопромышленный комплекс республики — это 19 отраслей, 148 крупных объединений и предприятий, имеющих сеть филиалов, домов моделей одежды, трикотажа и обуви, проектно-конструкторское бюро, сеть фирменной торговли, компании по экспортно-импортным операциям, Легкомбанк<sup>1</sup>.

Одними из главных задач, стоящих перед отраслью, являются создание совместных предприятий и привлечение иностранных инвестиций. Только 16 зарегистрированных совместных предприятий произвели в 1996 г. продукции на 66,7 млн долл.<sup>2</sup>.

Важную роль в перестройке обувной промышленности Узбекистана сыграло и сотрудничество с известной немецкой фирмой «Саламандр». Руководство фирмы, внимательно изучив экономическую ситуацию в Узбекистане, поставило перед собой задачу занять прочную позицию на узбекском рынке и в 1995 г. приступило к созданию в Фергане совместного узбекско-германского предприятия «УзСаламан».

В феврале 1996 г. состоялась презентация СП «УзСаламан», оснащенного современным оборудованием немецкой фирмы «Десма». За первый год работы СП выпустило почти полмиллиона пар обуви различных моделей<sup>3</sup>.

Следует отметить и то, что благодаря усилиям фирмы «Саламандр», ассоциации «Узбеклегпром» и акционерного общества «Фергана-обувь» совместное узбекско-германское предприятие постепенно начало расширять свою сеть. Так, в сентябре 1996 г. была начата подготовительная работа по созданию в г. Чирчике на базе обувной фабрики АО открытого типа «Бахт» СП «Кибо болалар пойафзали», специализирующегося на выпуске детской обуви. Для производства продукции на этом совместном предприятии немецкая фирма «Эвимекс» инвестировала 460 тыс. немецких марок<sup>4</sup>.

При содействии немецких специалистов уже в июне 1997 г. состоялась презентация нового совместного уз-

---

<sup>1</sup> Текущий архив ассоциации «Узбеклегпром». Отдел внешнеэкономических связей (далее ТА А «Узбеклегпром» ОВЭС). — Доклад председателя правления ассоциации «Узбеклегпром». — С. 1.

<sup>2</sup> Там же. — С. 2.

<sup>3</sup> Там же. — Информация о работе с фирмами Германии. — С. 1.

<sup>4</sup> Там же.

бекско-германского предприятия. Его мощность на первом этапе составила 330 тыс. пар обуви в год. В последующие годы выпуск этой продукции был доведен до 450 тыс. пар обуви<sup>1</sup>.

Четкая и качественная работа многих совместных предприятий по производству обуви показывает, что отечественные производители способны на основе современной технологии и оборудования изготавливать высококачественные изделия и конкурировать с аналогичной импортной продукцией, а следовательно, экономить для республики валютные средства.

Последовательный курс на экономические реформы в Узбекистане актуализировал проблему совершенствования телекоммуникационной сети. Сегодня необходимость модернизации средств связи стала для Узбекистана задачей первостепенной важности, так как она представляет собой одно из решающих условий становления основ рыночной экономики.

В реализации этой задачи все более активным становится участие зарубежных партнеров и в первую очередь представителей Германии, Великобритании и Италии. Благодаря сотрудничеству с ними за последние годы в Узбекистане стали активно внедряться сотовая телефонная и пейджинговая связь, цифровые электронные АТС, международные спутниковые системы, электронная почта, передача данных с пакетной коммуникации и многое другое.

Так, широким ходом осуществляются в республике работы по внедрению в телекоммуникационную сеть цифровой технологии. Данная технология передает поток данных по самым современным на сегодняшний день носителям — волоконно-оптическим «трубам», которыми оснащены телекоммуникационные системы всех развитых стран мира. Внедрение цифровой технологии предоставляет возможность осваивать новые формы услуг, а именно — автоматизированное соединение, распознавание речи, система перенаправления входящих вызовов и др.

Внедрением цифровой технологии в Узбекистане занимается хорошо известная в мире германская ком-

---

<sup>1</sup> Там же. — Доклад председателя правления «Узбеклеглапром». — С. 3.

пания «Сименс». В 1994 г. она заключила договор с Министерством связи республики о строительстве четырех станций в Ташкенте и одной — в Самарканде<sup>1</sup>. Итогом совместной работы стало введение станций в эксплуатацию.

Одновременно фирма «Сименс» приняла активное участие и в освоении другого проекта, который был разработан совместно с концерном «Узбектелеком» и Ташкентской городской телефонной сетью. Он предполагает ввод волоконно-оптического кольца общей протяженностью около 100 км, которое должно соединить более 20 АТС в единое целое. В целях реализации проекта, «Сименс» предоставил свой фирменный кредит на сумму 15 млн нем. марок<sup>2</sup>.

К настоящему времени с помощью «Сименс» завершена работа по строительству и вводу в эксплуатацию трансзиатско-европейской линии связи протяженностью 920 км волоконно-оптического кабеля от Ташкента до Бухары<sup>3</sup>. Эта линия соединит Франкфурт-на-Майне с Шанхаем и пройдет по территории 14 стран. В то же время, по оценкам специалистов, для полноценной работы данной системы необходимо осуществить строительство современных междугородних станций. В этом направлении фирма «Сименс» предложила закладку 12 таких станций и выделила около 50 млн нем. марок на создание СП «Удинет», объединяющего совместные усилия фирм Узбекистана, Германии и Италии<sup>4</sup>.

В совершенствовании сферы услуг и оснащении новыми технологиями телекоммуникационной сети Узбекистана активное участие принимают также предприниматели из Англии. В 1995 г. один из крупнейших британских производителей телекоммуникационного оборудования компания «GPT International Holding LTD» совместно с Ташкентским городским производствен-

---

<sup>1</sup> Текущий архив Узбекского агентства почты и телекоммуникаций. Отдел координации международных связей (далее ТА УАПТ ОКМС). — Информация об основных результатах и перспективах сотрудничества с Германией. — С. 2.

<sup>2</sup> Там же. — С. 3.

<sup>3</sup> Там же.

<sup>4</sup> ТА УАПТ ОКМС. Информация об основных результатах и перспективах сотрудничества с Германией. — С. 4, 5.

ным объединением телефонной сети и ратификации (ТГПОТС и РФ) и Ташкентским центром международной электросвязи (ТЦМЭС) создали предприятие «Бузтон».

Совместное узбекско-британское предприятие «Бузтон» — это телекоммуникационная компания, предоставляющая услуги междугородной, международной и местной телефонной связи на базе построенной и введенной в эксплуатацию качественно новой системы цифровой сети<sup>1</sup>.

Телекоммуникационное предприятие «Бузтон» было введено в эксплуатацию в августе 1995 г. В то же время для того, чтобы сеть выполняла свои задачи на качественном уровне и оперативно, специалисты СП «Бузтон» проложили в городе около 30 км оптико-волоконного кабеля, установили соответствующую аппаратуру и таким образом создали сеть скоростных и высококачественных каналов связи. Услугами СП «Бузтон» эффективно пользуются в аэропортах и на вокзалах, а также работники туристических и посреднических фирм<sup>2</sup>.

В русле социально-экономических преобразований особое место в Узбекистане занимает аграрный сектор. В обеспечении его подъема руководство республики придает исключительное значение изучению и использованию зарубежного передового опыта. В этом отношении широко используются возможности программы ТАСИС. К примеру, в Ферганской областной ассоциации фермеров в рамках программы ТАСИС был реализован проект «Служба поддержки фермеров»<sup>3</sup>.

В хозяйствах Ташкентского вилоята с 1997 г. начала свою деятельность по двадцати проектам известная итальянская фирма «ФАТА», главным направлением которой выступила хорошо зарекомендовавшая себя технология «от поля — до прилавка». В то же время, учитывая, что внедрение новых технологий в сельскохозяйственное производство требует специалистов вы-

---

<sup>1</sup> Там же. — Информация о сотрудничестве с Великобританией. — С. 1.

<sup>2</sup> Там же.

<sup>3</sup> Текущий архив Узбекского бюро Комиссии Европейского Союза (далее — ТА Узбюро КЕС). — Информация о проектах программы ТАСИС.

сокого класса, фирмой было принято решение об организации специальных курсов по обучению узбекских дехкан в Италии<sup>1</sup>.

Особое внимание правительство республики уделяет обновлению парка сельскохозяйственных машин. Большую работу в этом направлении проводит Узбекская машинно-испытательная станция, расположенная в Янгиюле. За годы независимости у станции появилась возможность самой устанавливать контакты с зарубежными предпринимателями. Среди них, например, английская фирма по производству сельхозмашин «Массей Фергюссон».

Установив сотрудничество с этой фирмой, Узбекская машинно-испытательная станция впервые начала проводить испытания продукции этой фирмы, изучая технические возможности, а также приспособленность к климатическим и почвенным условиям Узбекистана. Например, в пяти отделениях коллективного фермерского хозяйства «Узбекистон беш йиллиги» Куйчирчикского тумана были осуществлены испытания тракторов серии «339-Т», «6130», «8130» и «9240». Их двигатели приспособлены для работы на дизельном топливе и имеют мощность 90, 120, 155 и 240 л.с., навешанные на них трех-, четырех-, пяти-, семиярусные круговые плуги проводят вспашку на глубину от 25 до 40 сантиметров. И что важно, технику этой фирмы можно использовать на сельхозработах круглый год<sup>2</sup>. Продукция фирмы «Массей Фергюссон» прошла тщательное экспертное испытание в Узбекистане и получила высокую оценку. Было выявлено, в частности, что производительность тракторов и комбайнов этой фирмы значительно превышает производительность тракторов марки Т-4 «Алтай».

Одной из приоритетных задач экономических преобразований в нашей республике является стимулирование развития малого и среднего бизнеса.

Малые и средние предприятия в Узбекистане создаются во всех сферах экономики. К 1997 г. их количество

---

<sup>1</sup> Текущий архив Министерства сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан. — Информация о сотрудничестве с зарубежными фирмами.

<sup>2</sup> Народное слово. 1997. 15 января.



составило более 100 тыс. Кроме того, образовано свыше 19,5 тыс. дехканских (фермерских) хозяйств<sup>1</sup>.

В деле становления и развития частного предпринимательства и малого бизнеса в Узбекистане большую помощь оказывают зарубежные, в том числе западноевропейские, экономические и финансовые структуры. В частности, при содействии Датского технологического института по программе ТАСИС в 1994 г. в Узбекистане был создан Центр деловых связей<sup>2</sup>.

Главной его целью стало содействие развитию малого и частного бизнеса в нашей стране, налаживание широких партнерских связей. Одним из путей решения этой задачи стал широкий сбор и направление необходимой информации в Международный центр делового сотрудничества.

Международный центр делового сотрудничества в целях поддержки малого бизнеса и частного предпринимательства ежегодно проводит сессию Европартенариата, куда съезжаются представители фирм различных стран. Для участия в них Центр деловых связей Узбекистана в соответствии с установленными требованиями осуществляет отбор наиболее подготовленных для сотрудничества фирм. В частности, на сессию Европартенариата, проходившую в июне 1997 г. в Греции, из 68 фирм, подавших заявки, было отобрано только 16<sup>3</sup>. Как положительный факт следует отметить, что в списке участников были представлены фирмы не только из Ташкента и столичной области, но и из Самаркандской, Бухарской, Хорезмской, Сурхандарьинской, Наманганской, Андижанской и Ферганской областей. Процесс формирования класса средних собственников протекает в Узбекистане повсеместно.

В ходе сессии Европартенариата в Греции предприниматели Узбекистана провели в общей сложности 259 встреч с представителями делового мира европейских стран, во время которых состоялся обмен данными, а

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. Т.: Узбекистон, 1997. С. 191.

<sup>2</sup> Центр деловых связей (далее — ЦДС). Ташкент. — Из личной беседы с Генеральным директором ЦДС Ш. М. Ахунджановым.

<sup>3</sup> Там же. — Информация о деятельности по подготовке к участию в Европартенариате. — С. 2.

также были достигнуты договоренности о продолжении сотрудничества.

Отрадно отметить, что участие предпринимателей Узбекистана в работе сессий Европартенариата позволяет ближе познакомиться с возможностями коллег из зарубежных стран, провести широкий диалог и проработать вопросы сотрудничества. Так, частная фирма «Шамс-Навои», участвуя в сессии Европартенариата во Франции в октябре 1997 г., проявила интерес к оборудованию итальянского производства по выпуску мороженого. Стоимость проекта оценивалась в 165 тыс. долл. Центр деловых связей помог предпринимателям из г. Навои в составлении бизнес-плана, оказал необходимую помощь в получении кредита. В настоящее время линия производительностью 50 килограммов мороженого в час успешно функционирует<sup>1</sup>.

Подобным образом проработаны и другие проекты. Джизакская частная фирма «Камолот», в частности, установила линию по производству фруктовых джемов, акционерное общество «Лал микор» развернуло производство макаронных изделий, а фирма «Калдиргоч» закупила линию по очистке и упаковке арахиса<sup>2</sup>.

Таким образом, становление и успешное развитие нового типа отношений между Узбекистаном и странами Европейского Союза, несмотря на их географическую отдаленность, свидетельствует о схожести взглядов и подходов к вопросам взаимовыгодного торгово-экономического сотрудничества. Опыт развития таких отношений убеждает в том, что за сравнительно небольшой срок Узбекистан смог добиться конкретных результатов в своем экономическом развитии. Внедрение современных технологий, отвечающих мировым стандартам, предоставило Узбекистану широкие возможности для полноправного участия в совместном процессе хозяйственной интеграции развитых стран мира.

---

<sup>1</sup> ТА ЦДС. — Информация о деятельности по подготовке к участию в сессии Европартенариата. — С. 2.

<sup>2</sup> ТА ЦДС. — Отчет об участии на сессии Европартенариата во Франции, октябрь 1997 г. — С. 2, 3.

## МАЪНАВИЙ ПОКЛАНИШ ВА МИЛЛИЙ КАДРИЯТЛАРНИНГ ТИКЛАНИШИ

1991 йил 31 августда қўлга киритилган мустақиллик истиқлол ғояларини, аҳамияти ва моҳиятини мафкуравий воситалар орқали омма онгига етказиш зарурати келтириб чиқарди. Ана шундай шароитда Ўзбекистон Мустақиллигининг ташаббускори ва ташкилотчиси Исом Каримов биринчилардан бўлиб жамиятда маънавий покланишни амалга ошириш, эски ақидалардан холи бўлиш зарурлигини, бунинг учун эса миллий истиқлол мафкурасини яратиш лозимлигини куннинг долзарб вазифаси қилиб қўйди. Аслини олганда мазкур муҳим масалани то Президентнинг ўзи долзарб вазифа қилиб кўтармагунча ҳеч ким бу ҳақда жиддий қайғурмади. Бу ўринда 1992 йил 2 июлда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессияси ҳужжатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда Президент мамлакат ҳукумати ўтказаяётган ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишлари, Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ҳақида ахборот берди. Маърузада Президент бозор муносабатларига ўтишда муқаррар тарзда ҳисобга олинадиган ижтимоий онг, ижтимоий тафаккур масаласига катта эътибор берди. Жумладан, у Ўзбекистон республикаси ўз тараққиётининг янги даврига кирганига, кишиларда шубҳасиз янги тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришни талаб қила бошлаганига эътиборни қаратди.

Шўролар даври мафкураси кишилар онгига ижтимоий тенглик, бошқача қилиб айтганда, боқимандалик тушунчасини, яъни яхши ишласам ҳам, ёмон ишласам ҳам давлат барибир боқади, деган мафкурани сингдириб келган эди. Бундай ёндошиш кишиларда ташаббусни бўғиб қўярди. Чунки киши ўзининг самарали меҳнатидан манфаатдор бўлмаса, унда ҳалол меҳнатга интилиш, иш натижаси учун масъулиятни ошириш туйғуси йўқолади. Шунинг учун ҳам Олий Кенгаш X сессиясида чинакам Мустақил Ўзбекистон давлатини барпо қилиш йўлида барчанинг бирлашишига эришиш куннинг долзарб вазифаси қилиб қўйилди. Бундай вазифани эса ҳамма учун муқаддас ҳисобланган миллий

истиқлол мафкураси, мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилган ғоялар орқали уддалаш мумкин эди. «Бугунги кунда халқни яқдил қиладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичида энг улуғи, энг олижаноби — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз, азиз ватандошлар»<sup>1</sup>. — деб мурожаат қилган эди Ислоҳ Каримов сессия қатнашчиларига.

Бу борада 1992 йил 1 сентябрь арафасида Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деб аталган китобнинг нашрдан чиқиши катта воқеа бўлди. У мамлакат маънавий ва сиёсий ҳаётида муҳим қўлланма сифатида кутиб олинди. Тўғри, шу вақтга қадар Ўзбекистонда мустақиллик ҳақида, у ёки бу тарзда гаплар бўлган. Бироқ, мустақилликни қўлга киритиш, унинг назарий, иқтисодий ва маънавий жиҳатлари, истиқлолни мустаҳкамлаш йўллари бу даражада атрофлича талқин қилинмаган эди. Айниқса, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ҳам кимдир ҳис-ҳаяжон билан, баъзилар оғир-вазминлик билан истиқлол ҳақида фикр юритди. Лекин, унинг келажаги, истиқлолни янада мустаҳкамлаш ҳақида бирон бир илмий-таҳлилий асар ёки мақола юзага келмади. Ана шу нуқтаи назардан Ислоҳ Каримовнинг бу асари республикада яратилажак истиқлол мафкураси учун назарий асос, маънавий ҳаёт учун йўл-йўриқ бўлди. Асарнинг «Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари», деб аталган бобида Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта негизга асосланиши, яъни:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш;
- инсон ўз имкониятларини эркин намойиш қилиши;
- ватанпарварлик — истиқлол мафкураси учун асос бўлувчи қоидалар сифатида кўрсатиб берилгани ҳам ушбу фикримизнинг тасдиғидир.

Президент Ислоҳ Каримов бу тамойилларни ишлаб

---

<sup>1</sup> *Ислоҳ Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996, 15-бет.*

чиқишда халқ дунёқараши, яшаш тарзи, жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабати, қолаверса унинг маънавий — руҳий омилларига асосланган. Чунки, шарқда азалдан маънавиятга таяниб яшаш, комилликка интилиш, ҳар томонлама баркамоллик олий қадрият даражасига кўтарилган. Одамларнинг миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқиши ва диний эътиқодидан қатъий назар, ягона ўлчов — инсонни инсонлиги учун улуғлаш, инсон деган муқаддас номга муносиб бўлиш бош мезон қилиб олинган.

Ҳар қандай жамият тараққиёти халқ дунёқарашини ҳисобга олмаса, тараққиёт асослари унинг маънавий қадриятларига, моддий манфаатларига мос келмаса бундай жамият таназзулга учраши табиий. Шунинг учун ҳам Президент Ислом Каримов ўз мамлакати истиқболли ҳақида фикр юритар экан, «Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидадир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар бўйи авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдир»<sup>1</sup>, деган эди. Бу фикрдан англашиладики, Президент мамлакат куч-қудратини халқнинг маънавий камолотида кўради. Шунинг учун ҳам у жамики инсоний фазилатларни такомиллаштириш учун зарур шароит яратишни асосий вазифа қилиб қўяди. Бу бир томондан мустақиллик шароитида эндигина шаклланаётган давлат сиёсатининг нечоғлик инсонпарварлигини кўрсатса, иккинчи томондан давлат раҳбарининг сиёсий-маданий салоҳиятининг нечоғлик юксаклигини, халқ маънавий-руҳий эҳтиёжларини нақадар чуқур ўрганганлигини кўрсатади. Шу билан бирга эса, бу халқ ва ҳокимият интилишларининг муштараклигидан далолат беради.

Мафқурасизлик охир оқибатда одамлар онгида манқурглик, муносабатларида, феъл-атворида андишасиз-

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996, 76—77-бетлар.

лик ва ниҳоят ўзлигини англамаслик иллатларини чуқурлаштиради. Жамиятда эса парокандаликни, беқарорликни келтириб чиқаради.

Умумий гоя атрофида бирлашиш, умумманфаат йўлида бирлашиб курашиш мақсадлар яхлитлигини, интилишлар уйғунлигини кўрсатади. Бу ўзбек халқи учун азалий фазилат, анъанага айланган муқаддас одат.

Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президент Ислом Каримов катта нутқ сўзлаб, миллий мафқурани миллий эҳтиёж даражасига кўтариб, — «Миллий мафкура ҳақида ҳозир кўп гапирамиз. Фикримизни, дунёқарашимизни ўзгартирадиган бу муҳим масалада тезроқ сўздан амалий ишга ўтишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Миллий мафқурани онгимизга сингдирувчи амалий тарбияни йўлга қўймоқ керак.

...мафқуравий масалани ҳал этмасдан, уни амалда тадбиқ этмасдан туриб, Конституция белгилаб берган мақсадларга эришиш, у олдимиздаги қўйган талабларга жавоб бериш мушкул бўлади.

Янги мафқуранинг асл мазмуни — янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир»<sup>1</sup>, — деган фикрни илгари суради. Президентнинг бу кўрсатмаси асосида Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтларида, олий-ўқув юртларида, ижодкор зиёлилар уюшмаларида семинарлар, йиғилишлар, конференциялар, давра суҳбатлари ўтказилди ва уларда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида концепциялар ишлаб чиқиладиган бошланди.

Миллий истиқлол мафқурасига доир фикрлар сиёсий партиялар ва бошқа барча жамоат ташкилотларида, илмий ва ўқув муассасаларида, сиёсий ҳаракатларда ҳам кенг муҳокама қилинди. Уни бутун чоралар билан ҳаётга тадбиқ этиш чоралари кўрилди.

Бироқ, юқорида келтирилганлар жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар, айрим сиёсатшуносларнинг миллий истиқлол мафқураси хусусидаги нуқтаи назарлари ва шахсий қарашлари эди, холос. Ҳали асл маъно-

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Биздан овоз ва обод ватан қолсин. Т., «Ўзбекистон», 1996, 109—110-бетлар.

да истиқлол мафқурасининг назарий жиҳатдан, унинг амалий томонлари дастур шаклида, қўлланма сифатида етарлича очиб берилмаган эди.

Президент Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқлолининг асосий тамойиллари», «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» ва бошқа бир қатор асарларида илгари сурилган қоида ва қарашлари билан дастлабки йилларда маънавий ҳаётда юз берган мафқуравий бўшлиқни тўлдирди, миллий истиқлол мафқурасининг назарий заминини яратди.

Бугунги кунда ушбу китоблар жаҳоннинг кўп мамлакатларида нашр этилди, ўнлаб тилларга таржима қилинди. Уни дунё халқлари ўрганаётганлиги асарнинг илмий қиймати нақадар юксаклигини, ҳам назарий, ҳам амалий хулосалари қатор мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётда янги йўналиш очиб бераётганини кўрсатади. Улар ўзининг ҳаётий фаолиятини Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга бағишлаган ҳар бир фуқарони: у олим бўладими, ишчи-хизматчи ёки деҳқон бўладими, ўз ишига масъулият билан қарашга, ўз фаолиятини таҳлил қилиш, ҳаётий сабоқлар чиқариш руҳида тарбиялайди.

Мустақиллик — мустақил яшаш, мустақил фикрлаш, мустақил интилиш имкониятидир. Бу бевосита онг ва тафаккур билан боғлиқ бўлган, доимий ривожланиб, шаклланиб борадиган ҳаракатдаги ҳодиса. Миллий истиқлол мафқураси айни ана шу мустақил фикрлаш маҳсули, онг ва тафаккур ҳосиласи ҳисобланади.

Демак, миллий онг таъсирида миллий ғоялар яратилади. Ана шу ғоялар асосида миллий мафқура, миллий дунёқараш шаклланади.

Миллий истиқлол мафқураси, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ҳақидаги сиёсий, илмий, назарий, фалсафий, бадий ва диний қарашлар мажмуи, халқни келажакка ишонч, эътиқод руҳида тарбияловчи ғоявий қурол, барча тоифа кишиларини шу мақсад йўлида бирлаштирувчи ғоят қудратли маънавий омил ҳисобланади.

Демак ўзбек халқи бугун ўз Президенти Ислом Каримов сиймосида жаҳонга доно сиёсатдонлар етказиб берувчи, халқлар озодлиги учун толмас курашувчи юртбоши тарбиялаб етказувчи, ақл-заковат эгаси, бағри

кенг, меҳмондўст, меҳнаткаш халқ сифатида танилмоқда. Бундай халқни ўз истиқлол ва тараққиёт йўлидан қайтариб бўлмайди.

Маълумки, 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларида СССР ва Шарқий Европадаги социалистик тузум давлатларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар табиий суръатда Ўзбекистонда демократия ва ошкораликнинг қарор топишига, тарихий ҳақиқатнинг тикланишига олиб келди. Бироқ Ўзбекистон ва унинг меҳнаткаш халқи бу жараёнга етиб келгунига қадар оғир синовларни бошдан кечиришига тўғри келди. Буюк империячилик ғоялари негизда зўравонлик билан ташкил топган тоталитар тузум сиёсий-иқтисодий инқироздан жон талвасасида сўнгги бор Ўзбекистонга ҳамла қилди. Халқнинг азалий, миллий қадриятларига қарши курашни ҳар қачонгидан ҳам кучайтирди.

1986 йил 4 октябрда Ўзбекистон КП МКнинг III Пленуми «Идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари» масаласини муҳокама қилди. Унда реал ҳаётга мос бўлмаган халқнинг миллий ўзлигини англашига зид кўрсатмалар берилди. Жумладан, «Ўтмишни идеаллаштириш, носинфий ва нотарихий ёндошиш шунга олиб келдики, Темур каби феодал золимлар театр саҳналарида, кино экранларида, китоб саҳифаларида шу вақтга қадар кўзга ташланиб турибди, айрим ёзувчиларнинг эътиборида тарих ҳақиқатига зид равишда у инсонпарвар ва узоқни кўра билувчи сиёсатчилар қилиб кўрсатилган. Бу борада типик ўрта асрга хос жиҳатларни кўра олиш учун Пиримқул Қодировда синфий етуклик етишмади. Ёзувчи Бобурнинг ҳақиқий босқинчилик фаолиятларини сезмай, унинг гўё маърифатпарвар подшолиги, нозик дидли лирик тарихчилигига қойил қолиб, эриб кетадию, кўз ёши қилади.

Бундай калтабинлик дастлаб қараганда беозор кўринсада асло бундай эмас. Бундай калтабинлик замирида тарихни қайтадан ёзишга уриниш, патриархал даврни қўмсашни тарғиб қилиш, исломни миллий маданиятнинг хазиначиси қилиб кўрсатишга уриниш ётади<sup>1</sup>», деб таъкидланди юқоридаги Пленумда. Шу қоиладан

<sup>1</sup> «Совет Ўзбекистони». 1984 йил, 5-октябрь.



келиб чиқиб, Пленум «идеология ишидаги мавжуд бузилишлар муросасизлик билан тугатилсин, тарихий ўтмишни идрок қилишда марксча-ленинча методологиядан оғиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга зарба берилсин»<sup>1</sup>. деб кўрсатма берди.

Бундай нотўғри позиция 1987 йил 17 январда Тошкентда бўлиб ўтган жамиятшунос олимларнинг республика Кенгашида ҳам яна бир бор таъкидланди. Кенгаш республика олимларига тарихий воқеа ва ҳодисаларга баҳо беришда партиявий, синфий принциплардан келиб чиқиб ёндошиш кераклигини тавсия қилди. Бироқ бундай тарихий ҳақиқатга зид мафкуравий йўл-йўриқ халқ томонидан маъқулланмади, зиёлиларнинг қаршилигига учради. Орадан бир мунча вақт ўтиб, Республиканинг янги раҳбари Ислоҳ Каримов Ўзбекистон компартияси XXII съездида (1990 й. июнь) шундай деди: «Яқиндагина ўзбек адабиётининг классиги Бобурни баҳолашда тор синфий ёндашув рўй берди. Адиб ижодининг миллий ва умуминсоний аҳамияти камситилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1986 йилда бўлган учинчи Пленумида Бобур шахси таҳқирланиб, у «маърифатли золим» деб тилга олинди. Халқимиз Марказий Қўмита ва жумҳурият ҳукуматининг Навоий, Улуғбек, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий ва халқимизнинг бошқа буюк фарзандлари юбилейларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини жуда руҳланиб кутиб олганлиги бежиз эмас. Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний қадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади. Биз уларнинг бебаҳо меросини халққа, аввало ёшларга етказиш учун барча ишларни қиламиз»<sup>2</sup>. Ўзбекистон янги раҳбариятининг бундай позицияси республикада маънавий покланиш, янгилиниш даврининг бошланиши маънавий инқироздан чиқиш учун дадил қадам эди.

Шундан сўнг адиб Примқул Қодировнинг Бобур ва бобурийлар ҳаётига бағишланган «Юлдузли тунлар» ро-

<sup>1</sup> Ўша манба.

<sup>2</sup> *Ислоҳ Каримов*. Қайта қуришнинг бориши ва асосий йўналишлари, ЎзССРнинг суверенитетини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш вазифалари, мамлакат ва жумҳуриятнинг янги сиёсий системасида ЎзКПнинг ўрни ва мавқеи ҳақида. ЎзКП МКнинг сиёсий марузаси. 1990, 4 июнь. Т., «Ўзбекистон», 70-бет.

мани эълон қилинди, Бобурнинг «Бобурнома»си янги-дан нашр қилинди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Бўрибой Аҳмедов сўз бошиси билан «Шарқ Юлдузи» журналида «Темур тузуклари»нинг эълон қилиниши кенг жамоатчиликни беҳад қувонтирди. Булар, албатта, юртимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимиз шахсига янгича муносабатлар қарор топаётганини кўрсатар эди.

Қарийб бир ярим асрлик мустамлакачилик ўзлигимизни йўқотишга олиб келди. Собиқ марказга сиёсий-иқтисодий ва маънавий қарамлик жумҳурият ижтимоий-сиёсий тараққиёти учун, миллий-маданий, маърифий равнақи учун тўсиқ бўлди. Дарҳақиқат, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб юртимиздаги бебаҳо китоблар, қимматли ёдгорликлар мустамлакачилар томонидан таланди, улар чор генераллари, олим ниқобидаги шахслар томонидан Санкт-Петербургга, Москвага ва дунёнинг кўпгина мамлакатларига олиб кетилди. Бу ҳол мавжуд маданий бойликлардан халқимизнинг баҳраманд бўлиш имкониятини йўқотди. Шу билан бир қаторда бундай ноёб маданий меросни, буюк ёдгорликларни ўрганишни, уларни илмий тадқиқ этишни қийинлаштирди. Эндиликда мамлакат истиқлолга эришгандан сўнг, асрлар давомида ота-боболаримиз яратган бу бойликларни эъзозлаш, авайлаб асраш, ўрганиш ва кўпайтириш имкониятига эга бўлинди.

1991 йили Мир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги барча ҳур фикрли кишилар томонидан кенг нишонланди. Бу тўйга жумҳуриятда катта тайёргарлик кўрилди ва у халқнинг катта маданият байрамига айланди. Аввало буюк шоир асарларини кенг халқ оmmasига етказиш учун муҳим ишлар амалга оширилди. Унинг йигирма жиллик мукамал асарлар тўплами нашр этила бошланди. Бундан ташқари «Лисон ут-тайр», «Сабъаи сайёр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳайрат ул-аброр» сингари шоҳ асарлари алоҳида-алоҳида ҳолда бир неча минг нусхада босмадан чиқарилди. Бир неча илмий-оммабоп асарлар совға китоблар сифатида нашр қилинди.

Юбилей олдидан Алишер Навоийнинг буюк сиймоси ифода этилган саҳна асарлари, кинофильмлар яратилди. Алишер Навоий номида Давлат мукофоти таъсис этилди. Адабиёт институтига Алишер Навоий номи бе-

рилди. Шоир номи берилган Давлат адабиёт музейи янги экспонатлар билан бойитилди. Тошкентда улуғ бобомизнинг муҳташам ва пурвиқор ҳайкали қўйилдики, у халқнинг муқаддас зиёратгоҳига айланди.

Буюк бобоколониимиз Алишер Навоий қолдирган маънавий мерос бугунги кунда янгиланаётган жамиятимизни маънавий юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

1994 йилнинг ҳукумат қарори билан Улуғбек йили деб эълон қилиниши, унинг 600 йиллигини Ўзбекистонда ва жаҳон миқёсида кенг нишонланиши ҳам буюк алломалар қолдирган мерос умуминсоний қадриятга айланганлиги нишонасидир.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ҳар йили Бобур, Машраб, Огаҳий, Фурқат, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир каби улуғ шоир ва маърифатпарварлар кунларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Масалан, 1992 йил май ойида мамлакатимиз пойтахтида бошланган Машрабхонлик кунлари унинг ватани Наманганда кенг нишонланди. Ушбу шаҳарда унинг номи билан аталувчи катта истироҳат боғи барпо этилди.

Биргина шу эмас, халқимизнинг улуғ даҳолари, жаҳон маданияти равнақига катта ҳисса қўшган, инсоният тафаккурида кескин бурилиш ясаган бобоколонлари кунини ҳар йили турли шаклда нишонланади. Ўзбек халқи буюк маданий ва маънавий меросга эга. Энди мустақиллик туфайли ана шу улкан хазинани очиш, уни ўрганиш, ундан баҳраманд бўлиш имконияти тугилди.

Мустақиллик йилларида Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Файзулла Хўжаев, Огаҳий, Ажиниёз, Бердақ, ва бошқа жамоат арбоблари юбилейларини ўтказиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳам маънавий ҳаётдаги муҳим қадамлардир.

Хусусан, ҳукуматнинг махсус қарорига биноан, 1999 йил 17 декабрь кунини Хоразмда Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги, 18 декабрь кунини эса Нукусда Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 175 йиллиги, 1998 йил 24 октябрь кунини эса Фарғонада Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги кенг нишонланди. Юртбошимиз тантана қатнашчиларига йўллаган табрикларида улуғ аждодларимизнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни ниҳоятда бебаҳо эканлиги алоҳида таъкидланган.

Мамлакат маънавий ҳаётини янада яхшилашда 1994 йил 23 апрелда қабул қилган «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу йили 8 июнда эса Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармоннинг ба-жарилишини таъминлашга қаратилган махсус қарор қабул қилди. Унда Марказнинг асосий вазифаси ва фаолият йўналиши қилиб ўзбек халқининг бой маъна-вий-маданий мероси, шарқона ва умуминсоний қадри-ятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилай-диган илғор ғояларни юзага чиқариш, жамиятдаги соғлом кучлар, юксак истеъдод ва тафаккур соҳиблари-нинг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш, миллатлараро дўстлик, ҳамжиҳатликнинг аҳамиятини ошириш, тинчлик ва барқарорликни сақ-лаш, минтақада яшаётган миллатларнинг маданий, маъ-рифий, маънавий тараққиёт томирлари муштарақлиги-ни тарғиб қилиш белгиланди.

Марказ нисбатан қисқа вақт ичида маънавий-маъ-рифий ишларни ташкил этиш юзасидан қимматли тав-сиялар ишлаб чиқди.

Сир эмаски, тараққиёт тақдирини маънавий жиҳат-дан етук одамлар ҳал қилади. Юксак техникавий би-лим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маъ-навий баркамоллик асосидаги мустақил фикрлаш орқали олиб борилиши керак. Ана шундан келиб чиқиб таъкид-лаш лозимки, Президент айтганларидек «Ақлий зако-ват ва руҳий-маънавий салоҳият маърифатли инсон-нинг икки қанотидир».

Ўзбекистон ҳукумати мамлакат истиқболига доир чоралар белгилар экан, унинг энг аввало юксак маъри-фат ва маданият мамлақати бўлиши, шу асосда барча ислохотларнинг маърифий негизини яратиш нуқтаи на-заридан иш тутади. Иқтисодга ҳам, ҳуқуқий ва сиёсий ислохотларга ҳам, шунингдек жаҳон муаммоларини ҳал этиш, уруш ва тинчлик масалаларига ҳам маърифий кўз билан қарайди, юксак маданий ва умуминсоний қадриятлар талаблари асосида ёндашади.

Шу нуқтаи назардан мамлакат раҳбарининг 1996 йил 4 сентябрда «Маънавият ва маърифат» маркази ходимларининг бир гуруҳи билан учрашуви, улар билан дилдан суҳбатлашуви, маънавий ва маданий ҳаётда кат-та воқеадир. Айни чоғда 9 сентябрда «Маънавият ва

маърифат жамоатчилиги маркази фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» яна бир Фармон қабул қилинганлиги ҳам халқнинг маънавиятини янада юксалтиришга, ноёб намуналарни тўплашга, авайлаб-асрашга, кишиларни ўз ватанига чинакам садоқат руҳида тарбиялашга қаратилгандир. 1996 йили сентябрь ойи охирида «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази қошидаги «Олтин Мерос» Халқаро хайрия жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» ҳам Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқдики, уни барча зиёлилар, ижод аҳли зўр мамнуният билан кутиб олди.

Мустақиллик бутун ҳаётимизни ўзгартириб юборди, узлуксиз мудроқликдан уйғотиб, қарашларимизни ўзгартириб юборгани каби маънавиятга муносабатларимизни ҳам янгиледи. Эскича қарашлардан бутунлай қутилмаган, янгилекнинг эса олдида доврираб қолган бир пайтимизда энг тўғри йўлни танлашда, маънавий ва маърифий турмушимиз муаммоларини ҳал этишда яна бош ислоҳотчи — Давлат кўмакка келди ва мамлакат Президенти «Биз маърифат ва маънавиятга тадбиркорлик ва тижорат соҳалари томонидан қилинаётган ҳомийликни қўллаб-қувватлаймиз, бундай ҳомийларга енгиллик бериш лозимлигини ҳам биламиз. Лекин ҳомийлик маблағлари чинакам бадий асарларга, чинакам ижодий тадбирларга сарфланиши шарт.

Халқимизнинг келажаги учун сувдай, ҳаводай зарур бўлган бундай соҳаларга биринчи ва энг катта ҳомий -- давлатнинг ўзи»<sup>1</sup>, деди. Бу моддий жиҳатдан бир мунча қийинчилик сезилаётган бир даврда маънавий ҳаётимизга давлат ғамхўрлигининг ёрқин кўринишидир. Зотан, ҳар йили маънавий ва маърифий равақ учун давлат жамғармасидан катта миқдорда маблағ ажратилаётгани, мазкур тармоқ ташкилий-ижодий ишларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Биргина мисол сифатида шуни айтиш мумкинки, собиқ иттифоқ доирасидаги мамлакатларнинг ҳеч бирида Ўзбекистондагичалик кўп миқдорда дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, дастурлар нашр этилмаган ва оммавий тарздаги тадбирлар амалга оширилмаган.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда миллий маданият

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, Т., «Ўзбекистон», 1996, 36-бет.

ва маънавийат равнақининг кенг миқийёсли дастури мавжудлигини, унга бевосита давлатнинг ўзи ҳукуматнинг раҳнамолик қилаётганини кўрсатади.

Маънавий покланиш Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, тил ижтимоий ҳодиса сифатида жамият равнақи билан узвий боғлиқ бўлиб, миллий, маданий эҳтиёжларни қондирадиган воситадир.

1989 йил 21 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонун халқимиз миллий онгининг ривожланишида, мамлакат мустақиллигининг мустаҳкамланишида, маданий мероснинг тикланиши ва жамиятнинг маънавий янгиланишида муҳим роль ўйнади.

Қонуннинг ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериш тўғрисидаги қондалари кейинроқ, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, бу кўпчилик аҳолининг, республикада яшовчи барча миллат ва элатларнинг намояндалари томонидан маъқулланди ва қўллаб-қувватланди.

Давлат тили республика ижтимоий ҳаётига чуқурроқ кириб борди. Айни пайтда бошқа миллий тилларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун шароитлар яратилди.

Бу собитқадам йўл 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунда ва 1995 йил май ойида Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги Қонунда ҳамда Олий Мажлиснинг 1995 йил 22 декабрдаги сессиясида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг янги таҳририда мустаҳкамланди ва ривожлантирилди.

Мазкур қонунлар ўзбек тилининг Давлат тили сифатидаги мақомининг мустаҳкамланиши, мамлакатнинг ҳар тарафлама камол топиши ва жаҳон коммуникация тизимига кириши учун анча қулай шарт-шароит яратиб берди.

Мазкур қонунларни ишлаб чиқиш жараёнида тўпланган тажриба ҳар тарафлама умумлаштирилди ва таҳлил

этилди, Давлат тилига ўтиш бўйича қилинган ишлар ҳолис баҳоланди. Пухта ўйлаб, реал жараёнлар ва имкониятларни ҳисобга олиб, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини узил-кесил жорий этишни 2005 йилгача босқичма-босқич амалга ошириб боришга қарор қилинди.

Бугун биз мустақиллик моҳиятини, унинг жамият тараққиётида тутган ўрни ҳамда халқ турмушидаги беқиёс аҳамиятини улуг бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур орқали яна ҳам чуқурроқ англамоқдамиз.

Совет даврида тоталитар тузум Амир Темурга, у орқали ўзбек халқига нисбатан таҳқирлаш сиёсатини олиб борган бир пайтда, хорижда бу беназир зотга бағишланган кўплаб илмий, илмий-оммабоп, бадиий, санъат асарлари яратилди, халқаро анжуманлар ўтказилди, унинг номи билан боғлиқ оммавий ташкилотлар тузилди, музейлар очилди. Давр ва шароит нечоғлиқ оғир, шафқатсиз бўлмасин, ўзбек халқи ҳеч қачон ўтмишини, унинг буюк сиймоларини ёддан чиқармади, қалб кўрида сақлаб келди.

Бундан 600 йилча бурун Испаниянинг машҳур ўғлони Руи Гонзалес де Клавихо дўстлик элчиси мақомида Самарқандга ташриф буюриб, ватанига қайтгач, юртимиз ҳақида ўз таассуротларини эълон қилган эди. Ўшанда нафақат Испания, балки бутун Европа Клавихо асари орқали Туркистон ва унинг маданияти борасидаги ўз тасаввурларини янада бойитиш имкониятига эга бўлганди. Тақдир тақозоси билан орадан деярли олти аср ўтиб, Испаниянинг бошқа бир ўғлони — Федерико Майор маърифат, илм ва маданиятнинг халқаро миқёсдаги ҳомийси ва ҳимоячисига айланган ЮНЕСКОга раҳбар бўлиб, Ўзбекистоннинг бой тарихини, унинг умуминсоний қадриятларини, буюк ажлодларини жаҳонга танитишга салмоқли ҳисса қўшди.

1996 йил декабрда Ислом Каримов «1996 йилни Амир Темур йили» деб аташ тўғрисида Фармон қабул қилди. «Темур тузуклари» бир неча тилларда чоп этилди. Ўша давр тарихий маданий ёдгорликлари тикланиб, ёзма адабиётлар илмий муомалага киритилди.

Муқаддас қадамжо — Амир Темур мақбараси таъмирланди. Жуда қисқа фурсатда, бобокалонимизнинг дунёвий шаъни ва шавкатига мос келадиган Темурийлар музейи қурилди. 1996 йилнинг 22—24 апрель кунла-

ри ЮНЕСКО доирасида Парижда ўтказилган халқаро тадбирлар жаҳон маданий ҳаётида муҳим ва ёрқин воқеа сифатида баҳоланди. Туркия, Эрон ва Қирғизистонда Конрад Аденауэр ва Халқаро Амир Темур жамғармаси ҳамкорлигида илмий анжуманлар ўтказилди. Булар моҳият эътибори билан бевосита Ўзбекистон давлати ва халқининг миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган ички ва ташқи сиёсатининг яхлит мазмунини белгилайди.

Амир Темур сиёсатшунослик ва давлатчилик тажрибасида янги дунёқарашга асос солди, уни амалда татбиқ этди. У илгариги даврлардан фарқли ҳолда жамият барча табақаларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини инобатга олиб, уларнинг ҳаёти учун зарур ижтимоий заминни вужудга келтирди. Ҳар бир тоифанинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари ўзига хос қонун билан кафолатлаб қўйилди.

Соҳибқироннинг улкан хизматларидан яна бири унинг давлат бошқарувини ташкил қилиши билан боғлиқ. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳокимият бўлинишига асосланган мазкур тизимни жорий этишда Соҳибқирон кўр-кўрона эмас, балки ўзи яшаб турган воқеликни назарда тутган ҳолда иш юритди.

Амир Темур энг олий давлат идораси мақомида қурултойни белгилаган эди. Бугунги тушунчадаги конгресс, ассамблея, мажлис, съезд кабиларга тўғри келадиган ушбу сиёсий институт бошқарув маҳкамаси ва давлат аҳамиятига молик бўлган энг асосий масалаларни ҳал этиб, унда салтанатдаги барча йирик сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий соҳа намояндалари иштирок этганлар.

Дунё меъморчилиқ санъатининг гултожи бўлган осори атиқалар — Гўри Амир, Бибихоним, Занги Ота, Хожа Аҳмад Яссавий мақбаралари Оқ сарой ва Шоҳи Зинда мажмуалари каби кўплаб зиёратгоҳлар ҳамда Амир Темурнинг шариат ва тариқат пешволарига нисбатан иззат-ҳурмати унинг шахсиятининг нақадар улуғворлигини ва даҳолик қудратини кўрсатади.

Амир Темурнинг санъат ва маданиятга ҳомийлиги, мамлакат ободончилиги учун ғамхўрлиги, инсонни табиатнинг гултожи сифатида эъзозлашга интилиш сингари хусусиятлари бугун ҳам катта қийматга эга.

Соҳибқирон «Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини



қувватладим»<sup>1</sup> — дейди. Маълумки, шу даврда яссавия, нақшбандия, кубровия каби сўфийлик тариқатлари пайдо бўлди ва ривожланди. У ҳукмронлик қилган йилларда ислом дини ахлоқий категориялари янада юқори даражага кўтарилди.

Хурфикрлик, фуқаролар онги ва тафаккурида бунёдкорлик, ижодкорлик, истиқбол учун курашиш туйғусини шакллантириш инсонпарвар жамиятнинг олий фазилатидир. Бу борада ҳам Соҳибқироннинг саъий-ҳаракатлари ва тадбирлари биз учун ўрнақдир.

Шунинг учун ҳам Президентимиз 1999 йил 5 ноябрда Хоразмда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Соҳибқироннинг миллий давлатчилигимиз тарихида тутган ўрни ҳақида тўхталиб шундай деган эдилар: «Орадан бир аср ўтиб, соҳибқирон Амир Темуր Жалолиддин Мангуберди бошлаган озодлик курашини янги шароит ва улкан миқёсларда давом эттирди. Они юртимизни босқинчилардан халос қилиб, марказлашган қудратли давлат барпо этди»<sup>2</sup>. Дарҳақиқат, «Амир Темури бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, гуруримиз!»<sup>3</sup>

Амир Темури таваллудининг 660 йиллиги жаҳоннинг 50 дан ортиқ давлатларида нишонлангани, улуғ бобокалонимиз меросини ўрганишга бағишланган халқаро илмий анжуманда 30 га яқин мамлакат олимлари иштирок этгани бунга яна бир бор тасдиқлайди.

Амир Темури ҳазратлари 660 йиллик тўйининг 1996 йил 21—24 апрель кунлари Франция пойтахти, жаҳон маданияти сарвари бўлган Париж шаҳрида ЮНЕСКО ташаббуси ва раҳбарлигида нишонланиши, унда Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг иштирок этиши ва катта нутқ сўзлаши улкан воқеага айланди.

ЮНЕСКО қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзуида халқаро конференция ва кўргазма уюштирилди. Ўзбек санъат усталари Париждаги «Одсон» театри ва ЮНЕСКО қароргоҳида катта концерт дастурларини намойиш этишди.

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т., «Ўзбекистон», 1997, 189-бет.

<sup>2</sup> «Фидокор» газетаси, 1999 йил 9 ноябрь.

<sup>3</sup> *Ислом Каримов*. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т., «Ўзбекистон», 1997, 191-бет.

Париж ва ЮНЕСКО доирасида бутун дунё уни беқиёс завқу шавқ, олқишлар билан кутиб олди.

ЮНЕСКО бош директори Ф. Майор мазкур ташкилот Кенгашининг 149-сессиясида Ўзбекистон Президентига сўз бера туриб, ўзбек халқи, унинг кўп минг йиллик маданиятини астойдил яхши кўриб қолганини, шундай машаққатли ўтиш даврида мамлакатни бошқараётган инсон иродасига қойил қолмай иложи йўқлигини алоҳида таъкидлаган эди.

ЮНЕСКО амалга ошираётган «Ипак йўли — мулоқот йўли» номли халқаро дастур ҳам аслида ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президенти ЮНЕСКО Кенгаши 149-сессиясининг ялпи мажлисида сўзлаган нутқида Ўзбекистон бу дастурни тўла қўллаб-қувватлашини маълум қилган эди. Барча халқлар маданияти, ўтмиши, ўзига хос яшаш тарзини бирдай ардоқлаб келаётган мазкур ташкилот фаолиятига юқори баҳо берди. Бугунги тараққиёт суръати кўп жиҳатдан хилма-хил маданиятлар ва ақл-заковат интеграциясига бевосита боғлиқ эканини қайд этди. Бу Ўзбекистоннинг жаҳон тараққиётига ўзига хос муносабатини, чуқур маънавий қадриятини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур маросимда Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, Марказий Осиё халқлари маданиятини қайта тиклаш ва тарғиб қилишдаги буюк хизматлари учун ЮНЕСКО бош директори Ф. Майорга «Дўстлик» орденини топширди. Франциялик машҳур олим, Темур ва темурийлар ҳукмронлиги йиллари тарихининг зукко билимдони, Ўзбекистон ва Франция маданиятларини ўзаро яқинлаштириш ишининг жонкуяри профессор Л. Керэн жаноблари «Шухрат» медали билан мукофотланди.

ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида ўша куни яна бир муҳим қадам қўйилди. Ўша куни Ўзбекистон ҳукумати ва ЮНЕСКО ўртасида имзоланган битим фақат маданият, илм-фан ва маориф соҳалари муаммолари билан чекланиб қолмайди. У мавжуд экологик, хусусан, Орол денгизи қуриши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг илмий ечимини топишни ҳам назарда тутиши билан қимматлидир. Битимга кўра, кўп ўтмай Тошкентда ЮНЕСКОнинг ваколатхонаси очилди. Қолавер-

са, мазкур халқаро ташкилотнинг 1997 йили Бухоро<sup>1</sup> ва Хива<sup>2</sup> шаҳарларининг 2500 йиллигини нишонлаш тўғрисида қабул қилган қарори ҳам минтақа халқлари маданий ҳаётида яна бир тарихий воқеа бўлди.

Ўзбекистон Президентининг Франция Президенти билан Елисей саройидаги дастлабки учрашуви режада кўзда тутилганидан деярли икки баробар кўп давом этгани қалблар яқинлигини, туйғулар муштараклигини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг дунё сиёсатида ҳам, иқтисодиётида ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турган Франция Республикаси билан халқаро ташкилотлар, шунингдек, Европа тузилмалари доирасида ҳамкорликни кенгайтириши ва чуқурлаштириши алоҳида аҳамиятга эга.

1996 йилнинг 18 октябрь куни мамлакатимиз пойтахти қадимий Тошкентнинг қоқ марказида тонг-сахарда Қуръон тиловати олис-олисларга таралди. Улуғ бобокалонимиз, буюк давлат арбоби ва енгилмас саркарда Амир Темур ёди хотирасига атаб Шарқ миллий меъморчилигининг ноёб ва мўъжизавий намунаси сифатида бунёд этилган — Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиш маросими ана шундан бошланди. Мингминглаб кишилар — тошкентликлар, мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган меҳмонлар, хорижий элчи-хоналар ва ваколатхоналарнинг вакиллари ҳозир бўлишди. Уламои киромларнинг фотиҳаси билан қўйлар сўйилиб, қурбонлик қилинди. Миллий удумларимизга кўра Қуръони каримдан оятлар ўқилди, Соҳибқирон руҳига дуои фотиҳалар қилинди. Бир неча минг кишилик дастурхонга ош тортилди. Мумтоз қўшиқлар ижро этилди. Сўнгра музей очилишига бағишланган тантанали митинг бошланди. Президент Ислом Каримов йиғилганлар олдида катта нутқ сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари мухташам музейнинг қисқа вақтда қуриб битказилгани ва ноёб тарихий экспонатлар билан жиҳозлангани бобокалонимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром рамзи, маданий ҳаёти-миздаги улкан воқеа эканлигини айтиб, «Буюк шахс-

---

<sup>1</sup> Қ а р а н г: «Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 1996 йил, 3 январь, № 6.

<sup>2</sup> Қ а р а н г: «Хива шаҳрининг 2500 йиллиги юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 1996 йил, 3 январь, № 5.

ларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб Соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади.»<sup>1</sup> — деди.

Байрам тантаналари музей саҳнига уланиб кетган Амир Темур хиёбонида давом этди. Президентимиз хиёбондаги Соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Давлат ва ҳукумат раҳбарлари, фан, маданият, адабиёт ва санъат намоёндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, нуруний отахонлар ва онахонлар, жамоатчилик вакиллари ҳам маросимда иштирок этишди.

Улуғ аждодимиз руҳини хотирлаш темурийлар давлатининг пойтахти Самарқандда алоҳида шукуҳ ва жозиба касб этди.

Соҳибқирон юбилейига тайёргарлик жараёнида самарқандликлар ўнлаб тарихий обидаларни, осори атиқаларни таъмирладилар, уларни қайта тикладилар, мумтоз бобомиз номи билан боғлиқ қадамжоларни обод этдилар. Янги иншоотлар қурилди, боғлар барпо қилинди. Шаҳар марказидаги кўркем Амир Темур майдони Самарқанд сайқалига сайқал қўшди.

Давлатимиз раҳбари ана шу майдонда қад кўтарган Соҳибқироннинг ҳайкалини тантанали равишда очди. Йиғилганлар кўз ўнгида ҳамиша музаффар ва ғолиб Амир Темурнинг салобат ва улуғворлик билан тахтада ўтирган сиймоси гавдаланди. Қалбларни ларзага келтирадиган ҳаяжонли вазиятда Ўзбекистон давлат мадҳияси янгради.

Тантаналар пайтида Президентимиз Самарқанд шаҳрига «Амир Темур» орденини топширди. У шаҳар аҳлини мукофот билан қутлаб, Соҳибқирон таваллуди байрами кунларида шаҳарга биринчи рақамли орден топширилиши рамзий маънога эга тарихий воқеа эканлигини таъкидлаб ушбу унутилмас кун — 18 октябрни «Самарқанд кун» деб эълон этишни таклиф қилди. Йиғилганлар бу таклифни мамнуният билан қарши олдилар.

Самарқанд ва Соҳибқирон... Бу икки мўътабар тунунча хусусида гапирар экан. Президент катта фахру ифтихор билан — «Қачонки, биз Амир Темур ҳазратла-

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т., «Ўзбекистон», 1997. 167-бет.

рини ёд этар эканмиз, Соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз.

Чунки, Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

... Самарқанднинг мовий гумбазлари, осмонўпар миноралари, улардаги бетакрор ранглар, олам-олам мазмунга эга нақшу нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб, қадр-қимматимизни билиб яшашга ундайди»<sup>1</sup>, — деди.

Ўша муборак кун Қашқадарё воҳасида, хусусан Шаҳрисабз — қадимий Кеш шаҳрида тарихий кун бўлди, десак муболаға бўлмайди. Бу мўътабар тупроқ бобокалонимизга бешик бўлган, уни вояга етказган ота макон. Ҳазрати Темур ўз олдига улуғвор мақсадларни қўйганида, аввало, ўз элига, ўз она юрти — Кешга ишонган ва унга таянган.

Ўзбекистон Президенти шу куни Шаҳрисабзга ҳам ташриф буюрди. Қадимий Оқсарой ҳовлисига уланиб кетган улкан майдон байрамона безатилган. Унинг марказида Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали ўрнатилган.

Ватанимиз мадҳиясининг тантанавор оҳанглари остида Ислоҳ Каримов рамзий лентани қирқиб, Соҳибқирон ҳайкалинини очди. Президент ҳайкал пойига гулчамбар қўйди. Майдонда йиғилган жамоат олдида Шаҳрисабз шаҳри байроғига «Амир Темур» орденини қадаб қўйди ва катта нутқ сўзлади. «Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Бутун Шарқ оламида «илму адаб қуббаси» дея эътироф этилган Шаҳрисабз ҳазрати Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир. Биз Соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйинини ўтказаяётган шу кунларда энг аввал бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига ва табаррук заминга таъзим қиламиз»<sup>2</sup>, — деб таъкидлади у. Бу сўзлар халқимизнинг эзгу туйғуларини ўзида мужассам этади.

Мустақиллик даври том маънода ҳазрати Темурнинг қайта туғилиш даври бўлди. У бобокалонимиз васиятларининг рўёбга чиқаётгани билан алоҳида қимматлидир. Амир Темурга муносабат, унинг тарихий хизматини

<sup>1</sup> *Ислоҳ Каримов*. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т., «Ўзбекистон», 1997, 171—172-бетлар.

<sup>2</sup> *Ислоҳ Каримов*. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т., «Ўзбекистон», 1997, 176-бет.

муносиб баҳолаш ва иззатини ўрнига қўйишда шахсан Президент И. Каримовнинг ўзи ташаббускор бўлди. Барча тадбирларнинг боришини кузатиб малад бериб турди. Соҳибқирон кунларини дунёвий воқеага айлантиришга бутун имкониятини ишга солди.

Халқ турмуш тарзи ва маънавиятининг таркибий қисмини унинг азалий удумлари, одат, маросим ва байрамлари ташкил қилади. Шу боис мустақиллик йилларида амалга оширилган маънавий тикланиш ҳақида гапирганда халқнинг азалий қадриятларини тиклаш борасида олиб борилган ишларни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу борала аввало 80-йиллар охиридаги баъзи ноқобил йўл-йўриқларни кўрсатиб ўтиш керак. 1986 йил январь-февралда Ўзбекистон компартиясининг XXI съезди бўлди. Съездда «дин миллатчилик ва шовинизмга ҳар доим йўл очишини иқтисодий, социал тараққиётга тўсқинлик қилишини, социалистик турмуш тарзи, коммунистик маънавиятнинг қарор топишига тўсқинлик қилишини ҳар доим эсда тутмоқ керак» — деб кўрсатма берилди. Бундай йўл-йўриқ 1986 йил октябрь ойида бўлган партия Марказий Комитетининг III Пленумида яна бир бор таъкидланди.

Ана шу кўрсатмаларга амал қилиниб 80-йиллар ўрталарида ўзбек халқи азалдан севиб, ардоқлаб келган урф-одатлар ва маросимлар, байрамлар чеклаб қўйилди, баъзиларининг ўрнига бошқа байрамлар ва маросимлар тўқиб чиқарилди. Натижада авваллари нишонланадиган «Ҳосил байрами», «Қовун сайли», «Гул сайли» ва бошқа халқ байрамлари унутиб қўйилди. «Наврўз» байрами эса аввал таъқиқланди, сўнг сунъий тарзда «Навбаҳор» байрамига айлантирилди.

Ўйламай, халқ билан маслаҳатлашмасдан қилинган бундай ноҳўя ҳаракатлар халқнинг дилини қаттиқ огритди. Ана шундай бир пайтда Республика раҳбарлигига келган Ислом Каримов кишиларнинг маънавий бойишига, миллий маданиятларнинг бир-бири билан яқинлашуви ва ўзаро ривожланишига ёрдам берадиган халқ анъаналари ва байрамларини тиклашга катта эътибор берди. Бу ўринда халқимизнинг азалий қадрияти, сеvimли байрами ҳисобланмиш «Наврўз» байрамини халқимизга қайтиб берилиши мамлакат тарихида катта воқеа бўлди. Маълумки, Ўзбекистонда Президент та-

шаббуси билан «Наврӯз» байрамини умумхалқ шоднёнасига айлантириш борасида бир қатор талбирлар қўрилди. Хусусан, 1991 йил 21 март Президент Фармонига кўра, умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

«Наврӯзнинг байрам қилиниши теран халқ анъаналари, ерга ва табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, деҳқон меҳнатини ҳурмат қилиш, одамларнинг тинчликка ва яхши қўшничиликка, меҳр-мурувватга ва бошқаларнинг дардига малҳам бўлишга интилишлари тикланишнинг қудратли омили бўлди. «Наврӯз» халқ байрамининг инсоний ва байналмиал моҳияти ҳам худди ана шундадир»<sup>1</sup> — дейилади Ўзбекистон Президентининг «Наврӯз халқ байрамини ўтказиш яқунлари тўғрисида»ги Фармонида.

Ҳар бир жамоа, муассасада нишонланадиган бундай байрамлар, кишиларда халқимизнинг қадимий анъаналарига ҳурмат, меҳнатга муҳаббат ҳиссини тарбиялайди. Бундан ташқари маънавий ҳаётдаги яна бир талай, аниқроғи диний байрамлар, ҳайит кунларининг республикада умумхалқ байрами сифатида нишонланиши учун кенг йўл очилгани ҳам маънавий покланишнинг муҳим кўринишидир. Сир эмаски, шўро тузуми шароитида қарийб 70 йил давомида «дин афюндир» деган коммунистик шиор ҳукм суриб, диндорнинг маънавий ҳуқуқи чекланган эди.

Европалик алломалардан бири «Нур — Шарқдан-дир», деган экан. Буни ҳар хил талқин этиш мумкин. Биров уни куёшнинг Шарқдан чиқишига йўйса, бошқа биров мижозий маънода эзгуликлар, оламнинг янгила-ниши, ҳаёт тараққиёти Шарқдан, деб тушунади.

Бизнинг гасавури-мизча, ҳар икки ҳолатда ҳам Нур — Шарқдан-дир.

Шарқдан таралган илм-маърифат дунёни мунаввар этгани, инсоният тарихида, одамзот тақдирида буюк ўзгаришларга сабаб бўлгани сир эмас. Шарқнинг ажралмас қисми бўлмиш гўзал диёримиз халқлари ҳаётида, уларнинг онг ва тафаккури шаклланишида дунёвий илмлар қаторида ислом динининг алоҳида ўрни бор. Бу

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, «Хабарнома», 1-сон, 13-бет, Т., 1991. (Яна қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ведомостлари, 1990, 30 сентябрь, 25—27-сонлар (1174), 9-бет.

илоҳий таълимот оламни англаш, дунёвий тафаккур, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни идрок этиш борасида беқиёс аҳамиятга эга.

Агар биз босиб ўтилган истиқлол йўлимизга бир назар ташлайдиган бўлсак, озодликнинг илк онларидан бошлабоқ динга муносабат, давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни тўғри йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бу сиёсат моҳияти илк марта Президентнинг қуйидаги фикрларида аниқ-равшан белгилаб берилган эди:

«Дин одамзотни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Бу дунёнинг ўткинчи эканини таъкидлаб, одам боласини ҳушёр бўлишга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради.

... Ҳамма аҳил, ҳамма покиза бўлиб яшасин, кимнинг фазилати қанча, кимнинг гуноҳи қанча эканини Яратганнинг ўзи ажрим қилиб беради»<sup>1</sup>.

Қачонки киши ўзлигини англамаса, ўз виждони билан юзма-юз турмаса, иймон ва эътиқод олдида ҳисоб бермаса, қўшниси, маҳалласи, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини ҳис этмаса, бундай одам инсонлик шарафига муносиб бўлмайди.

Президент Ислом Каримов ва унинг бошчилигидаги ҳукумат ана шундай мураккаб ва оғир шароитда ўз халқининг дардига қулоқ солиш, унинг муаммоларини зудлик билан ҳал қилиш орқалигина мамлакатни танглик ва бўҳрондан олиб чиқиш мумкинлигини англаб етди ва бу мушкул вазифани адо этишга қатъият ва шижоат билан киришди.

Мусулмон ҳаётидаги қутлуғ саноалар — Курбон ва Рамазон<sup>2</sup> ҳайитларининг биринчи куни бундан буён доимий суръатда байрам қилиш ва уларни дам олиш кунлари деб эълон қилиниши ҳам айнан халқимиз кўнглидаги иш бўлди.

Эл-улус ўзининг янги етакчиси амалга ошираётган халқпарвар сиёсатни қўллаб-қувватлай бошлади.

Бу борада ислом оламининг забардаст алломалари — ватандошларимиз имом Абу Исо ат-Термизийнинг 1200

<sup>1</sup> *Ислом Каримов* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996, 26—27-бетлар.

<sup>2</sup> 1992 йил 27 мартда Ўзбекистон Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида» Фармони эълон қилинди.



йиллиги, Маҳмуд аз-Замаҳшарийнинг 920 йиллиги. Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги ва Хожа Аҳрори Валийнинг 600 йиллиги, Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллиги кенг кўламда нишонланиши юртимизда иймон, дину диёнат қайтадан юксалаётганига ёрқин дадил бўлди. Бу азиз ва мукаррам зотларнинг бебаҳо асарлари қайта чоп этилди, номлари абадийлаштирилди.

Жамият аъзоларининг виждон эркинлигини таъминлаш, уларнинг ўз диний маросим ва урф-одатларини адо этишлари учун барча зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Янгидан-янги масжид ва мадрасалар қуриш, эскиларини тиклаш-таъмирлаш бўйича улкан тadbирлар амалга оширилди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Агар 1988 йилда 88 та, 1989 йилда 90 та масжид бўлган бўлса, айти пайтда мамлакатимизда 5 мингга яқин масжид фаолият кўрсатмоқда.

Диний асарларни нашр этиш кескин суратда ошди. Мустақиллик шарофати билан «Ислом нури» ҳафтано-маси дунёга келди, кўплаб диний-ахлоқий адабиётлар чоп этила бошланди. Жумладан, имом Бухорийнинг тўрт жилдан иборат, имом Термизийнинг бир жилдли Ҳадис китоблари, бошқа алломаларнинг қатор асарлари юз минглаб нусхаларда чоп этилди. Қуръони карим саккиз марта, жами бир миллион нусхада нашр этилди. Бу муқаддас китоб юртимизда илк бор Алоуддин Мансур томонидан ўзбек тилига таржима қилинди ва уч марта, жами 300 минг нусхада босмадан чиқарилди. Бундан ташқари, ҳадис ва шаърий илмларга доир кўпгина асарлар она тилимизга ўгирилди ва минг-минглаб нусхаларда чоп этилди.

Айти пайтда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятида камида биттадан диний мадраса, Тошкент шаҳрида эса Тошкент Ислом Университети, Халқаро Ислом тадқиқотлар маркази, Имом Бухорий номидаги Ислом маъҳади, Эшон Бобоҳон номидаги аёллар мадрасаси, Абулқосим ва Кўкалдош мадрасалари ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 майдаги қарори билан Тошкент шаҳрида ислом таълимоти ва фалсафасини, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур ўрганиш

мақсадида Халқаро ислом тадқиқот маркази ташкил этилди.

Ўзбекистон мусулмонлари эркинлик ва имкониятларга эга бўлмоқдалар. Улар бевосита ҳукумат ёрдамида ҳар йили муқаддас Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имкониятига эришдилар. Ҳозиргача 17 мингдан зиёд ҳамюртларимиз ана шу муқаддас қадамжоларни тавоф қилиб қайтиш шарафига ноил бўлдилар. Биргина 1996 йилнинг ўзида 3 минг 700 га яқин мусулмонлар Маккаи мунаввара ва Мадинаи мукаррамага сафар қилдилар.

Президент Ислам Каримов 1992 йили Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд ибн Абдул Азиз ас-Сауд таклифига биноан ушбу мамлакатда бўлди. Подшоҳ олий мартабали меҳмонни катта обрў ва иззат-икром билан кутиб олди, ҳамда, кисво — муборак Каъба узра ёпилган ёпинчиқни ҳадя этди. Албатта, бу қутлуг ҳадя диёримиз мусулмонларининг ислом тараққиётига қўшган оламшумул ҳиссалари, айни вақтда Президентимизнинг юртимизда исломий арконларни тиклаш борасида амалга ошираётган улкан хизматлари учун ўзига хос бир эҳтиром рамзи эди. Бундай табарруқ совға жуда камдан-кам одамларгагина насиб этади. Ўз навбатида давлатимиз раҳбари бу муқаддас каъбапўшни мамлакатимиздагина эмас, балки, бутун мусулмон дунёсида машҳур қадамжо-зиёратгоҳ ҳисобланувчи Муҳаммад Исмоил Бухорийнинг Самарқанд вилоятидаги масжид-мақбарасига тортиқ қилди. Бунинг теран тарихий-рамзий маъноси бор.

Мамлакат раҳбарининг диний масалаларга муносабатининг инсонпарварлик мазмуни шундаки, у динни юксак маданият ва маънавият қуроли, беқиёс ахлоқ, мактаби сифатида баҳолайди:

«Кўҳна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган. Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, минтақа, бир сўз билан айтганда, умум халққа раҳнамо бўлган. Уни оғир-оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват, ўз навбатида одамларга куч-қувват бағишлаган, иродасини мустаҳкам қилган, бир-бирига меҳру-оқибатини оширган.

... дин халқ маънавиятининг, маърифатининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан. бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз керак».<sup>1</sup>

Кўп миллатли мамлакатда динга муносабатнинг ўзига-хос томонлари бор. Айниқса, миллатлараро барқарор сақлаш ва ривожлантиришда дин омили муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда Ўзбекистонда ислом дини билан бир қаторда православлар, баптистлар, яҳудийлар, адвентистлар, католиклар, лютеранлар, баҳоичилар, кришнаитлар, буддистлар, пятидесятниклар, Иегова худоси шоҳидлари, янги ҳавворийлар, христиан-нресвиториантлар сингари бир қанча дин ва мазҳаблар мавжуд. Улардан ҳар бирининг ўзига тартибқоидалари, муайян диний қавмнинг ҳаёт тарзи ва дунёқарashi, талаб ва эҳтиёжлари мавжуд. Ана шундай хилма-хилликдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида:

«Хамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга», деган қоида киритилган (31-модда). Бу Ўзбекистон ҳукумати ва унинг давлат бошлиғи олиб бораётган сиёсий йўлнинг қонуний асосидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископ Владимирнинг Свято-Успенский кафедрал собори қошида диний-маъмурий марказ ташкил этилди ва 1996 йил ноябрь ойида Епархиянинг 125 йиллигини кенг нишонланди.

130 га яқин миллат ва элат истиқомат қилаётган, аҳолисининг руҳий ва маънавий эҳтиёжлари ранг-баранг бўлган Ўзбекистондай мамлакатда тили, миллати, ирқи, дини, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, инсонни улуглаш давлат сиёсатининг бош йўналишидир. 1992 йилнинг 6 ноябрь куни Термизда ўтказилган «Алпомиш»<sup>2</sup> достони яратилганлигининг 1000 йиллигини

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т., «Ўзбекистон», 1996, 40-бет.

<sup>2</sup> «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 1998 йил, 13 январь, № 17.

ЮНЕСКО ижроия қўмитасининг махсус қарорига биноан халқаро миқёсда кенг нишонланиши миллий урф-одатлар, қадриятлар ва анъаналар тикланишининг энг олий чўққиси деб айтишимиз мумкин.

Табийки, маънавий руҳий покланиш, қадриятларнинг тикланиши бир кунда бўладиган жараён эмас, балки у биздан мунтазам равишда изчиллик билан иш олиб боришимизни талаб этади. Куни кеча «Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг чиқарган қарори фикримизнинг яққол исботидир<sup>1</sup>.

Шундай қилиб истиқлол йилларида мамлакатда юксак маърифий-маданий жамият қуриш, ҳар томонлама баркамол Ватанни шакллантириш асосий вазифа қилиб қўйилди. Бу эса Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган маданий-маърифий сиёсатнинг олижаноб моҳиятидан далолат беради.

*Д. М. ФУЛОМОВА*

## **ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА**

Мустақиллигимизнинг тарихан қисқа 8 йили мобайнида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда улкан ютуқларга эришилди. Ушбу ижобий ўзгаришларнинг асосий мақсади инсон манфаати йўлидаги саъй-ҳаракатлар бўлиб келмоқда.

Республика раҳбарияти томонидан хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётдаги ўрнини ошириш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, аёлларни турли даражадаги раҳбарлик лавозимларига кўтариш борасида барча чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг 50,3%, яъни 12 млн. дан кўпрогини хотин-қизлар ташкил этадилар.

Республикаимиз хотин-қизлари иқтисодий ислохотларни амалга оширишда халқ хўжалиги, илм-фан, маданият ва маърифат тизимининг барча соҳаларида ўзла-

<sup>1</sup> Қаранг: «Қишлоқ ҳаёти», 1999 йил 14 декабрь.

рининг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари билан ишти-  
рок этмоқдалар.

Бугунги кунда хотин-қизлар фаол меҳнат ресурсларининг 45,1% ни ташкил этадилар. 3 миллионга яқин, яъни 42% хотин-қизлар ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган. Моддий ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида саноат, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, халқ таълими, соғлиқни сақлаш каби етакчи тармоқларда хотин-қизлар меҳнат қиладилар.

Республикада олий ва ўрта махсус билимга эга бўлган мутахассисларнинг ҳар иккинчиси аёлдир. Илмий ходимларнинг 37%и, шу жумладан, фан докторларининг 11%и, фан номзодларининг 26%и хотин-қизлардан иборат. Ўзбекистонда 2 аёл Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзосидир. 16300 дан ортиқ аёл илмий-тадқиқот муассасаларида ишлайди.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги обрўсини ошириш, уларнинг давлат ва ижтимоий қурилишдаги ролини ошириш юзасидан Президентимизнинг 1995 йил 2 март куни қабул қилган «Ўзбекистон Республикаси Давлат ва ижтимоий қурилишда хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги тарихий Фармони хотин-қизлар ҳаётида туб бурилиш ясади. Фармонга асосан Республика хотин-қизлар Қўмитаси раисига Бош вазир ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раисларига ҳоким ўринбосарлари мақоми берилиб, ҳокимият тизимига киритилди. Жойларда туман, шаҳар, вилоят ҳокимликлари тизимида оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятларининг тузилганлиги хотин-қизлар, оила муаммолари бўйича қабул қилинган давлат ҳужжатлари ва ишлаб чиқилган дастурларни жамиятнинг барча бўғинларида ва поғоналарида изчил амалга ошириш учун имконият яратди ҳамда ушбу вазифаларни бажаришда барча вазирликлар, идора ва ташкилотлар, ҳудудий бошқарув органларининг фаолиятларини мувофиқлаштирди.

1999 йилда Олий Мажлис раиси ўринбосарларидан бири, Олий Мажлиснинг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш қўмитасининг раиси, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳам аёллардан эди.

Ўзбекистон хотин-қизлари республикада илк бор 1994 ва 1999 йилларда кўппартиявийлик асосида ўтказилган сайловда фаол иштирок этишиб, Олий Мажлис, вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари депутатлари этиб сайландилар. 1999 йилда 249 Олий мажлис депутатларининг 17 таси хотин-қизларни ташкил этар эди.

Бундан ташқари энг фаол хотин-қизлар ҳукумат органлари, вазирликлар, турли даражадаги давлат ва нодавлат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келмоқдалар. Шу тариқа хотин-қизларни давлат ва парламент даражасидаги масалаларни ҳал этишга жалб қилиш юзасидан салмоқли қадам ташланди.

Мустақиллик байрами арафасида ҳар йили Президент Фармони билан ишлаб чиқаришда, маънавият ва маърифат соҳаларида, жамоат ишларида фаоллик кўрсатаётган кишилар давлатимизнинг юқори мукофотлари ва унвони билан тақдирландилар. Улар орасида республикаимизнинг илғор хотин-қизлари ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Республикада «Ўзбекистон қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганлардан 5 таси аёллардир. Умуман шу йиллар давомида 500 дан ортиқ хотин-қизлар мамлакатимизнинг турли даражадаги давлат мукофотларини олишга сазовор бўлдилар.

Хотин-қизлар билан республикада кўплаб жамоат ташкилотлари иш олиб бордилар. Улардан энг йириги хотин-қизларнинг ижтимоий, касбий ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ташкилот — Республика хотин-қизлар Кўмитасидир. Хотин-қизлар Кўмитаси жамоат ташкилоти ҳисобланиб, у 1991 йил 23 феврал куни ташкил топган. Кўмита асосан тўртта йўналиш бўйича иш олиб боради.

Биринчи йўналиш: бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни касбий маҳоратини ошириш. Хотин-қизларнинг жамиятда юз бераётган ўзгаришларда, барча даражадаги вакиллик органларида иштирокини таъминлаш, хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги аҳволини яхшилаш, республикаимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

Иккинчи йўналиш: хотин-қизларнинг билим олишлари, касб-ҳунар ўрганишлари учун етарли шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш механизмини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш;

Учинчи йўналиш: оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилани режалаштириш, туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш. Атроф-муҳитнинг тозаллигини таъминлаш, аёллар ва болалар саломатлигига путур етказувчи омилларни бартараф этиш;

Тўртинчи йўналиш: халқаро хотин-қизлар ташкилотлари билан ўзаро алоқалар ўрнатиш ва мустаҳкамлаш, сиёсат, маданият, илм-фан ва иқтисод масалалари юзасидан ахборот алмашишни йўлга қўйиш.

Республика хотин-қизлар кўмитаси мамлакатимизда мавжуд барча давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда юқорида санаб ўтилган йўналишлар бўйича фаол иш олиб бормоқда. Кўмита олиб бораётган бу ишлар то 1995 йилгача асосан Республика миқёсида бўлиб, чет давлатларга чиқиш имкониятларига тўла эга эмасди.

1995 йил сентябрда Пекин шаҳрида Бутунжаҳон хотин-қизларининг IV конференцияси ўтказилди. Ушбу конференцияда мамлакатимиз хотин-қизлари вакиллари ҳам биринчи бор мустақил давлат вакиллари сифатида ўзларининг маърузалари билан қатнашдилар ҳамда хотин-қизлар аҳволини яхшилашга қаратилган Пекин декларацияси Платформасига қўшилдилар.

Бинобарин бу ҳужжатларда аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ҳимоя қилиш юзасидан кўрсатилган вазифалар, эркаклар билан тенг билим олиш, меҳнат қилиш ва меҳнати учун бир хил маош олиш, раҳбарлик лавозимларида ишлаш, сайлаш, сайланиш, ҳуқуқига нисбатан зўравонлик, қашшоқликни бартараф қилиш каби масалалар бизнинг Мустақил давлатимизда қонуний жиҳатдан ҳам, ҳал этилган бўлсада, лекин Пекин Декларацияси ва Платформасида кўрсатилган, бизнинг мамлакатимиз учун ҳам хос бўлган бир қатор муаммоларни ҳал қилиш мақсадида (хотин-қизлар соғлиғини мустаҳкамлаш, иш ўринларини яратиш, вакиллик органларида хотин-қизлар сонини кўпайтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш) ҳукумат даражасида Ўзбекистон хотин-қизлари масалалари бўйича янги Концепция ишлаб чиқилди.

Концепция асосида 7 хил йўналишда Дастурлар яратилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир:

1. Республика ҳудудида қизларни турмушга тайёрлаш дастури.
2. Экология ва аёл дастури.
3. Республика хотин-қизларининг халқаро муносабатларни ҳамда алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган талбирлар дастури.
4. Хотин-қизлар меҳнатини ижтимоий муҳофаза қилиш дастури.
5. Аёл, оила ва маҳалла дастури.
6. Соғлом авлод — соғлом жамият негизи дастури.
7. Маърифат-маънавият, таълим-тарбия ва хотин-қизлар дастури.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқи ва эркинликлари давлатимизда қабул қилинган барча қонунларда ўз аксини топган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқларига оид 40 дан ортиқ халқаро битимларга қўшилган. Хотин-қизларга нисбатан барча камситишларни бартараф этиш тўғрисидаги Конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, таълим соҳасидаги камситишларни бартараф этиш Конвенцияси, меҳнат ва бандлик соҳасидаги камситишларни бартараф этиш Конвенциялари шулар жумласидандир.

Кейинги 8 йил мобайнида республикаимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид қабул қилинган 100 дан ортиқ қонунларда хотин-қизларнинг шахсий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий соҳалардаги ҳуқуқлари акс эттирилган. Бу ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Оила Кодексиди, Фуқаролик Кодексиди, Меҳнат Кодексиди, Таълим тўғрисидаги, Фуқароларнинг соғлигини сақлаш, Аҳолининг бандлиги, Олий Мажлисга сайловлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисидаги ва бошқа Қонунларда ўз ифодасини топган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳуқуқий билимлари етарли даражада бўлмаганлиги сабабли ана шу қонунларда кўрсатилган ҳуқуқлардан тўлиқ фойдалана олмаётирлар. Шунинг учун ҳам кейинги 3 йил мобайнида хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан бир қатор чораталбирлар кўрилди. Жумладан, республикаимизнинг барча вилоятлари, туман ва шаҳарларида ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликла «Аёл ва ҳуқуқ» семинарлари, ўқувлари ташкил этилди. Ҳар йили бундай ўқув-



ларда 2000 дан ортиқ аёллар ўзларининг ҳуқуқий билимларини оширишмоқдалар.

Республикамизда аёллар ҳуқуқига тааллуқли бўлган «Марказий Осиё аёллари» номли журнал, Ўзбекистонда мавжуд қонунларга шарҳ ва буклетлар нашр қилинмоқда.

Маълумки республика ҳукумати аҳолининг саломатлигини яхшилаш, айниқса оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига катта эътибор бериб келмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил «Ўсиб келаётган авлодни соғломлаштириш муаммоларини комплекс ҳал этиш тўғрисида»ги 589-қарорига асосан туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштиришга оид бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Бу тадбирни амалга оширишда Республиканинг мутасадди вазирликлари, идора ва муассасалари, жамғарма ва жамоат ташкилотлари иштирок этмоқдалар ва чет давлатлардан (АҚШ, Германия, Италия, Франция, Япония, Исроиль, Туркия ва бошқа) техник ва моддий ёрдам олинмоқда.

Олиб борилаётган ишлар натижасида республикамизда оналар ва болалар ўлими кескин камайди. Оналар ўлими қачон кўпроқ учраган? Таҳлиллар шундан далолат бермоқдаки, оналар ва янги туғилган чақалоқлар ўлими асосан қизларни 16 ёшга етмасдан оила қурганларида, аёлнинг турли экстрагенитал касалликлари билан оғриганда, уларнинг туғиш оралиғидаги муддати жуда ҳам камлигида (ҳар йили, ёки ҳар икки йилда) содир бўлмоқда. Шунинг учун ҳам республикамизда оилани режалаштириш масаласи, яъни туғишни чеклаш эмас, балки туғиш оралиғидаги муддатни узайтириш масаласи долзарб бўлиб турибди.

Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш масаласи билан нафақат тиббиёт муассасалари, балки, маҳалла фаоллари, хотин-қизлар етакчилари, дин пешволари ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Бу борада, Республика Президенти ташаббуси билан ташкил этилган «Соғлом авлод учун» жамғармаси бу йўналишда самарали ишлар олиб бормоқда. Жамғарма Республика бўйича ўзининг 14 бўлимига ва 100 дан ортиқ таянч пунктларига, 45 дан ортиқ дорихоналарига эгадир. Жамғарма ҳозирги замон тиббий ускуналари билан жиҳозланган 15 та автобусларни ҳар бир вилоятга чекка қишлоқлардаги аёллар ва болалар соғлиғини назорат қилиш

учун тақдим этган. Бундан ташқари ушбу жамғарма ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларга гуманитар ёрдам беришни ҳам ташкил қилади. Бу ишларга эса Вазирлар Маҳкамасининг 71-сон қарорига биноан туман хотин-қизлар қўмиталарининг раислари тиббий-ижтимоий гуруҳ ташкил этиш орқали бошчилик қилдилар. Жамғарма Республикада болалар таомларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Болалар таомлари-холдинг» компаниясини ташкил этди. Бу компания ҳар йили 12 минг тонна болалар таомлари ва 1 тоннадан ортиқ мактаб ўқувчилари учун қуруқ овқатларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

1998-Оила йилида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Республика хотин-қизлар Қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан «СОС — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» деб номланган лойиҳа тайёрланди. Бу лойиҳа ҳукумат қарори билан тасдиқланди. Ушбу лойиҳага Австриянинг «СОС Киндердорф Интернэшнл» халқаро жамияти ҳомийлик қилди. Республика ҳукумати томонидан қўллаб-қувватланган бу лойиҳанинг амалга оширилиши орқали ота-онасиз қолган ўғил-қизларнинг меҳрибон она бағрида, оила даврасида камол топишларига имкон яратилади.

Ўзбекистон Республикасида оила масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбек халқининг миллий хусусияти ҳам шундан далолат берадики, у энг аввало, ўз оиласига муқаддас даргоҳ сифатида қарайди. Чунки, айнан оилада ҳаётнинг давомийлигини таъминлайдиган шахс ўсиб улғаяди, оилада урф-одатларимиз, қадриятларимиз сақланади ва ривожланади. Оила тинч бўлса, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради.

Давлатимизда оила масалалари чуқур илмий жиҳатдан ўрганиш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, оила муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлигини ошириш муаммоларини илмий ўрганишни ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштириш мақсадида ҳукумат қарори билан ташкил этилган Республика «Оила» илмий-амалий Маркази фаолият кўрсатмоқда. Ушбу Марказ хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрнини ошириш ишлари юзасидан ҳам таҳлилий ишлар олиб бормоқда ва бу

борада амалий тавсиялар ишлаб чиқиб жойлардаги ташкилотларга юбормоқда.

Бизнинг жамиятимизда оилаларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб то бугунги кунга қадар давомийлик тусини олиб, ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Айниқса Республика Президенти томонидан ойлик маошларни, стипендия ва нафақаларни доимий равишда оширилиб бориши аҳолининг оилавий даромадини ошиб боришига имкон яратмоқда.

Аҳолининг яшаш даражаси кўп жиҳатдан демографик вазиятнинг хусусиятларига ҳам боғлиқдир. Республикамизга хос бўлган туғилишнинг юқори даражада бўлиши кўп болалик оилалар сонининг ортишига, ишчи кучининг кўпайиб боришига ва оқибатда аҳолининг иқтисодий қийинчиликни бошдан кечиришига олиб келади. 1999 йилни охирига келиб республикамизда 4 та фарзанди бор аёллар 34,1% ни, 6 та боласи бор аёллар — 17% ни, 7 та ва ундан кўпроқ боласи бор аёллар — 25,4% ни ташкил қилади. Демак, ҳозирги кунда Ўзбекистонда ҳар бир оилада унинг аъзолари сони ўртача 5—6 кишини ташкил қилади. Шу сабабдан ҳам оилани иқтисодий жиҳатдан таъминлаш оилада ишлайдиган бир киши учун қийинчилик туғдириши табиий. Бу ўринда оиланинг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун уй бекасининг ҳам ишлаши, оилавий бюджетга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг иш шароитларини яхшилаш, қулай бўлган меҳнат турлари, яъни касаначиликни ривожлантириш борасида маълум даражада тажриба тўпланди. Бундан ташқари хотин-қизлар ўртасида тadbиркорлик фаолиятини ривожлантириш юзасидан Республика хотин-қизлар Кўмитаси, Республика «Тadbиркор аёл» уюшмаси билан ҳамкорликда иш олиб бориши натижасида бугунги кунда тadbиркор аёллар сони 20 мингдан ошиб кетди. Улар республика ички бозорини маҳсулотлар билан тўлдириш, шу билан бирга аёлларга янги иш ўринларини яратиш борасида кўплаб ижобий ишларни амалга оширмоқдалар.

Маълумки, Республика Меҳнат Кодексида ишлаб турган аёллар учун жуда кўп имтиёзлар кўзда тутилган:

бола парвариши учун мавжуд бўлган таътил узайтирилди, барча соҳаларда ишдан ташқари ва тунги ишларга хотин-қизларни жалб этиш таъқиқланди. Булардан ташқари 14 ёшгача боласи бор аёлларга қўшимча дам олиш таътилларининг берилиши ҳомиладор ва ёш болали аёлларга бериладиган имтиёзлар ва зарарли меҳнат турлари билан банд аёлларга қисқартирилган меҳнат ҳафтаси, қўшимча дам олиш таътилларининг берилиши, пенсияга муддатидан олдин чиқиши, айрим меҳнат турларида аёллар меҳнатининг таъқиқланиши, аёллар учун юк кўтаришнинг қатъий чегаралиниши (15 кг дан 9 кг гача туширилиши, қизлар учун 10 кг дан 7 кг гача туширилиши) ана шу имтиёзлардан айримлари холос.

80-йиллардан бошлаб аёлларнинг бошқарув органларидаги иштироки кескин камайиб бориши кузатилган эди. Лекин, Ўзбекистон Мустақилликка эришганидан сўнг охириги 4 йил мобайнида аёллар жамиятимиз тараққиётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этиши кузатилмоқда. Бугунги кунда вазир ўринбосарлари, корхона раҳбарлари ўринбосарларининг 17,5% и хотин-қизлар бўлиб, улар салмоғи сезиларли ортди. Халқ демократик партияси аъзоларининг 40% ни, қолган сиёсий партиялар аъзоларининг 3—7% ни хотин-қизлар ташкил қилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон давлатини, унинг меҳнат-севар халқини, жонкуяр хотин-қизларини бутун жаҳон мамлакатлари эътироф этмоқдалар. Ўзбекистон хотин-қизлар Кўмитаси ўз олдига қўйган мақсадларини рўёбга чиқариш жараёнида, жаҳон хотин-қизлар ташкилотларининг иш тажрибаларини мунтазам ўрганиш ва ҳар томонлама ҳисобга олишга ҳаракат қилмоқда. Бу борада Кўмита аъзоларининг Республика хотин-қизлар анжуманларида иштирок этиши катта аҳамиятга эгадир. Жумладан, Ўзбекистон хотин-қизлар делегацияси Покистонда бўлиб ўтган мусулмон давлатлари парламент аёлларининг биринчи конференциясида, шунингдек, АҚШ, Германия, Япония, Туркия, Ҳиндистон, Малайзия, Корея Республикаси, Руминия, Финляндия, Австрия ва бошқа мамлакатларда бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мавзуларга бағишланган хотин-қизлар анжуманларида иштирок этиши ва маърузалар билан чиқиши давлатлар ўртасидаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим

рол ўйнамоқда. Айниқса, кейинги йилларда мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон хотин-қизлари нафақат делегациялар таркибида, балки ўзларининг мутахассисликлари бўйича малака ошириш, касб-хунар ўрганиш, қизларимиз эса билим олишлари учун хорижий давлатларга чиқишга кенг имкониятлар яратилди.

Сўнги 2—3 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ташаббуси билан давлатимизда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ролини белгилаш, уларга катта имтиёзлар бериш борасида бир қатор тарихий ҳужжатлар қабул қилинди. Шунингдек юртбошимиз томонидан 1997 йилни «Инсон манфаатлари йили», 1998 йилни «Оила йили», 1999 йилни «Аёллар йили», 2000 йилни эса «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар билан бир қаторда кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётганидан, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишлари юксак даражага олиб чиқилганидан далолат беради. Биргина ўтган оила йилини оладиган бўлсак, бу йил давомида оилаларни мустаҳкамлаш, уларни иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маданий ривожлантириш йўлида қанчадан-қанча ижобий ишлар амалга оширилди. Ўтиш даврида ҳали оёққа туриб олишга улгурмаган, кам таъминланган оилаларни, ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган ногиронларни қўллаб-қувватлаш ишларини давлат ва жамоат ташкилотлари ўз зиммаларига олдилар.

Хотин-қизлар ва болаларни соғломлаштиришга мўлжалланган кўплаб сиҳатгоҳлар, дам олиш масканлари қурилиб ишга туширилди. Аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом фарзандни дунёга келтириш мақсадида «она ва бола скрининги» номи билан давлат дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилмоқда. Дастурнинг мақсади, она эндигина ҳомиладор бўлганда унинг бўлажак фарзандининг соғлом туғилиши-туғилмаслиги юзасидан аниқ ташхис қўйилади. Бугунги кунда ҳар бир вилоят марказларида скрининг марказлари очилиши устида иш олиб борилмоқда.

1999 йил 18 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаш-

тириш юзасидан 1999 йил учун чора-тадбирлар Давлат дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Аёллар манфаатларини ҳимоя қилишни ўз ичига қамраб олган ушбу дастурнинг қабул қилинганига қисқа вақт бўлганига қарамай, бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг ўта оғир ва ўта зарарли меҳнат турлари билан банд бўлган аёлларнинг даромадларига имтиёзли солиқ солиниши тўғрисидаги қарори қабул қилинди. 1999 йил 17 мартда Республика Президентининг «Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосан 1 июлдан бошлаб ёшга доир пенсияга чиққан аёллардан кимда-ким ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари, провизорлар, ногиронлар болаларнинг интернат уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида тарбиячилар бўлиб ишлаган бўлса, пенсияга чиққанларидан кейин ҳам шу мутахассислик бўйича ишлашни давом эттираётган ва пенсияга чиқиш олдидан мазкур мутахассисликлар бўйича камида 10 йил стажга эга бўлган бўлса, бу аёлларга пенсияни тўлиқ олиш ҳуқуқи сақлаб қолинадиган бўлди.

Республика Олий Мажлисининг XIV сессиясида қабул қилинган «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонун мамлакатимиз хотин-қизларининг аҳволини яхшилашда янги имкониятларни очиб беради. Қонунда давлат ва ижтимоий суғурта ишларида ишлаб камида йигирма йил иш стажига эга бўлган аёлларга 54 ёшга тўлганда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи берилган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, 54 ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқи аёлнинг розилиги билан амалга оширилади. Иш берувчи томонидан 54 ёшга тўлганини асос қилиб мажбуран пенсияга чиқаришга қонунда йўл қўйилмайди.

Давлат бюджети ҳисобидаги муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга иш ҳақининг тўлиқ миқдори сақланган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддатини белгилаш ҳам қонунда кўзда тутилган. Бу имтиёз аёлларнинг меҳнатини енгиллаштиришда, меҳнат шароитини яхшилашда, болалари билан оилада кўпроқ бўлиши ва тарбиясига яхшироқ эътибор бериши учун қўшимча имкониятлар яратади.

Президентимиз И. А. Каримов Олий Мажлисининг

XIV сессиясида қилган дастурий маърузаларида аёллар ва ёшларни жамиятимизнинг гуллари деб атадилар. Шу билан бирга аёлларга янада яхшироқ турмуш шароитларини яратиш, улар меҳнатини енгиллаштириш масалалари тўғрисида жиддий ўйлаб қўриш ва керакли тадбирларни амалга ошириш зарурлигини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг хотин-қизлар ва ёшлар масаласига жиддий эътибор беришлари бежиз эмас. Чунки, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишларда ҳали жиддий камчиликлар, шунингдек ҳали қилинмаган ишлар мавжуд. Бу, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасида жиноятчиликнинг содир этилаётганлиги, аёлларимизнинг ўз жонларига қасд қилишлари бўлиб турганлиги, ёшларимизнинг турли ноқонуний ишлар билан шуғулланишлари давом этаётгани, улар ўз устиларида ишламаётганликлари ана шу камчиликларнинг айримлари, холос. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда ёшлар тарбияси масаласи, аёллар ва ёшларнинг билим ва маданий савиясини ошириш энг муҳим ва долзарб вазифа сифатида Республика хотин-қизлар Қўмитаси олдида турибди. Лекин бу нафақат хотин-қизлар Қўмитаси даражасидаги муаммо, шу билан бирга бу давлат аҳамиятига эга бўлган масала ҳамдир. Республикамиз Президенти томонидан 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши хотин-қизлар масаласи, ҳақиқатдан ҳам давлат аҳамиятига молик масала эканлигидан далолатдир.

*О. МУСАЕВ*

## **МИЛЛИЙ СИЁСАТ ВА МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР**

Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб мамлакатимиз раҳбарияти миллий масалага, миллатлараро муносабатларга ва бу соҳада собиқ Иттифоқ даврида йиғилиб қолган ва ўз ечимини талаб қилган мураккаб муаммоларга ўз диққат-эътиборини қаратди. Ва бу бежиз эмас эди, чунки Ўзбекистон кўп миллатлик давлат эди. 90-йилларни бошларида мамлакатимизда юздан ортиқ миллат вакиллари яшар эди. Кўп миллатлик Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъ-

минлаш, халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш муҳим ва устивор вазифа деб белгиланди ва сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги ислохотларни муҳим шартларидан бири сифатида тан олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мазкур масаланинг муҳимлиги хусусида тўхталиб қуйидагиларни қайд этади: «Ўзбекистон аҳолисининг кўп миллатлилиги, ўзбек халқининг миллий ўзлигини англаши ва маънавий қайта тикланишининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда жамиятни янгилаш, уни демократлаштиришга ундовчи зўр куч бўлиб хизмат қилмоқда. Бу республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шарт-шароит яратмоқда»<sup>1</sup>.

Ўзбекистондаги миллатлараро тотувликни, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг қатор сабаблари мавжуд.

Биринчидан, миллатлараро муносабатларни барқарорлаштиришнинг асосий шarti сифатида Ўзбекистон ҳукумати мазкур масалани қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлай олди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Олий Мажлис ва ҳукуматнинг қатор қонун, қарор ва фармойишларида бир миллатнинг иккинчиси устидан ҳуқуқий устиворлигининг амалда йўққа чиқарилганлиги мамлакатимизда миллий масалани тўғри ҳал этишга кафолат яратди.

Жумладан, Конституцияда Ўзбекистоннинг барча фуқаролари миллатидан, динидан ва бошқа фарқларидан қатъи назар тенг ҳуқуқларга эгадирлар ва давлатнинг конституцияси ҳамда қонунлари ҳимоясидалар деб таъкидланган<sup>2</sup>.

Иккинчидан, Ўзбекистон ҳукумати ўз сиёсатини миллатлараро муносабатларнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими даврида шаклланган назарий-методологик жиҳатдан хато аснода юрғизишдан воз кечиб, уни жаҳоннинг йирик кўп миллатли давлатларида қарор топган назарий-амалий асосда олиб бораётганлиги ҳудудда миллий масалани адолатли тарзда ҳал этишга кўмак бермоқда.

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 72-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 1992, 12-бет.



Учинчидан, мамлакатимиз сиёсий раҳбариятининг бозор муносабатлари шароитида кучли ижтимоий сиёсат юргизаётганлиги ҳамда бундай сиёсатнинг асосини миллатлараро барқарорлик, тотувлик ташкил этганлиги юртимиздаги барча миллат, элатлар ижтимоий тараққиётига кафолат яратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек: «Гап ижтимоий ҳимоя тизимининг устиворлиги ҳақида борар экан, бунда энг аввало бозор иқтисодиётини барпо этиш биз учун бирдан-бир мақсад эмаслиги назарда тутилади. Ислохотларнинг мазмуни ва мақсади Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси миллатидан қатъи назар, шахс сифатида намоён бўлиш, ўз қобилиятини, истеъдодини намоиш этиш, ўз ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий байроқ қилиш имконига эга бўладиган зарур шартларни яратишдан иборатдир».<sup>1</sup>

Тўртинчидан, ўзбек халқининг маънавий-маърифий дунёси, руҳиятидаги ижобий ҳолатлар, миллатимизнинг азалдан эркпарвар ҳамда кучли қўни-қўшничилик муносабатлари, бошқа миллат, динлар, дунёқарашлар, қадриятларга бўлган хайрихоҳлик муносабатлари — буларнинг бариси Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг аввалдан ижобий ҳал бўлишига кафолат яратмоқда.

90-йилларнинг бошларида мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат, элатларнинг маданий-ижтимоий жиҳатдан уйғониши жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бирига айланди ва ҳукумат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Бу ижобий муносабат бир томондан у ёки бу миллат, элатнинг ўз маданияти, топталанган қадриятлари, урф-одатларининг тикланишидан руҳий-психологик қониқиш ҳосил қилишга имкон берса ва бу нарса жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни юзага келтиришга кўмаклашса, бошқа томондан уларнинг ушбу мамлакат иқтисодий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишига, ўз маданиятини оширишга ундади.

Мамлакатимизда мустақилликдан олдин мактабларда уч, тўртта миллий тилда ўқитилган бўлса 1999 йилга

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997, 217-бет.*

келиб республикамизда 9 та миллий тилдаги мактаблар очилган. Бундан ташқари республикамиз олий ўқув юр்தларида ёшлар ўзбек, рус, тожик, қорақалпоқ, қозоқ, корейс тилларида билим олмоқдалар<sup>1</sup>.

Ҳозирги вақтда иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришнинг «ўзбек модели» жаҳон ҳамжамиятининг катта эътирофига сазовор бўлмоқда. 1998 йил 7 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган «Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбекча модели» мавзуидаги халқаро илмий амалий конференция бунинг далилидир. Бу конференцияда БМТ Ваколатхонаси, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди вакиллари, Финляндия, Голландия, АҚШ, Япония, Россиядан келган мутахассислар иштирок этишди.

БМТнинг Ўзбекистондаги вакили Холид Малик таъкидлаб ўтганидек Мустақил Ўзбекистон учун ислоҳотларнинг дастлабки йиллари оддий йиллар бўлгани йўқ. Чунки ислоҳотларнинг бошиданоқ ҳукумат ўткази бошлаган дадил ички ва ташқи сиёсат туфайли мамлакатда сиёсий ва ижтимоий барқарорликни сақлаб қолишга муваффақ бўлинди. Кўриб турибмизки, Холид Малик ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолишнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Шак-шубҳасиз, бу Президент Ислон Каримов бошчилигидаги ҳукуматимиз ўтказиб келаётган сиёсатнинг асосий ютуғи ва

---

<sup>1</sup> Social Policy and Economic Transformation in Uzbekistan. UNDP. 1995.

Ўзбекистонда ислохотлар ўтказишнинг ўзига хос йўлининг натижалари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам америкалик иқтисодчи олим, Нобель мукофотининг лауреати Д. Норт биринчи ўринга барқарорликни, кейин эса ислохотларни қўйгани бежиз эмас<sup>1</sup>.

Республикамиз бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич ижтимоий йўналтирилган йўлини танлади, бунда унинг ҳар бир қадами кишиларнинг турмуш даражасида қандай ақс этганлиги билан қиёсланади. Бинобарин, бундай ёндошув БМТ, хусусан ПРООН эълон қилган инсоний тараққиёт концепциясига жуда яқин келади. Ҳар йили ПРООН ҳомийлигида инсоният тараққиёти йўлини ақс эттирувчи глобал ва миллий маълумотномалар нашр этилади, буларда инсоннинг камолга етиши бутун ижтимоий тараққиётнинг ўзаги деб қаралади. Ўзбекистонда инсон тараққиёти тўғрисидаги маълумотномалар 1995 йилдан эътиборан ҳар йили тайёрлаб келинади. Маълумотноманинг асосий вазифалари — мамлакатда амалга ошириб келинаётган сиёсатни инсон тараққиёти нуқтаи назаридан туриб таҳлил қилиш, ҳар қандай жамиятда муқаррар равишда пайдо бўладиган муаммоларни аниқлаш, уларни ҳал этишнинг мумкин бўлган йўллари топишдан иборатдир.

Ҳисоботлар бой статистик, ахборот ва таҳлилий материалларни ўз ичига олади. Масалан, 1996 йил учун инсон тараққиёти тўғрисидаги маълумотларга қараганда, Ўзбекистон 170 мамлакатнинг ўртасида туради, инсон потенциали ривожланиши жиҳатидан ўртача даражадаги давлатлар тоифасига киради<sup>2</sup>. Бундан ташқари натижа шу билан изоҳланадики 1990 йилдан эътиборан янги, анча салмоқдор ижтимоий-иқтисодий кўрсаткич — инсон тараққиёти индекси жорий этилган бўлиб, у учта омилга асосланади: умр кўриш даври; билим даражаси; валюталарнинг харид қобилияти (бу охириги омилни аниқлашда Жаҳон банкининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ҳақидаги маълумотларидан фойдаланилади).

Ўзбекистон аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад даражаси бўйича ҳозирча ён берса ҳам, лекин фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш борасида эришил-

<sup>1</sup> «Халқ сўзи», 1994 йил 13 апрель.

<sup>2</sup> Доклад о развитии человечества за 1998 г. Нью-Йорк, 1998 г. С. 131.

ган муваффақиятлар бир даражада сақланганлиги сабабли инсон тараққиётининг нисбатан юқори даражада бўлишини таъминлади. Масалан, ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамасдан, ижтимоий мақсадлар учун ажратилган маблағ ҳар йили барча бюджет харажатларининг 40% ни ташкил этади, ҳолбуки БМТ уни 20% билан чегаралашни тавсия этади. Катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси дунёда энг юқори кўрсаткичлардан бирини — 99% ташкил этади<sup>1</sup>. Агар 1995 йилда ўртача умр кўришнинг кутилаётган кўрсаткичи 65,5 йилни ташкил этган бўлса, 1998 йилда 71 ёшни ташкил этган,<sup>2</sup> бу Ўзбекистонда инсон омилига эътибор кучайиб бораётганидан далолат беради. Шундай қилиб, инсон тараққиёти тўғрисидаги маълумотнома ҳукумат муассасалари учун ҳам, шунингдек илмий доиралар ва республикамиз фуқаролари учун ҳам катта ахборот қийматига эгадир. Улар Ўзбекистон Республикасининг жаҳон тизимидаги ҳиссаси ва ўрнини аниқлаш имконини беради.

Ўзбекистон бошқа соҳаларда ҳам БМТнинг ихтисослаштирилган муассасалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. «Биз, — деган эди Ислон Каримов ЮНЕСКОнинг 1996 йилда бўлиб ўтган Ижроия кенгаши сессиясида, — аввало маънавий соҳада, фан, маданият, таълим ва ахборот соҳаларида интеграциялашувни ёқлаб чиқамиз».<sup>3</sup>

ЮНЕСКО — БМТ нинг фан, маданият, таълим ва ахборот соҳаларидаги ихтисослаштирилган 15 та муассасаларидан биридир. У универсал халқаро институт бўлиб, бугунги кунда фан, маданият ва таълимнинг миллий тизимларини бирлаштириб турадиган чинакам кўприк вазифасини бажармоқда, айтилиши вақтда уларни жаҳон интеллектуал тараққиёти тажрибаси билан бойитмоқда, бутун инсониятнинг бой маънавий меросидан халқларни бахраманд этмоқда.

Ўзбекистон 1993 йил 29 октябрда Парижда тантанали равишда ЮНЕСКОнинг аъзоси бўлди. ЮНЕСКО Ўзбекистонга алоҳида эътибор билан қарамоқда, чунки у жаҳон цивилизацияси хазинасига кирувчи гоят бой ва

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> *Ислон Каримов*. Бунёдкорлик йўлидан. Т., «Ўзбекистон», 1996, 332-бет.

ноёб маданий меросга эгадир. ЮНЕСКО нинг собиқ Бош директори Федерико Майорнинг фикрича, 1995 йилда Ўзбекистон ЮНЕСКО учун катта кашфиёт бўлди<sup>1</sup>.

1994 йил декабр ойидан эътиборан республикада ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия фаолият кўрсатмоқда. Идоралараро орган ҳисобланган бу комиссия ўз таркибига вазириликлар, идоралар, илмий, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакилларини, таълим, фан, маданият ва ахборот соҳаларидаги етакчи арбобларни киритган.

ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш учун 1996 йилда Тошкентда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Ваколатхонаси очилди<sup>2</sup> ЮНЕСКО ўзининг Марказий Осиёдаги фаолиятининг устивор йўналиши сифатида қуйидагиларни белгиланган: таълимни ислоҳ қилиш ва уни режалаштириш ҳамда бошқаришни кучайтириш; экотизимни сақлаш; маданий меросни сақлаш ва маданий туризмни (сайёҳликни) рағбатлантириш; ижтимоий ва гуманитар фанлар тармоғини ва ижтимоий ўзгаришларни бошқаришни рағбатлантириш; мустақил матбуот, радио ва телевидениени ривожлантириш; ахборотдан фойдаланиш ва ёзма меросни сақлаш<sup>3</sup>.

Кўриниб турибдики, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ва Марказий Осиёдаги фаолиятининг асосий йўналишлари маданий ва тарихий меросни сақлаш ва ўрганиш маънавий ҳамда дунёвий тараққиётга кўмаклашишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ва БМТ ҳамкорлигининг муҳим босқичи буюк мунажжим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги ва буюк давлат арбоби соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини халқаро миқёсда байрам қилиниши бўлди. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан энг қадимги шаҳарлардан бўлган Хива ва Бухоро ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий қадриятлари рўйхатига киритилганлиги Ўзбекистон халқларининг жаҳон тарихи ва маданиятига қўшган буюк ҳиссасини тан олинганлигидан далолат эди.

<sup>1</sup> «Халқ сўзи». 1996 йил, 25 апрел.

<sup>2</sup> UNESCO in Central Asia, 1997. P. 4

<sup>3</sup> Ўша жойда.

ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли-мулоқот йўли» номли йирик тадқиқоти Жаҳон ўн йиллиги доирасида маданиятни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган йирик лойиҳалардан бири бўлиб, унда бой маданий меросга эга бўлган ҳамда илмий, маданий, таълимий ва диний ғояларни Шарқ билан Ғарб ўртасида, Шимол билан Жануб ўртасида ёйишда ғоят муҳим роль ўйнаган Марказий Осиёга биринчи даражали эътибор қаратилган. Буни ҳисобга олган ЮНЕСКО Марказий Осиё цивилизациясини ўрганиш ва кенг оммалаштиришга ниҳоятда катта эътибор бермоқда.

Бу соҳадаги муҳим воқеа «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» номли фундаментал олти жилдди асарнинг тайёрланиши ва нашр қилиниши бўлди. Бу асар Ўрта Ер денгизидан Хитойгача бўлган Марказий Осиё минтақасидаги тарихий ва маданий жараёнларнинг ҳар томонлама манзарасини ёритишга бағишланган. Унинг дастлабки тўрт жилди 1992, 1994, 1996 ва 1998 йилларда босилиб чиқди.<sup>1</sup> Марказий Осиё цивилизацияси тарихи бой археологик (қадимшунослик) ва ёзма тарихий манбааларга асосланган. Асарни тайёрлаш ва нашр этиш кенг халқаро ҳамкорлик асосида, биринчи навбатда ғоят бой маданий тарихий минтақа таркибига кирадиган мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон мутахассислари иштирокида амалга оширилмоқда. Унда иштирок этган ва этаётган ўзбекистонлик олимлар орасида А. Асқаров, Э. Ртвеладзе, А. Муҳаммаджонов, Р. Мукминова, Д. Алимовалар борлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир.

ЮНЕСКО ҳомийлигида 1996 йил 26 августда Самарқандда марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг очилганлиги ҳам минтақамиз ҳаётида катта воқеа бўлди. Бу институтнинг очилишида ЮНЕСКОнинг Бош директори Федерико Майор иштирок этди, у Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон тарихи, маданий меросга катта эътибор бераётганлигини алоҳида таъкидлади. Ф. Майор қадимий шаҳарлар Самарқанд, Бухоро ва Хивани «инсоният цивилизациясининг бешиги» деб ата-

<sup>1</sup> History of civilizations of Central Asia. Vol. 16 The dawn of civilizations: earliest times to 700 B. C. Paris, 1992; Vol. 116 The development of sedentary and nomadic civilizations; 700 B. C. to A. D. 250. Paris, 1993; Vol. 1116 The crossroads of civilizations: A. D. 250 to 750. Paris, 1996. Vol IV The age of achievement: A. D. 750 to the end of the aiateenth century. Part I The historical, social and economic sitting. Paris 1998.

ди, бу ўлкамизнинг инсоният тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини жаҳон миқёсда эътироф қилиниши эди.

ЮНЕСКО Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ислоҳ қилишда яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. ЮНЕСКО экспертлари Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда давлат таълим сиёсатидаги ислохотлар масаласи юзасидан иш олиб бормоқдалар. БМТ нинг Тараққиёт дастури гранти бўйича 215 минг АҚШ доллари миқдоридан иш бажарилмоқда. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида Европа иттифоқидан 2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги грантдан фойдаланилади. Кейинги босқичда эса Осиё Тараққиёт Банки 40 млн. АҚШ доллари миқдоридаги қарз билан таъминлайди, бу халқ таълими учун замонавий ўқитувчилар, дарсликлар тайёрлаш ва тараққиёт дастурларини маблағ билан таъминлаш имконини берди.<sup>1</sup>

Республикамызда ЮНЕСКО халқаро мусиқа кенгашининг ва музейлар ишлари бўйича ЮНЕСКО халқаро Кўмитасининг миллий Кўмиталари тузилган. ЮНЕСКО «Жаҳон хотираси» регистрига Усмон Қуръони ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик илмий тадқиқот институти Шарқ қўлёзмалари коллекциясини киритди.<sup>2</sup>

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон учун янгидан-янги истиқболлар, халқаро илмий ва маданий марказлар билан кенг алоқалар ўрнатиш учун кенг имкониятлар очиб берди.

1998 йил 6 ноябрда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессияси яқунловчи мажлисининг Тошкентда ўтказилиши жаҳон аҳамиятига молик воқеа бўлди, унда дунёнинг турли мамлакатларидан 47 делегат иштирок эди.

Ижроия Кенгаш сессиясида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовга инсоний идеалларни эъзозлагани, маданий қадриятларни тиклаш ва сақлашдаги, илмий меросни ўрганишдаги хизматлари учун ЮНЕСКОнинг Абу Али ибн Сино номидаги олтин медали тақдим этилди. Мамлакатимиз Президентининг ЮНЕСКО олтин медали билан мукофотланиши Республикамызда рўй бераётган жуда катта ижтимоий-иқтисодий ва ма-

<sup>1</sup> UNESCO in Central Asia, 1997, p. 7.

<sup>2</sup> Ўша жойда, p. 18.



даний ўзгаришларни халқаро ҳамжамият томонидан шакл-шубҳасиз эътироф этилганлигини кўрсатарди.

Ижроия Кенгашнинг бу мажлиси тўла-тўқис жаҳон маданияти масаласига бағишланди. Исло Каримов Ижроия Кенгаши мажлисининг иштирокчилари хузурида сўзлаган ўз нутқида «... жаҳон маданияти гоёси шундай асос бўлиб хизмат қиладики, XXI аср умуминсоний тараққиёти фалсафаси ана шунга асосланиб қурилади. Бинобарин бугунги кунда у тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлидаги бирдамлик ва ҳамкорликка ундаши лозим»<sup>1</sup>, деб алоҳида таъкидлади.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги фаолиятини таҳлил қилар экан, И. А. Каримов Ўзбекистоннинг олий таълим тўғрисидаги дипломлари, илмий даражалар ва сертификатлари Европа мамлакатларида эътироф қилиниши юзасидан ЮНЕСКО Конвенциясига тезроқ қўшилишида ЮНЕСКОнинг қўллаб-қувватлашини, Ўзбекистон ва ЮНЕСКОнинг ўзбек халқининг буюк аждодаларини, жаҳон маданияти дурдоналарини ташкил этувчи Ўзбекистон шаҳарлари юбилей саналарига бағишланган қўшма тадбирларни янада ривожлаштиришга, шунингдек экологик муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишдаги ҳамкорликни янада авж олдиришга умид билдирди.

Ижроия Кенгаш мажлиси ўтказилаётган вақтда ЮНЕСКОнинг Федерико Майор бошчилигидаги делегацияси М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида Мирзо Улуғбек номли кафедра очилиши маросимида иштирок этди, бу кафедра назарий физика ва астрономия билан шуғулланади. Кафедрага зарур бўлган техникавий жиҳозлар ЮНЕСКО томонидан тақдим этилди. Айни вақтда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетиде ҳам инсон ҳуқуқлари, демократия, бирдамлик ва халқаро ҳамжиҳатлик бўйича ЮНЕСКО кафедрасини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

ЮНЕСКО билан Ижроия Кенгашнинг мажлиси охирида Ўзбекистон Республикасининг таклифи билан «Жаҳон маданияти ва аъзо мамлакатларда ЮНЕСКОнинг фаолияти» — Тошкент Декларацияси қабул қилинди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримовнинг ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессияси яқунловчи мажлисида сўзлаган нутқи. «Халқ сўзи». 1998, 7 ноябр.

Декларация БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000-йилни халқаро жаҳон маданияти йили деб эълон қилганлиги ва унинг ўтказилишида ЮНЕСКОга етакчилик вазифаси ажратилганлигининг мантиқий давоми бўлди.

Декларацияда қуйидагилар таклиф қилинган эди: «Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар, унинг тизимидаги муассасалар, бошқа ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари Жаҳон маданияти халқаро йили бўлган 2000 йилни хотирада қоладиган тadbирлар билан нишонласинлар, унинг муваффақиятли ўтказилишини таъминлаш учун ҳозирдан барча зарур чора-tadbирларни кўрсинлар ва бу билан сабртоқат, ўзаро ҳамжиҳатлик қадриятларини, қашшоқлик ва бегоналаштиришга қарши курашни, аввало аёллар ва ёшларга фойда келтирадиган нарсаларни қарор топтирсинлар».<sup>1</sup>

Декларация инсониятнинг янги минг йилликка ўтиши тарихий бурилиш нуқтаси бўлади, деб ҳисоблайди, бунда эркаклар ва аёллар ўтмишда тез-тез бўлиб турган урушлар, зўравонлик ва ижтимоий адолатсизлик манбаи бўлиб келган қарашлар ва ҳуққ-атвор шаклларида қатъиян воз кечниш мажбуриятларини ўз зиммаларига олишлари ҳамда жаҳон маданиятига асосланган келажакка ўтиш имконини берадиган қарашлар ва ҳуққ-атвор шаклларини қабул қилишлари лозим. Демак, ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг яқунловчи мажлиси ва Тошкент Декларацияси урушларсиз ва зўравонликсиз учинчи минг йиллик, инсоний ва давлатлараро муносабатлар асосини жаҳон маданияти ва тараққиёти ғоялари ташкил этадиган минг йиллик йўлидаги муҳим босқич бўлиб тарихга кирди.

Шундай қилиб, Республикамизнинг Бирлашган Миллатлараро Ташкилоти ва унинг ихтисослаштирилган муассасалари билан самарали ҳамкорлиги мамлакат ичкарасида иқтисодий ва сиёсий ислохотларни муваффақиятли ўтказишда, шунингдек жаҳон жараёнларига фаоллик билан қўшилишда, ҳозирги замоннинг глобал ва минтақавий муаммоларини ҳал қилиш ҳамда халқаро муносабатлар тизимида муносиб ўринни эгаллашда жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

---

<sup>1</sup> «Халқ сўзи», 1998 йил ноябр.

## ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РОЛИ

(«ЭКОСАН» халқаро жамғармаси фаолияти мисолида)

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритганлиги чуқур демократик ислохотларни амалга ошириш, янги иқтисодий муносабатларни шакллантириш, мустақил ташқи ва ички сиёсат ўтказиш, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишнинг мустақил йўлини ишлаб чиқиш учун кенг имкониятлар яратиб берди. Соғлом авлодни тарбиялаш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш янги суверен давлат ва унинг Президенти И. А. Каримов амалга ошираётган сиёсатнинг асосий ва устивор йўналишларидан бири бўлиб қолди.

Бу ижобий ўзгаришлар ижтимоий онгни ҳаракатга келтирди, янги жамият барпо этиш вазифаларини ҳал қилишда кенг аҳоли қатламлари фаоллигининг ўсишига сабаб бўлди, бу ўз навбатида Ўзбекистонда янги жамоат ташкилотларининг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилди. Бундай ташкилотлардан бири «ЭКОСАН» — экология ва саломатлик халқаро нодавлат жамғармасидир.

Учинчи минг йилликка яқинлашиб борилган сари одамлар кўпгина мураккаб муаммолар, шу жумладан глобал деб аташ қабул қилинган муаммолар устида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолдилар.

Хўш, учинчи минг йилликда инсониятни нималар кутмоқда? Одамлар оддий бўлмаган муаммоларни ҳал қилишга, ортиб бораётган экологик тангликни бартараф этишга, ўз саломатликларини сақлаш ва мустаҳкамлашга қодирмилар? Фан-техника тараққиёти қандай шароитда инсон ва жамият манфаатларига ҳақиқатан ҳам жавоб берадиган ҳақиқий йўналишга эга бўлади? Бу ва бошқа глобал ҳамда минтақавий хусусиятга эга бўлган муаммолар 1992 йилда муассислар конференциясида ташкил этилган «ЭКОСАН» халқаро жамғармасининг диққат марказида турибди.

Ўзбекистонда ва барча Марказий Осиё давлатларида вужудга келган Орол танглигининг оқибатлари ва шунингдек, бошқа омиллар билан боғлиқ бўлган мураккаб ижтимоий-экологик вазият, мазкур муаммони ҳал

этиш йўллари излаш зарурлиги жамғарма Низомининг асосий вазифаси сифатида белгилаб олинди. Бу вазифалар ҳукумат, ноҳукумат ва халқаро ташкилотлар, олимлар, мутахассислар, турли мамлакатлар сиёсий арбобларининг куч-ғайратларини ана шу мураккаб ижтимоий-экологик муаммоларни чуқур ўрганиш, илмий конференциялар тавсияларини ишлаб чиқиш ва уларни тадбиқ қилишнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш учун бирлаштиришга, Марказий Осиё давлатлари ва бошқа давлатларнинг илмий асосланган экологик сиёсатини шакллантиришга кўмаклашишга, экологик хавфсизликнинг яхлит тизимини яратишга, алоҳида экологик тафаккур ва маданиятни таркиб топтиришга қаратилди.

Жамғарманинг моҳият эътибори билан асосий фаолият йўналишлари қўйидагилардан иборат:

— сиёсат, фан, маданият, тиббиёт ва ишлаб чиқариш фаолияти соҳаларида экология ва санология асосий-мезон сифатида;

— Марказий Осиёда минтақа биосферасининг яхлитлиги, унинг бўлинмаслиги тамойилларига асосланган экологик-иқтисодий тизимни шакллантириш;

— экология ва санология инсон фаолиятининг барча соҳалари бўйича халқаро ҳамкорлик қилишнинг энг муҳим устувор йўналишлари сифатида.

Жамғарма томонидан ўтказилаётган ижтимоий-экологик тадбирларни мамлакатимиз фуқароларининг кенг қатламлари қўллаб-қувватламоқда. Ана шу йиллар мобайнида атроф муҳитни ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш юзасидан бир қатор лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Элчихоналар, халқаро ташкилотлар ва компаниялар Оролбўйи аҳолисига ёрдам сифатида бир қатор инвестициялар жалб қилдилар.

Жамғарма ҳузурида машҳур Рим клубининг филиали сифатида «ЭКОСАН» Тошкент клуби ташкил қилинди. Унинг аъзолари сафида — Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги мустақил давлатларнинг, шунингдек АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия, Украина ва бошқа мамлакатларнинг етакчи олимлари, маданият ва дин арбоблари, мутахассислари, йирик бизнесменлари бўлиб, улар экология ва соғломлаштиришнинг долзарб муаммоларини ўрганишда, бу соҳадаги тадқиқотлар-

нинг устивор йўналишларини аниқлашда ва минтақада экологик вазиятни яхшилаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқишда фаол қатнашмоқдалар.

«ЭКОСАН» жамғармаси ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ экологик жиҳатидан ноқулай бўлган туманларда вазиятнинг кескинлигини пасайтириш мақсадида саломатлик поездлари ташкил қилди, улар аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатдилар, ёрдамга муҳтож оилаларга инсонпарварлик юklarини етказиб бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бундай иш шаклининг ижтимоий аҳамиятини ҳисобга олиб, «ЭКОСАН» жамғармаси ташаббусини маъқуллади ва 1993 йилда «ЭКОСАН» саломатлик поездини ташкил этиш тўғрисида» фармойиш қабул қилиб, унда саломатлик поезди ҳақидаги низомни тасдиқлади ва унинг асосий вазифалари қилиб: экологик танглик зоналарида аҳолига юқори малакали маслаҳат ва даволаш-олдини олиш ёрдамини кўрсатиш; экологик танглик ҳудудларда соғлиқни сақлашнинг таъсирчан усули сифатида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш; кўп болалик ва муҳтож оилаларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш; экологик вазиятнинг аҳоли саломатлигига таъсирини ўрганиш, деб белгиланди.

Поезд 5—7 та вагонлардан иборат бўлиб, улар орасида даволаш-ташхис қўйиш аппаратлари ва тиббий асбоблар билан жиҳозланган махсус вагон, дам олиш вағони, вагон-ресторан, инсонпарварлик юклари жойлаштирилган алоҳида вагон бор эди. Шунингдек саломатлик поезди 20—25 нафар олий малакали шифокор олимлар, шифокор-амалиётчилар, хизмат кўрсатувчи ходимлар билан таъминланди. Поездни дори-дармонлар ва инсонпарварлик юклари билан таъминлашда кўпгина вазирликлар ва идоралар, Ўзбекистонда иш олиб бораётган элчихоналар, хорижий фирмалар қатнашди.

Саломатлик поездлари томонидан экологик жиҳатдан танг минтақаларда истиқомат қилаётган 45 мингдан ортиқ кишига тиббий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг кўпларига Тошкент клиникаларида даволаниш учун йўланмалар берилди. Ёрдам кўрсатилаётган ҳудудлар тиббиёт муассасаларига, соғлиқни сақлаш бўлимларига доридармонлар, тиббий асбоб-ускуналар тақдим этилди,

аҳолининг муҳтож қисмига болалар учун озиқ-овқатлар, кийим-бош ва санитария-гигиена буюмлари берилди.

1994 йилдан бошлаб Ўзбекистонда «ЭКОСАН» жамғармаси ташаббуси билан Экология ва саломатлик кунларини ўтказиш оммавий тус олди. Бу ҳаракат ҳар йили 5 июнда жаҳон атроф муҳитни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб ўтказиб келинмоқда. Бу тadbир доирасида кенг жамоатчиликни ва аҳолини жалб қилган ҳолда ҳудудларни кўкаламзорлаштириш ва санитария жиҳатидан тозалаш бўйича шанбаликлар ўтказилди, табиатни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг иштироки билан корхоналарда экология-санитария талабларига, шаҳарлар ва аҳоли пунктларида эса маиший чиқиндилар уюмларининг, водопровод ва канализация иншоотлари ҳамда шаҳобчаларининг, касалхоналар, болалар муассасалари, бозорлар ва бошқа объектларнинг тозалик қоидаларига риоя қилиш аҳволи ўрганилди.

Уч йил мобайнида тўпланган тажрибаларни, экология ва санитария шароитларини яхшилашга таъсир кўрсатувчи амалий воситаларини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Экосан» жамғармаси таклифига кўра 1997 йил 18 мартда Ўзбекистонда ҳар йили Экология ва саломатлик кунларини ўтказиш тўғрисида фармойиш чиқарди. Унга кўра экология ва саломатлик кунларини доимий равишда уч босқичда: баҳорги, ёзги ва кузги даврларда ўтказиш кўзда тутилди. Ҳар бир босқич учун устивор тadbирлар белгиланди.

Ижтимоий-экологик лойиҳаларни амалга ошириш учун қўшимча маблағлар жалб қилиш мақсадида «ЭКОСАН» жамғармаси хорижий шериклар билан биргаликда қўшма корхоналар ташкил этиш чораларини кўрди. Масалан, 1995 йил охирларида ўзбек-голланд қўшма корхонаси — «Эколот» фаолият кўрсата бошлади. Унинг фаолияти лотереялар чиқариш билан боғлиқдир. Лотерея чипталарини сотишдан олинган маблағнинг асосий қисми ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал этишга, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилишга, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, ихтисослаштирилган болалар даволаш муассасаларига, болалар боғчалари ва касалхоналарига, ногиронлар уйларига, бо-

лалар уйларига, мактаб-интернатларга хайрия ёрдами кўрсатишга ва бошқа мақсадларга йўналтирилади.

«Экосан» жамғармаси ва БМТ тасарруфидаги ЮНИСЕФ ташкилотининг Болалар жамғармаси ташаббуси билан 1995 йилда Оролбўйи аёллари ва болаларига экологик ва минтақавий ёрдам кўрсатиш «АСПЕРА» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада асосий эътибор ёмонлашиб бораётган атроф муҳитнинг болалар ва аёллар саломатлигига салбий таъсир кўрсатишини камайтиришга, шунингдек уларнинг турмуш даражасини оширишга ёрдам берадиган ижтимоий-экологик ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган эди. Лойиҳа, асосан 6 бобдан иборат бўлиб, она ва боланинг саломатлигини муҳофаза қилиш, овқатланиш бўйича маърифий марказ ташкил этиш, бошланғич таълим, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, сув таъминоти ва санитария ва бошқа махсус бўлимларни ўз ичига олган.

«АСПЕРА» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Орол бўйидаги икки ёшгача бўлган болаларни тўлиқ иммунизациялаш дастури амалга оширилди. 1995—1997 йилларда Қорақалпоғистон Республикасига ҳамширалар учун ва тез ёрдам кўрсатиш учун асбоблар мажмуи, нафас олиш тезлигини ўлчаш учун дори-дармонлар етказиб берилди. Сув таъминотини яхшилаш учун сув тозалаш филтрлари ўрнатилди, сув сифатини таҳлил қилиш учун лабораториялар ташкил этилди.

Оролбўйи минтақасидаги кескин экологик вазиятни яхшилаш борасида халқаро миқёсда сарфланган кучгайрат ўз самарасини бера бошлади. Кўрсатиб ўтилган даврда бу ерда аҳолининг касалланиши, шу жумладан болалар ўртасида ўткир ичак касалликлари билан хасталаниш 6%, дизентерия билан хасталаниш 10%, «А» гепатити (сарик касаллиги) билан хасталаниш 2 барабар камайди. «АСПЕРА» лойиҳасини амалга ошириш кейинги йилларда ҳам давом эттирилди.

Жамғарма ўзига юклатилган вазифаларини бажариш учун етарли даражада тармоқ ёйган таркибий шахобчаларига эга. Ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикасида вилоят, туман ва шаҳар бўлимлари ишлаб турибди. Ташкилот ва муассасаларда, корхоналарда, ўқув юртларида «ЭКОСАН» жамғармасининг 14 минг бошланғич ташкилотлари тузилган бўлиб, уларда қарийиб 3 млн. аъзо бор.

«ЭКОСАН» жамғармаси ўзининг хорижий бўлимларни очиш чораларини ҳам кўрмоқда. Ҳозирги вақтда улар АҚШнинг 7 та штатида (Аризона, Вашингтон, Колорадо, Мичиган, Нью-Йорк, Нью-Жерси, Техас), Покистоннинг 4 та шаҳарида (Исломобод, Карачи, Лахор, Равалпинди), Швейцариянинг Берн шаҳрида, Россиянинг Москва шаҳрида, шунингдек Марказий Осиёдаги мустақил давлатларнинг ҳаммасида ишлаб турибди. Жамғарманинг Германияда-Боннда бўлими ва 4 та шаҳарда (Берлин, Веймар, Кельн, Потсдам) ваколатхоналари очилган.

Жамғарма ҳузурида фахрийлар, хотин-қизлар, журналистлар, диний арбоблар уюшмалари тузилган. Уларнинг фаолияти экология масалаларини янада батафсилроқ ўрганишга, муаммони кенг ёритишга турли ёшдаги аҳолига экология соҳасида тасаввур беришга ёрдам бермоқда. Натижада «Аёл, экология ва саломатлик», «Оила, экология ва саломатлик» каби долзарб муаммоларга бағишланган дастурлар ва лойиҳалар юзга келди.

Жамғарма ўз фаолияти давомида Ўзбекистоннинг шунингдек Марказий Осиёнинг долзарб ижтимоий-экологик муаммоларига бағишланган халқаро учрашувлар, конференциялар, семинарлар, фаоллар йиғилишларини мунтазам ўтказиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида 50 дан ортиқ ана шундай тадбирлар ўтказилди, уларда амалдаги барча халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ва дипломатик корпуслар, вазирликлар, идоралар, илмий муассасалар ва олий ўқув юртлири, вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари иштирок этдилар. Йирик халқаро конференцияларни тайёрлаш ва ўтказишда БМТ, ЕҲХТ, ЮНИСЕФ, ЖССТ, ЭСКАТО, ЮНФПА, ТАСИС, ТИКА ва бошқа ташкилотларнинг экспертлари қатнашдилар. Мазкур тадбирлар жаҳон жамоатчилигини Марказий Осиё минтақасидаги долзарб ижтимоий-экологик муаммолардан, бизнинг мамлакатимизда уларнинг кескинлигини пасайтириш юзасидан кўрилайётган чора-тадбирлардан хабардор қилиш имконини бермоқда.

Жамғарманинг ана шу дастлабки тадбирларидан бири 1993 йилда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети билан биргаликда ўтказилган «Марказий Осиёнинг экологик хавфсизлиги муаммолари» мавзуи-



даги халқаро симпозиум бўлди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида сўзлаган нутқиға бағишланган. Симпозиум ишида мамлакатимиз етакчи олимлари, БМТ вақолатхоналари, Жаҳон банки, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги миссияси, Германия техника маркази раҳбарлари иштирок этдилар ва сўзга чиқдилар.

«Иқтисодиёт, экология ва саломатлик» мавзуидаги конференцияда бир қатор вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари раҳбарлари, иқтисодчилар, файласуфлар, шифокорлар, социологлар, халқаро ташкилотларнинг вакиллари сўзга чиқиб, ўз нутқларида экологик омилларни ҳисобга олмасдан туриб иқтисодиётни ривожлантириш оқибатда ишлаб чиқаришни инқирозга, табиатда мувозанатнинг бузилишиға ва аҳоли касаллашининг ортишиға олиб келиши мумкин, деган яқдил фикрга келдилар. Конференция материаллари «Иқтисод ва статистика» журналининг махсус сониде эълон қилинди.

Бир қатор конференцияларда экологик аҳволни яхшилашға доир муҳим тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Масалан, «Меҳнат, экология ва саломатлик» илмий-амалий конференцияси (1996 йил) агросаноат мажмуининг қайта ишлаш корхоналарида меҳнат шароитини яхшилаш, маҳсулот сифатини оширишға доир тавсиялар қабул қилди. Конференция вақтида мазкур корхоналар ишлаб чиқарган экологик жиҳатдан соф маҳсулотлар қўргазмаси ташкил этилди, иш кийимларининг янги андозалари, якка тартибда ҳимояланиш воситалари намойиш этилди.

«Транспорт, экология ва саломатлик» илмий-амалий конференцияси яқунлари бўйича ИИВ ва «Ўзавтотранс» корпорацияси билан биргаликда «ДАН-ЭКОСАН» лойиҳаси, «ТРАНСЭКОЗ» дастури ишлаб чиқилди, автотранспорт воситаларининг чиқарадиган зарарли чиқиндилари билан ҳавонинг ифлосланишиға қарши кураш юзасидан Республика кўрик-танлови эълон қилинди. «Тупроқ, экология ва саломатлик» мавзуидаги илмий-амалий конференция суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлигини тиклаш юзасидан тавсиялар қабул қилди ва тегишли комплекс дастур ишлаб чиқиш зарурлигини эътироф этди.

ЭКОСАН жамғармаси жойлардаги аҳволни батафсил ўрганиб чиқиш, экологик вазиятни яхшилаш юзасидан тўғри қарорлар қабул қилиш мақсадида олимлар, экологлардан иборат экспертлар қўшма миссияларини ташкил қилиш ва уларни жойларга юборишни йўлга қўйди. Ана шу миссиялардан дастлабкиси 1994 йил апрелда Фарғона водийсига юборилди. Бундан мақсад водий вилоятлари билан чегарадош Қирғизистон Республикасининг Мойлисув туманидаги бойитиш фабрикасининг кондициявий бўлмаган маъданлари ва чиқиндиларини кўмиб ташланган жойдаги экологик вазиятни ўрганиш эди. Миссия ишида «ЭКОСАН» жамғармасининг фаоллари — радиация ва кимёвий ҳимоя, экология, геология ва соғлиқни сақлаш бўйича мутахассислар ҳамда экспортлар, БМТнинг Ўзбекистондаги вакиллари, «ЭКОСАН» жамғармаси Қирғизистон бўлимининг раҳбарлари, Мойлисув туман маъмуриятининг бошлиқлари, Қирғизистон атроф муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги ходимлари, «Останкино» телекомпанияси, «Маяк» радиостанцияси, Ўзбекистон телерадиокампаниясининг мухбирлари иштирок этди. Миссия жараёнида Мойлисув даволаш муассасаларига доридармонлар ва зардоблар топширилди. Шунингдек 1995 йил апрелда 17 мамлакат вакиллари қатнашган, «ЭКОСАН» ва Ўзбекистонга вакил қилинган дипломатик корпус бошлиқларининг иккинчи миссияси Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига, худди шундай миссия 1996 йил ноябрда Навоий вилоятига юборилди. Миссия қатнашчилари бўлган 22 мамлакат вакиллари Навоий кон-металлургия комбинатида, поликлиника ва касалхоналарда бўлдилар, айрим туманларнинг аҳолиси билан учрашдилар. 1999 йилда Сурхондарё вилоятига юборилган миссия Тожикистон Республикасининг Турсунзода вилоятидаги алюмин заводи чиқараётган зарарли чиқиндилардан зарар кўраётган туманлар аҳволи билан танишиш имконини берди.

Ана шу минтақаларга уюштирилган миссиялар натижасида аҳолига тиббий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун саломатлик поездлари юборилди, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш режаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилиш юзасидан халқаро учрашувлар ва конференциялар бўлиб ўтди, экологик лойиҳалар ва дастурлар тайёрланди.

Жаҳон жамоатчилигининг Ўзбекистондаги экологик вазиятга диққатини жалб қилиш, кескин ижтимоий-экологик муаммоларни биргаликда ҳал қилишнинг бирдан-бир йўли «ЭКОСАН» жамғармаси вакиллари-нинг хорижда ўтказиладиган конференциялар, семинарлар, учрашувларда фаол иштирок этиши бўлди.

1993 йилда «ЭКОСАН» жамғармаси раиси Ю. Шодиметов Марказий Осиё давлатлари экологик ташкилотлари раҳбарлари гуруҳининг таркибида Америка экологларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги тажрибасини ўрганиш учун АҚШ ахборот Агентлиги (ЮСИА) таклифи билан Америка Қўшма Штатларида бўлди. Ташриф жараёнида АҚШнинг етакчи экологик ташкилотлари ва фирмалари вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Бу учрашувлар якунида ҳамкорлик тўғрисида бир қанча битимлар тузилди, улар атроф муҳитни ва мамлакатимиз, умуман Марказий Осиё аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш муаммоларини қамраб олган бўлиб, шунингдек Орол денгизи ва Оролбўйи муаммоларини ҳал қилиш, «ЭКОСАН» жамғармаси дастурларини амалга оширишда АҚШ тажрибасидан фойдаланиш борасида биргаликда ҳаракат қилишга дахлдор эди.

Европа бюросининг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) таклифига кўра «ЭКОСАН» жамғармаси вакиллари Хельсинкида бўлиб ўтган атроф муҳит ва аҳоли саломатлиги муаммосига бағишланган Халқаро конференцияда қатнашдилар. Балида (Индонезия) бўлиб ўтган атроф муҳит ва демография масаласига бағишланган халқаро конференция ҳам самарали бўлди. Конференцияда «ЭКОСАН» жамғармасининг вакили қилган маърузада Ўзбекистон ҳукумат органлари ва ноҳукумат ташкилотларининг демографик ва ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилиш соҳасида биргаликда амалга ошираётган ишларнинг асосий йўналишлари баён қилиб берилди.

1995 йилда Туркияда «Хабитат-2» халқаро конференцияси бўлиб ўтди, бу конференция жараёнида экологик жамғармаларнинг Жаҳон анжумани ҳам бўлди, уни БМТ, Жаҳон «Сивикус» ташкилоти ва Туркия жамғармалари ташкилоти ташкил қилган эди. Мазкур анжуманда «ЭКОСАН» жамғармасининг «Орол ва Оролбўйи муаммолари — халқаро ҳамкорлик талаби»

мавзуидаги маърузаси тингланди. Конференция иш олиб борган кунларида «ЭКОСАН» жамғармаси вакиллари «Сивикус» раҳбарияти, Туркия жамғармалари ташкилоти билан расмий ишчи учрашувлар, Туркиянинг чиқиндиларни қайта ишловчи «Чакурава» қурилиш компанияси, немисларнинг «Лурге» компанияси билан музокаралар ўтказди.

1996 йилда «ЭКОСАН» жамғармаси делегацияси Германиянинг халқаро тараққиёт жамғармаси ташкил этган ҳалокатлар ва фавқулодда вазиятлар масалалари юзасидан ўтказилган семинарда қатнашди, унда жамғарманинг «Ўзбекистон ноҳукумат ташкилотларининг ҳалокатлар олдини олиш ва фавқулодда вазият оқибатлари таъсирини камайтириш соҳасидаги фаолияти тўғрисида» ва «ЭКОСАН» Халқаро жамғармасининг ҳаракат режалари тўғрисида»ги ҳамда бошқа ташкилотларнинг Мойлисув туманида радиация хавфсизлигини таъминлашга доир маърузалари тингланди. Семинар кунларида «Мойлисув туманида радиация хавфсизлигини таъминлаш» лойиҳасини тадқиқ қилиш ва тайёрлаш бўйича халқаро эксперт гуруҳини ташкил этиш ҳақида аҳдлашиб олишга эришилди. Бундан ташқари, «ЭКОСАН» жамғармаси вакилининг Халқаро ўн йиллик бўйича Германия қўмитаси (ИДНДР) раҳбарлари билан амалий учрашувлари бўлиб ўтди, «ЭКОСАН» жамғармаси билан Германия халқаро тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди, Германиянинг Шарқ-Ғарб иқтисодий ҳамкорлиги Академияси билан музокаралар бўлиб ўтди ва протокол имзоланди.

«ЭКОСАН» жамғармаси вакили ёввойий табиатни муҳофаза қилиш Жаҳон ташкилоти (WWF) таклифига кўра Покистонга ташриф буюрди. У ерда Жаҳон ташкилоти ва унинг бўлимлари фаолияти ва тажрибалари ўрганиб чиқилди.

Евроосиё атроф муҳитни кўнгилли ҳимоя қилувчилар ташкилоти Ахборот маркази таклифига кўра Жамғарма делегацияси Истанбулдаги халқаро конференцияда иштирок этди ва «Экологик тарбия ва таълим — «ЭКОСАН» фаолиятининг муҳим йўналиши» ҳамда «ЭКОСАН» Халқаро жамғармаси: ташкил топиш ва ривожланиш йўллари» мавзуларида маърузалар билан чиқди.

«ЭКОСАН» жамғармаси экспертлари 1995 йил сентябрда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган Орол денгизи ҳавзасидаги давлатларнинг барқарор ривожланиши бўйича БМТ халқаро конференциясини тайёрлашда ва унинг ишида фаол иштирок этдилар, шунингдек экспертлар ЕХХТ томонидан 1995 йил октябрда Тошкент ва Урганчда ўтказилган «Атроф муҳитнинг тикланиши»га бағишланган халқаро семинарида ҳам иштирок этдилар. «ЭКОСАН» жамғармаси вакиллари мазкур анжуманларда Орол денгизи қуриши оқибатларининг аҳоли соғлиғига таъсири ҳамда Марказий Осиё минтақаси экологик хавфсизлигининг яхлит тизимини ташкил этишнинг ўзаро алоқадорлиги муаммолари юзасидан маърузалар тақдим этди. Конференция жараёнида «ЭКОСАН» жамғармаси билан халқаро ташкилотлар ва етакчи хорижий компаниялар билан экологик муаммоларни ечишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида протоколлар, битимлар имзолади. Улар орасида ЕХХТ, ПРООН, ЮНЕП, ЖССТ, ЮНИСЕФ, «Филипп Мюллер» (Германия), «Дегремон» (Франция), «ОЗОНИА» (Швецария) ва бошқа компаниялар бор.

Шунингдек «ЭКОСАН» жамғармаси ЮНИСЕФ томонидан 1997 йил февралда Ашгабадда ташкил этилган болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш бўйича Халқаро конференцияда иштирок этди. Конференция қабул қилган резолюцияда «ЭКОСАН» жамғармаси ва Европа бюроси ЖССТнинг атроф муҳит ва инсон саломатлиги бўйича Марказий Осиё комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги ва Марказий Осиё минтақасининг санитария ҳолатини яхшилаш юзасидан халқаро ўн йиллик эълон қилиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватланди.

Ашгабадда бўлиб ўтган Парламентлараро конференцияда халқаро ташкилотлар вакиллари, Парламентлараро иттифоқ Бош котиби, ЮНИСЕФ ваколатхоналарининг минтақавий раҳбарлари билан учрашувлари бўлиб ўтди, уларда Орол денгизи ҳавзасидаги ижтимоий-экологик вазиятни яхшилаш ва болалар ҳуқуқлари бўйича Конвенцияни амалга ошириш муаммолари муҳокама қилинди.

Шундай қилиб, «ЭКОСАН» жамғармасининг халқаро ва минтақавий фаолияти ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотларнинг Марказий Осиё минтақасининг кес-

кин ижтимоий-экологик муаммоларини ҳал этишда барча кучларни бирлаштиришга, бунга жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини жалб қилишга қаратилди. Миллий ва халқаро даражаларда амалга оширилаётган кенг миқёсли ижтимоий-экологик ҳаракатлар Халқаро «ЭКО-САН» жамғармасининг табиатни ва инсон саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларининг асосий негизини ташкил этди.

Жамғарма ташаббуси билан ўтказилаётган конференциялар, семинарлар, учрашувлар давлат тузилмалари ходимлари, олимлар, бизнес вакиллари ва бошқаларнинг атроф муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишнинг энг муҳим йўналишларини қамраб олувчи лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқиш имконини берди. Ўтган етти йилликнинг муҳим якунларидан бири «ЭКО-САН» жамғармасининг дипломатик корпуслар, халқаро ташкилотлар ва йирик компаниялар вакиллари билан фаол ҳамкорлик қилган ҳолда улар диққат эътиборини Ўзбекистонда, шу жумладан бутун Марказий Осиё минтақасида вужудга келган кескин экологик муаммога қаратиш ва бу мураккаб масалани ҳал қилишда улар билан ҳамкорлик қилишдан иборат бўлди.

«ЭКОСАН» жамғармаси жаҳон ҳамжамияти томонидан доимий қўллаб-қувватланмоқда унинг экология ва саломатлик муаммолари бўйича ўртага ташлаган таклифлари халқаро ташкилотларнинг фаолиятида ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

*Д. А. АЛИМОВА*

## **МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ТАРИХ ТИМСОЛЛАРИ**

Миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчасини уларнинг тарихини билмасдан туриб тасаввур қилиш жуда қийин. Чунки ҳар бир янги пайдо бўлган фикр ўз тарихшунослигига эга. У ҳар қанча янги бўлмасин, тарихий тажрибани инкор қилса, ривож тополмайди. Миллий ғоя эса бутун бир миллат, халқ манфаатига жавоб бериши, тарихий тажрибаларга асосланганлиги билан белгиданади. Мамлакат Президенти И. А. Каримов айтганларидек «миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири ана шу буюк ғояга, миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири — катта бир

дарслик, кучли тарбия воситасидир».<sup>1</sup> Биз кўп асрлик тарихимизга мурожаат қилиб, унда у ёки бу шаклда акс этган ва даврий хусусиятга эга бўлган миллий ғоялар моҳиятига оид ҳолатлар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бунинг учун, авваламбор миллий ғоя ва миллий мафкура тушунчаси ҳақида тўхталсак, мақсадга мувофиқ бўлур.

Миллий ғоя ўзи нима: танлов, қасамёд, дастур ёки вазирами? Бу тушунчаларнинг ҳар бири миллий ғоянинг таркибий қисмларидир. Ўз миллий ғоясини англаб етиш — миллий ўзликни англаш, миллат иродасини тарбиялашдир, чунки у шунчаки тушунтириладиган ва эслаб қолинадиган оддий формула эмас: миллий ғоя — белгиланган вазифаларни акс эттиради, улар эса ишонч ва қатъиятнинг талаб қилади. Шу билан бирга, миллий ғоя қуруқ ижтимоий-статистик ўрганиш мавзуси бўлмай, балки воқеликни тарихий тажрибага асосланган ҳолда маданий-фалсафий таҳлил қилиш натижасидир.

Миллий мафкура нима учун зарурлигини ва миллий ғоя билан миллий мафкура ўртасидаги фарқ нималардан иборат эканлигини қараб чиқайлик. Миллат улкан тарихнинг субъекти сифатида ўз миллий ғоясига таянмасдан мавжуд бўла олмайди. Миллий ғоя — бу шундай тамойилки, ҳам ички, ҳам ташқи бутун миллий сиёсатнинг асосига қурилади. Давлат ана шундай тамойилга эга бўлсагина, ўз ташқи маданий дастурлари хусусиятини белгилаб чиқиши, қуrolли кучлар тизими ва хоказоларни ривожлантириши мумкин. Давлат миллий ғояга эга бўлмай туриб, тарихий мавжудликнинг жўшқин уммонида гўё компасиз юргандай бўлади, ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишни ғоявий таъмин этувчи дастурга, тарихий-сиёсий тараққиёт йўналишига эга бўлмайди.

Ф. М. Достоевскийнинг таъкидлашича «Олий ғоясиз на инсон, на миллат яшолмайди».

Биз мустақил давлатимизнинг тўққиз йиллик тарихига мурожаат қилар эканмиз, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар ва маданий-маънавий ҳаёт соҳасида қарор топган ўзгаришлар тизими орқали мустабид тузумнинг қолдиқларини барҳам топтиришга, демократик қонунлар асосида адолатли ва тўлақонли яшашни таъминлашга қодир кучли давлат бўлишга қатъиян интиланлигига гувоҳ бўламиз. Бир сўз билан айтганда,

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар. 2-жилд. Т., «Ўзбекистон», 226-бет.

Республика Президенти И. А. Каримов асос солган ва 1991—2000 йиллар мобайнидаги барча чиқишларида ва асарларида баён қилган<sup>1</sup> миллий ғоянинг заминини: давлат мустақиллиги, унинг мустаҳкамланиши, адолат, қонунлар ва конституциянинг устуворлиги, кўп асрлик тарихий негизига эга бўлган маънавий қадриятларимиз ва миллий анъаналаримизни ривожлантириш, халқимизнинг ўзига хос табиий ва интеллектуал ресурслари асосида буюк меросимизни дунё цивилизациясининг барча ютуқлари билан бирлаштириш, ёшларни ана шу тамоийиллар асосида тарбиялаш ташкил этади.

«Миллий мафкура» тушунчаси — кенг қамровли тушунча бўлиб, миллий ғоя унинг ўзаги ҳисобланади. Миллий мафкура миллий ғоя теварагида шаклланади жамият ва мамлакат ҳаётининг маданий-маънавий йўналишларидан тортиб сиёсий йўналишларигача бўлган барча соҳаларини қамраб олади. Уларнинг фарқи шундан иборатки, булар ягона организмнинг таркибий ва ўзаро бир-бирисиз мавжуд бўла олмайдиган қисмларидир. Миллий мафкура миллий ғояни озиқлантиради, уни мустаҳкамлайди. Миллий ғоя — идеалнинг қарор топишидир, идеал эса мафкурани миллатнинг ҳақиқий, адолатли, муқаддас яшаш тарзи ҳақидаги олий тасавурлари билан бойитади.

Юқорида айтилганлардан шундай савол келиб чиқади: нима учун биз миллий ғояни миллий-давлат ғояси деб атай олмаймиз? Ахир, бутун миллатга, бутун мамлакатга тааллуқли бўлган ғоя давлат кўмагисиз ривожлана олиши ва умуман мавжуд бўлиши мумкинми? Гап шундаки, бундай ғоя давлат кўмагига таяниши ва қўллаб-қувватланиши мумкин, лекин юртбоши томонидан таклиф этилиб, халқ орасида муваффақиятга эга бўлган тақдирдагина у ҳаётий бўлади ҳамда у халқ ва унинг раҳбари ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб қолади. Фақат шундагина унинг муваффақияти кафолатланади.

Тарихдан сабоқлар оладиган бўлсак шуни эслашимиз лозимки Ватанимизда миллий ғоя ва миллий мафкура салкам уч минг йиллик тарихга эга. Эрамиздан аввалги I минг йиллик бошларида яратилган «Авесто»да биринчи бор эзгулик ғоялари яхшилик билан ёвузлик ўртасидаги кураш, яхшиликнинг устун бўлиши мақсадлари ғояси илгари сурилган. Бунинг ёрқин далили

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов. Миллий мафкура ҳақида. Т., «Ўзбекистон», 2000 й., 96-бет.*



сифатида «Авесто»да учрайдиган муқаддас, ҳиссиётлар маъносини билдирадиган ўзбекча бахт, нажот, посбон, обод, меҳр, қуш, мард, замин, мардона, дўст ва бошқа сўзларни келтириб ўтиш кифоя\*. Тадқиқотчилар бу сўзларни «Авесто»да ва Ўзбекистон мадҳиясида мавжудлигини таъкидлашса, биз бунинг тасодифий бир факт эмас, балки бир-бири билан узвий боғланган ва авлодларимизнинг эзгулик ғояларига асосланган тарихий ва табиий мезон деб хулоса қиламиз. Ватанпарварлик руҳига асосланган жипслашиш ғояси халқимиз узоқ тарихининг барча даврларида намоён бўлган. Турон халқларининг милоддан олдинги VI—V асрларда Аҳмонийлар босқинчилигига қарши кураши, Спитамен, Тўмарис бошчилигидаги қўзғолонлар халқнинг Ватан озодлиги йўлида бирлашишга қодир эканини кўрсатди. Шунингдек, Мовароуннаҳрда VII-VIII асрлардаги араб истило-сига қарши Абу Муслим, Муқанна раҳбарлигидаги мустақиллик учун халқ қўзғолонлари ажлодларимизнинг ўзлигини англаш даражаси, маънавий қудратини, ўз юртига муҳаббати нақадар юқори поғонада бўлганлигидан далолат беради.

Ўрта асрларда бу ғоялар ислом эътиқоди билан бойи-ди ва унга асосланди. Ислом дини тўлақонли ҳукмрон мафкура мавқе-сига эга бўлди. Лекин бу мафкура Ўрта Осиёдаги миллий анъаналар, ислом кириб келгунига қадар бу ерда мавжуд бўлган диний, дунёвий маданиятларнинг қоришмасига таянган. Ислом классик таълимоти Ўрта асрларда бизнинг бутун дунёга машҳур бўлган муҳаддис олимларимиз томонидан бойитилди ва ривожлантирилди. Халқни ягона маслак атрофида бирлаштириш, ислом фалсафаси ва тасаввуфидаги комил инсон, адолатли тузум қуриш ғояларини ривожлантиришга жамият ҳаётида тинчлик-тотувлик, ҳамжиҳатлик, илм-маърифат, сабр-қаноат каби сифатларнинг қарор топишида Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Хўжа Аҳмад Яссавий, Абу Мансур ал-Мотурудий, Бурхониддин ал-Марғилоний, Баҳоуддин Нақшбандий каби улуғ алломалар ижоди ва фаолиятининг ўрни беқиёс. XV асрнинг иккинчи ярмида ислом дини амалиёти соҳасида фаолият кўрсатган, Ўрта Осиёдаги йирик норасмий давлат арбоби сифатида тарихга кирган Хожа Аҳрор Валий (тўлиқ исми Носириддин Убайдуллоҳ бин Маҳмуд Анш-Шоций —

---

\* (ЎЗР ФА Тарих институти илмий ходими Р. Абдукамилов тадқиқот натижаси асосида)

1404—1490) нафақат айрим сулола вакиллари, балки бутун жамиятни бирлаштиришга хизмат қилган. Хожа Аҳрор фаолиятининг сиёсий ҳаётга нечоғлик катта таъсири ва ҳаттоки мамлакатни урушлардан сақлаб қолишига муваффақ бўлганлигининг далили сифатида Шоҳрухия воқеалари ҳақидаги тарихий ҳодисаларни келтириш мумкин. Бу ерда ўзаро ихтилофда бўлган уч ҳукмдор — Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад, Фарғона ҳукмдори Умар Шайх, Тошкент ҳукмдори Султон Маҳмуд эшоннинг қатъий ҳаракатлари туфайли урушни тўхтатиб, битим тузишган ва иттифоқлик юзага келган.

Шу даврда нафақат диний арбоблар, балки улуг шоир ва мутафаккирлар ҳам Ватан ва халқ манфаати ва равнақи йўлида хизмат қилишган. Бундай фидоийлик ва инсонпарварлик туйғулари Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби мутафаккирлар ижодида ўзининг юксак ифодасини топган.

Шу ўринда мамлакатимизнинг ўз мустақиллигини тиклаш даврида, яъни буюк Амир Темури бошчилик қилган марказлашган қудратли давлатнинг энг асосий ғояси нимадан иборат эди? — деган ҳақли савол тугилади. Буни билиш учун нафақат ҳозирги даврда катта библиографияни ташкил этган адабиётларга балки ўша давр манбаларига хусусан «Темур тузукларига» мурожаат этиш даркор. У нафақат ўша вақтда шаклланган ва тарихий тажрибага асосланган кучли давлат ғоясини ифодаловчи ҳужжат, балки тарихчи Л. Лянгле (Тимур тузукларининг француз тилига таржима қилган олим) сўзи билан айтганда авлодларга қандай қилиб бундай давлатни сақлаб қолиш борасидаги буюк жаҳонгирнинг васияти тарзда қабул қилиш мумкин.

Бу ғоялар 12 моддадан иборат бўлиб, уларнинг асосини эътиқодни сақлаш, ислом динини мустаҳкамлаш ва унга таяниш, узоқни кўриш, ҳушёрлик, огоҳлик, тартиб ва қонунга бўйсиниш, одиллик ва холислик, илм-фанга эътибор қилиш, халқ манфаатини кўзлаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш принциплари ташкил этади.<sup>1</sup> Бир сўз билан айтганда, «Темур тузуклари»да «Буюк ва кучли давлатни барпо этиш ва уни сақлаб қолиш» деган бир ғоя устун турган. Лекин ҳозир-

---

<sup>1</sup> *Уложение Тимура*. Изд-во литературы и искусства им. Г. Гуляма. Т., 1999, с. — 352.

га қадар ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган бу «Буюк давлат» ғояси тақдир тақозоси билан бир-неча асрлар мобайнида фақат халқ қалбида яширин яшади. Унинг юзага олиб чиқиб, улуг Амир Темур ғояларини байроқ қилиб, тараққиёт сари интилиш, ёниб яшаш кейинги даврларда давлат тепасига келган раҳбарлар қўлидан келмади. Тарихнинг қийин, ғоятда истиробли йўлларида ғоявий бўшлиқ даврлари ҳам бўлди. XVII—XIX асрларда шахсиятпараст ва маҳдуд давлат арбоблари томонидан умуммиллий манфаатлар ўрнига, шахсий ва сулолавий манфаатларнинг устун қўйилиши туфайли жамият ҳаётида маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш ва илм-маърифатни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмаганлиги туфайли юртнинг таназзулга юз тутиши, Туркистонда мустамлакачилик тузуми ўрнатилиши, ўзга давлатга тобе бўлиб, миллий давлатчиликнинг барҳам топишига олиб келди.

Лекин чор империясининг тўла-тўқис метрополияга, регионнинг эса колонияга айланиши, кейинчалик Россиянинг таназзулга юз тутиши ва унинг большевикча, Шўро империясига ўсиб ўтиши ҳудудда миллий ғоя, бирлашишга бўлган ҳаракатни бутунлай йўққа чиқарди, деб бўлмайди. Аксинча, у бирлашиш зарурлиги ҳиссини ва бу ҳис ёрқин намоён бўлган миллий озодлик ҳаракатлари, чор амалдорлари зўравонлигига қарши кўзғолонларни келтириб чиқарди. Менимча, Республика Президенти И. А. Каримов асримиз бошидаги миллий озодлик ҳаракати сифатида айнан жадидчиликни ва унинг намоёндаларини тилга олганлари бежиз эмас.

Фикримизча, айнан колониализм даврида бир маданият устидан иккинчиси ҳукмрон бўлиши, маҳаллий аҳолига ёт бўлган турмуш тарзининг зўрлик билан маҳаллий шароитларга татбиқ этилиши, миллий-анъанавий ҳаёт асосларини менсимаслик кабилар охир-оқибатда аҳолининг миллий ўз-ўзини англаш жараёнини тезлаштирди. Бунда, биринчи навбатда, қоқоқликнинг бутун моҳиятини тўғри тушунган ва халқ манфаатлари нуқтаи-назаридан фикр юрита оладиган аҳолининг илғор қисми вакилларининг роли беқиёс бўлди. Бу ўринда биз жадидлар дунёқарашдаги миллий ғоя ҳақида гапира оламизми? Шубҳасиз! Жадидлар қарашларидаги миллий ғоя мисол сифатида талқин қилиниши мумкин. Унинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат эди: қоқоқлик ва турмушдаги консерватизм билан кураш; миллийлик-

ни сақлаган ҳолда, кундалик турмушдан тортиб ҳамма соҳаларда — маориф, диний қарашлар, таълим, маданият ва санъатнинг янги турларини жорий этиш, аҳолига тарихий онгни сингдириш каби ислоҳотларни ўтказиш ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда сиёсий ислоҳотлар ўтказиш зарурлигини тушунишга, қўйилган вазифаларни бажариш учун мустақилликка эришиш кераклигини тушунишга олиб келди. М. Беҳбудий, А. Чўлпон, А. Авлоний, А. Фитрат ва бир қатор бошқа жадидлар асарларига асосланган ҳолда, биз улар миллий ғоясининг асосий бўғини Туркистондаги халқларни бирлаштириш ғояси бўлганлигини кўрсатишимиз мумкин. Миллат тушунчаси остида улар келиб чиқиши мусулмон бўлган ҳудудда яшовчи барча аҳолини, бир сўз билан айтганда, Туркистон халқини тушунганлар. Беҳбудий шундай ёзган эди: «Агарда биз Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифоқ этиб, бугундан ислоҳотга, иттифоққа қадам қўйсак, зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва уламоимиз бирлашиб дин ва миллат, ватан ривожини учун хизмат этсак», шунда биз бошқаларга қарам бўлмаймиз».<sup>1</sup> Жамият ва миллатнинг тақдирининг ҳар бир аъзосининг тафаккурига боғлиқлиги ҳақидаги ғоя жадидларнинг фалсафий-тарихий қарашларида муҳим ўрин тутган ғоялардан бири. Бу ғоя А. Фитратнинг «Манфаат надур?» номли мақоласида ўзининг ёрқин ифодасини топган:

«Қайси миллатнинг ичида фидокорлар кўп бўлса, бундай миллатнинг ҳаёти ва баҳоси кўпроқ бўладур, қайси миллатнинг бошида фидокор шахслар кам бўлса, бу миллатнинг ҳалокати ва нобудлиги ҳам яқин бўлур».<sup>2</sup>

Исломни тушунишни ислоҳ қилиш борасида жадидлар диний ақидаларга одамларни кўр-кўрона ишонмасликка чақирдилар: эътиқоднинг асосий моҳияти сифатида улар инсонга худо ўзини ҳар томонлама намоён қилиш учун барча имкониятларни берганлиги ва ўзи яшайдиган жамиятни такомиллаштириб бориши зарурлигини кўрсатиб ўтдилар. Фитрат «Ҳаёт ва ҳаёт ғояси» мақоласида шундай ёзади: «Оллоҳ инсонга энг буюк қудрат ва зўр қурол ато қилган. Инсон унинг ёрдамида оламни забт этиб, ўз итоатига киритмоғи мумкин эди. Бу қудрат ва қурол нима эди? АҚЛ!»<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Улуғ Туркистон. 1917, 12 июнь.

<sup>2</sup> Ойна. 1913, № 46

<sup>3</sup> Ойна. 1913, № 8

Жадидлар миллий гоёсининг муҳим таркибий қисмларидан бири яна тарихий онгни ривожлантиришдан иборат эди. М. Беҳбудийнинг «Тарих ва жуғрофия» асарида бу ҳақида батафсил айтилган. У: «Паст қолган ва ё тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат ё нопадид бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак. Мусулмонлик қандай кўпайди ва тараққий этди ва альон на учун мусулмонлар таназзул этдилар? Ва иложи худдорий ва тараққий надур? Муни билмоқ учун тарих ўқумоқ керак... Чунки ҳар нимаса ва шунинг асли ва насли тарихидан билинур», — деб ёзган эди.<sup>1</sup>

Лекин тараққиётга эришиш учун, биринчи навбатда ўзаро келишмовчиликлардан қутулиш керак эди. Беҳбудийнинг сўзича, ички келишмовчиликлар тобелик ва мустамлака тизимининг ривожига олиб келди. Жадидлар миллат сўзини кўп ишлатиб, уни халқ маъносида қўллаганлар. Улар мустамлакачилик остида эзилиб келган халқ оммасининг оғир ижтимоий аҳволи ва Туркистоннинг жаҳоннинг иқтисодий тараққий этган мамлакатларига нисбатан секин ривож топаётганлигини, халқнинг ғафлатда қолганлигини тушунган ҳолда, уни маърифатга ундадилар ва ислоҳотларга қадам қўйдилар. Уларнинг асарлари изтироб ва куюниш туйғулари билан сугорилган.

А. Авлониё:

*«Кўзларинг оч миллат, кўп замон ғофил ётдинг,  
Умринг ўта етмоқда,  
қайғуга тоза ботдинг,  
Кетди шону шарафинг,  
Мозор тошдек қотдинг»  
деб ёзса,*

Тавалло унга ҳамоҳанг:

*«Кел, эй миллат, кўзинг оч, сен ҳам оламни томошо қил.  
Кўтар бошингни бидъат лойидин, ўзни мусаффо қил.  
Тузуб ширкат, ўқутуб, миллат ўғлин хотирин жо қил  
Фаниматдур бу фурсат зарраи оламга парфо қил»,*

дея халқни уйғотишга ҳаракат қилганлар. Улар тараққиётга фақат тинчлик йўли билан, парламент орқали эришишни лозим топганлар. Ўзбек халқининг тинч-тотувликка интилиши ва ўзига хос миллий менталитети,

<sup>1</sup> Ойна, 1914, № 27.

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, улар тинч йўл билан петициялар, намоёнлар уюштиришга, давлат Думасида очиқ чиқишлар, намоёнлар уюштиришга ва турли-туман рўхсат этилган восита ва имкониятлардан фойдаланиб, чор ҳукуматидан ўз халқи манфаати учун сиёсий ҳуқуқларни талаб қилишга, Туркистон миллий тараққиёти учун объектив ҳаётий талабларга жавоб берувчи имкониятни яратишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳам миллий ғоянинг бир хусусияти бўлган дейиш мумкин. Қон тўкилишлар, ҳарбий қуролли тўқнашувларга қарши бўлсалар ҳам, жадидларнинг шиори «Ҳақ олинур, берилмас»дан иборат эди. Бу жумла ўзида фаоллик, шижоатлик ва фидойиликни ифода этган. 1917 йилда вақтли ҳукумат миллий автономияни ўз хоҳиши билан бермаслигига кўзи етган жадидлар Кўқонда «Туркистон мухториятини» эълон қилдилар.

Миллий-тараққийпарвар ҳаракатнинг бостирилиши, большевиклар томонидан Туркистон мухториятининг тугатилиши билан мустабид тузумнинг барча даҳшатларини ўзида синаб кўрган халқнинг «совет даври» тарихи бошланади.

Совет давлати ўрнатган мустабид тузумининг даҳшатли қатагон сиёсати 30—50-йилларда мустақил, озод ва эркин Ватан орзусида яшаган энг қобилиятли, фидойи вакиллар, миллат гулларини қириб ташлади. Уша даврда халқ онгидан, қалбидан миллат манфаати, миллат мустақиллиги, миллий ғоя ҳақидаги фикр туйғулари буткул суғуриб ташланиб, улар ўрнига жамият ҳаётига, турмуш тарзи қонуниятларига зид, мутлақо ёт бўлган, марксча-ленинча таълимот ғояларини, коммунистик мафқурани куч билан қарор топтириш мақсади кўзланган эди. Лекин халқимизнинг ўз миллий ғоясига садоқати 1918 йилдан бошлаб то 30-йилларнинг ўртасигача Туркистон минтақасида давом этган истиқлолчилик ҳаракатида ўз аксини топди. Болшевик мафқурачилар томонидан «босмачилик» деб тамға қўйилган ҳаракат иштирокчиларининг қаҳрамонликлари, Ватанга нисбатан бўлган меҳр-муҳаббати, ўз халқининг тақдирини учун қайғуриш ҳислатлари бир буюк ғоя — Бутун Туркистоннинг миллий истиқлоли ва мустақиллиги учун кураш ғояси эди. Лекин бу ҳаракат ҳам большевиклар томонидан бостирилади, чунки унинг ғояси коммунистик ақидаларга зид эди.

Коммунистик мафқурада ҳамма нарса аниқ ва равшан: мафқуравий андозаларни ўзлаштириш учун ало-

ҳида қобилият ҳам, махсус маълумот ҳам зарур эмасди. Бу андозалар оммага, Ъломонга минбарлардан туриб, митингларда айтиш учун махсус тўқиб чиқарилган бўлиб, жиддий бош қотиришни талаб этмас, унинг фақат ёдлаш ва қўйилган вазифаларни бажариш учун амалда қўллашнинг ўзи кифоя эди. Динини инкор этиш ва шахс ташаббусини бўғишга йўналтирилганлигининг ўзиёқ кўп жиҳатдан бу мафкуранинг вақтинчалиги ва беқарорлигини белгилар эди, бу эса ёшлар психологияси ва ҳиссиётига салбий таъсир кўрсатарди. Коммунистик тарғибот қандай ваҳшиёна шаклларга бурканмасин (диний арбобларни отиш ва таъқиб қилишлар, мачит ва черковларни бузиб ташлаш, «халқ душмани» образини яратиш ва қатағонлар) халқ қалбининг тубида яширинган, унинг диний-миллий орзу-умидларини ўз ичига олган сарҳадларга ета олмади. Бироқ бу мафкуранинг энг ҳалокатли камчилиги — унда бирон-бир халқ ва миллатга мансублик туйғусининг йўқлиги эди. «Халқ» атамаси совет терминологиясида йиғма ва сунъий тушунча бўлиб, «миллат» атамаси эса давлатчилик диққат марказида умуман йўқ эди, уни кўп ишлатганлар «миллатчи» тамғасини олар эди ва тақдири фожиали тугарди. Ундан фақат халқни босиб туриш учун фойдаланиларди (80-йиллар охирларидаги «ўзбеклар иши»ни эсга олайлик).

Лекин шундай шароитда халқ миллат қандай қилиб ривожланди, маълумки ютуқларга эга бўлди? Бунга, биринчи навбатда миллий руҳ, эътиқод, кўп асрлик миллий анъаналарни сақлаб қолганлиги, ўзбек халқи бирлиги ҳиссининг йўқотмаганлиги сабаб бўлди.

Шундай улкан тарихий тажриба 1991 йилга келиб тарихий феномен — мустақил ўзбек давлатининг тинч йўл билан вужудга келиши сифатида намоён бўлди. Албатта, бу ҳодиса тасодифий ҳол эмас, балки тарихий тараққиётнинг илгари босқичлари, халқларнинг ўз мустақиллари учун курашлари замирида юзага келган қонуний натижаси эди.

Давлатчилик тарихидан маълумки, ҳар бир давлат ўз мафкураси, маънавий қонунлари асосида яшайди. Лекин мафкура миллий-тарихий тажрибага таянмаса, жамият ҳаётига ёт унсур бўлиб, бегона қушнинг уясига келиб тушган қуш сингари бостириб кирса, уни совет мафкураси тақдири кутади. Бизда бундай хавф йўқ, чунки мустақиллик мафкураси асосига тарихий хотирани ва диний қарашларни тиклаш вазифаси қўйилган.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, «Модомики ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур».<sup>1</sup> Шунингдек, у диний қадриятларимизга муносабат ҳақида тўхталар экан: «биз ўзимизнинг муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан асло воз кечмаймиз, шу билан бирга, муқаддас динимизга доғ туширмоқчи бўлганларга нисбатан муросасиз кураш олиб борамиз» — деб уқтириб ўтган<sup>2</sup>.

Бу жиҳатдан мамлакатимиз диннинг софлигини сақлаб қола олди, ислом қадриятлари ва анъаналарини тўғри тушунишини намоён қилди. Қисқа давр мобайнида рўй берган маънавий воқеалар: тарих, алабиёт, санъат таълим ва тарбия тизими соҳасида амалга оширилган ишлар ҳам миллий мафкуранинг шакллантирилаётганидан далолат беради. Бундан ташқари, бизнинг ҳудудимизда турли диний конфессияларнинг мавжудлиги ва ёнма-ён тинч-тотув фаолият жүрсатаётганлиги ҳам миллатлараро уйғунлик белгиларидан биридир. Мамлакатимиз Президенти томонидан «Инсон манфаати», «аёллар», «соғлом авлод» йиллари эълон қилинганлиги, бу борада Ўзбекистон ҳукумати бир қанча қарорлар қабул қилганлиги бу соҳаларда мавжуд бўлган муаммоларни муваффақиятли ҳал этишни таъминлабгина қолмай, шу билан бирга, ижтимоий-маънавий фикрни шакллантирдик, бу ҳам миллий мафкуранинг бир қисми ҳисобланади.

Умуман айтганда, биз маънавий жиҳатдан Фарбдан ҳам, Шарқдан ҳам ҳеч нарсани намуна қилиб олмоқчи эмасмиз, бу ерда шундай ўзига хос маданият қарор топганки, унинг илдизлари чуқур тарихий манбаларга бориб туташади ва ўзига қадимги дунёнинг деярли бутун маданиятини сингдириб олган. Фарб ва Шарқнинг тажрибалари бизга тақлид қилиш учун намуна эмас, балки сабоқ бўлиши лозим. Бизга тақлидчилик ҳам, ўзимизни бошқаларга қарама-қарши қўйиш ҳам бирдай ётдир. Биз алоҳида миллатмиз, лекин ошкора мулоқот дунёсида фаолият жүрсатамиз. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, миллий мафкура битта миллат белгилари билан чекланиб қолмайди, шунинг учун бу тамойил

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Асарлар, 7-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1998, 139-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда. 354-бет.



Ўз кучларини ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш учун бирлаштирган кўп миллатли Ўзбекистон халқи ҳаётининг асосий тамойилига айланган.

Юқорида биз миллий мафқуранинг замонавий талқини мамлакат Президенти И. А. Каримов асарларида асосланганлигини кўрсатиб ўтдик. Уларни таҳлил қилар эканмиз, жамиятнинг барча аъзоларига тушунарли бўлган ғоялардан иборат эканлигини англаб оламиз. Миллий истиқлол мафқураси — бу халқнинг ўзгаларга тобе бўлмай эркин ва озод яшаш, ўзини ўзи идора этишга қаратилган, унинг истиқлолини белгилайдиган орзу-умидлари, ғоялари мажмуидир. Жаҳон ҳамжамиятидаги мутараққий давлатлар орасида ўз юқори мавқеига эга кучли ва адолатли давлат қуриш ва унинг мустақиллигини таъминлаш Президент сўзи билан айтганда «... мустақилликни мустаҳкамлаб, истиқлолни мустаҳкамлаб — олға юриш, ... Халқимизни, барча сиёсий кучларни, жамоат ташкилотларини яқдил, бир жон, бир тан қиладиган ғоя аслида мана шу».<sup>1</sup> Буни таъминлаш учун ҳар бир фуқаро биринчи навбатда хавфсизликни ўйлаши зарур. Бу йўлда мен қандай фойда келтиришим мумкин — деган савол билан кунни бошлаш керак. Ватаннинг озод ва обод бўлишини истовчи ва бунинг учун ҳаракат қилувчи жамият фуқаро эркинлигини ва қонун устиворлигини таъминлайди. Миллий мафқуранинг энг муҳим қисми — комил инсонни тарбиялаш — «янгича, эркин фикрлайдиган, мутелик ва журъатсизлик туйғусидан мутлақо холи, мустақил инсонни тарбиялашдир». Ўлмас қадриятлар, динга ҳурмат ва эътиқод билан бирга миллатлараро тотувлик, қарияларга ҳурмат, ёшларга ва аёлларга иззат миллий мафқурамизни негизи ҳисобланади.

Бу муаммолар миллий мафқуранинг назарий шаклида ўз ифодасини топиши керак. Албатта, биринчи навбатда, бу шакл Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини қалбига етиб борувчи, бебаҳо ватанпарварлик туйғуларини уйғотувчи сўзлар билан ёзилган ва ҳар бир соҳа бўйи аниқ саволларга жавоб олиш мумкин бўлган китоб бўлиши керак у «миллий ғоя» ва «миллий мафқура» деганда нимани тушуниш керак, уларга бўлган эҳтиёжи нимага асосланади; Ўзбекистон ва жаҳон миқёсидаги тарихий тажриба ва тарихдаги ғояларнинг миллийлиги

---

<sup>1</sup> *Ислом Каримов*. Танланган асарлар. 1-жилд. Т., 1993, «Ўзбекистон». 217-бет.

ва номиллийлиги нимада кўринади; уларнинг халқимиз тақдирига ижобий ва салбий таъсири ва оқибатлари қандай бўлган; нима учун коммунистик мафкура инқирозга учради ва маънавий бўшлиқ қандай оқибатларга олиб келиши мумкин; биз қандай жамият ва давлат кўрмоқчимиз ва қандай ғоялар асосида ижтимоий, сиёсий иқтисодий тамойилларни ривожлантирмоқчимиз; эътиқодимиз, маданият ва маънавиятимизни келажакда қандай шаклларда тасаввур қиламиз; хавфсизлигимиз, тинчлигимиз учун ҳар бир фуқародан нималар талаб этилади деган саволларга аниқ ва очиқ жавоб берувчи қўлланма шаклида бўлиши керак. Миллий мафкура ҳақидаги китоб барча ёшдаги фуқаролар ва, айниқса, ёшлар учун маънавий омил сифатида жуда зарурдир. 1999 йилда Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудида ўзини намоён қилган диний-экстремистик ҳаракатлар ва уларга қарши кураш озодлик ва демократиядан нафақат фойдаланиш, балки уларни ҳимоя қилишни зарурлигини кўрсатди. Бу эса ёшлар учун катта сабоқ. Чунки келажакда айнан шу ёшлар мустақилликни сақлаш ва мустаҳкамлаш вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам миллий мафкура зарур ва у ўз Ватанини севадиган Ўзбекистон фуқароси учун «қалб китоби» бўлиб қолиши лозим.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши .....	3
А. Х. Саидов. Сиёсий мустақилликнинг қўлга киритилиши ва демократик ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши. ....	7
Р. Ж. Рўзиев. Мамлакатда янги иқтисодий муносабатлар ҳуқуқий асосининг шаклланиши. ....	27
А. Улмасов, А. Ваҳобов. Иқтисодий тузумни қайта қуриш. Бозор иқтисодига ўтишнинг ўзига хос йўли. ....	39
А. Голованов. Аграрные преобразования в независимом Узбекистане: опыт, проблемы, уроки. ....	68
Э. Нуриддинов. Развитие равноправных торгово-экономических связей Узбекистана с зарубежными странами (на примере стран Европейского Союза). ....	98
Н. Жўраев. Маънавий покланиш ва миллий қадриятларнинг тикланиши. ....	111
Д. Фуломова. Ўзбекистон хотин-қизлари мустақиллик йилларида. ....	136
О. Мусаев. Миллий сиёсат ва миллий-маданий марказлар. ....	147
Н. Ш. Зиямов. Миротворческая деятельность Узбекистана в решении внутрирегиональных конфликтов. ....	162
М. Раҳимов. Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан кўп томонлама ҳамкорлиги. ....	185
Ю. Ш. Шодиметов. Экологик муаммоларни ҳал қилишда жамоат ташкилотларининг роли («ЭКОСАН» халқаро жамғармаси фаолияти мисолида) .....	199
Д. А. Алимова. Миллий ғоя ва тарих тимсоллари. ....	210

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИНИНГ  
ДАСТЛАБКИ САҲИФАЛАРИ

(Даврий тўплам)

№ 3

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
Бош таҳририяти  
Тошкент — 2000

Муҳаррирлар *А. Бобониёзов, Э.Иргашева*  
Бадий муҳаррир *М. Самойлов*  
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*  
Мусаҳҳиҳ *Ж. Тоирова*

Теришга берилди 2.05.2000. Босишга рухсат этилди 21.06.2000.  
Бичими 84X108  $\frac{1}{32}$ . Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма  
табоғи 11,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 11,8. Адади 5000 дона. Буюртма  
№ 593. Баҳоси шартнома асосида.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.**